

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УЎК: 811.512.133`373.7**

**ЖУМАЕВА ЗУБАЙДА ШАВКАТОВНА**

**ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВА  
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.01. – Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Маматов Абдуғафур Эшонқулович,  
филология фанлари доктори, профессор**

**Жиззах – 2021**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК МЕНТАЛ ТАДҚИҚИ</b> .....	13
1.1. Кийим компонентли фразеологик бирликларнинг лингвокультурологияси .....	13
1.2. Озиқ-овқат компонентли фразеологизмларда менталитет ифодаси .....	33
1.3. Зоонимик фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик хусусиятлари .....	48
Боб бўйича хулосалар .....	69
<b>II БОБ. РАНГ КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ</b> 71	
2.1. Ранг компонентли ижобий маъноли фразеологик бирликларнинг лингвокультурологияси .....	71
2.2. Ранг компонентли салбий маъноли фразеологик бирликларнинг лингвопрагматикаси .....	86
Боб бўйича хулосалар .....	95
<b>III БОБ. СОН РАМЗЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ</b> .....	97
3.1. Рақам компонентли фразеологик бирликларнинг лингвокультурологияси .....	97
3.2. Рақам компонентли фразеологик бирликларнинг лингвопрагматикаси	115
Боб бўйича хулосалар .....	127
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР</b> .....	129
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	132

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида тил ва маданият муносабати билан шуғулланувчи лингвокультурология соҳасининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оламнинг лисоний тасвири, лингвокультурология, когнитив ва гендер тилшунослик борасида халқаро доираларда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир халқ маданий ўзига хослигини сақлаб қолишга жиддий эътибор қаратаётган бугунги глобаллашув даврида мазкур мавзуга қизиқишнинг орта бораётгани, тилнинг маданиятда акс этиши ва аксинча, маданият белгиларининг тил тизимида ифодаланиши мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Дунё тилшунослигида ҳар бир халқнинг ўз миллий анъаналари, ҳаёт тарзи билан боғлиқ қадрият ва урф-одатларини сақлаб қолиш, ёйиш, миллий тил умрбоқийлигини таъминлашга қаратилган лингвистик тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ушбу тадқиқотлар ҳар бир миллатнинг этногенезиси, моддий ва маънавий маданияти тил билан боғлиқ тарзда ўзининг илмий-назарий асосини топишини исботламоқда.

Ўзбек тилшунослигида ҳам тилнинг миллий маданият билан алоқасини ўрганувчи лингвокультурология соҳасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Бироқ этноснинг моддий-маънавий тамаддунида акс этган миллий онг, тарихий тажриба, дунёқараш, тафаккур, миллий ментал хосланишни намоён этувчи фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик тадқиқи доирасида изланишлар етарли даражада амалга оширилмади. Зеро, «Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир. Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият

намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадий дурдоналар яратганлар»<sup>1</sup>  
Бу бебаҳо меросни, айниқса, тилимизнинг ноёб хазинаси бўлмиш  
фразеологик birlikларни кенг ўрганиш бўйича лингвомаданий замонавий  
ёндашувлар асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлиги ҳозирги  
замон тилшунослигининг долзарб масаласидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги  
ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини  
ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар  
стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февральдаги ПФ-4958-сон «Олий  
ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»,  
2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили  
сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари  
тўғрисида»ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон  
«Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини  
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари; 2019 йил 4  
октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили  
ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш  
тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа  
маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга  
оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари  
ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация  
республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган  
жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий,  
маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини  
шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига  
мувофиқ бажарилган.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019 йил, 22 октябрь.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида фразеологик бирликларни лингвокультурологик жиҳатдан ўрганиш XX асрнинг 90-йилларидан бошланган. Илк тадқиқотлар В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби тилшунослари Ю.С.Степанов, А.Д.Арутёнова, В.В.Воробьёв, Н.Ф.Алефиренко, В.М.Шаклеин, В.А.Масловлар томонидан олиб борилган изланишлар<sup>2</sup> билан боғлиқ равишда пайдо бўлган.

Ўзбек тилшунослигида фразеологизмларни илмий-амалий тадқиқ қилиш бўйича қатор докторлик<sup>3</sup>, номзодлик ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари<sup>4</sup> ҳимоя қилинди, илмий мақолалар<sup>5</sup>, монография ва ўқув қўлланмалари нашр этилди<sup>6</sup>.

Лингвокультурология тилни маданият феномени сифатида ўрганувчи фан бўлиб, ўзаро алоқадорликда бўлган тил ва маданият унинг предметини

---

<sup>2</sup> Телия В.Н. Русская фразеология: семантические, прагматические и лингвокультурологические аспекты. –Москва, Школа. «Языки русской культуры».1996.С.-286; Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие –Москва, Наука.2010. –С.21.; Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. –Москва, Изд. Центр «Академия».2001.С. –208.; Шаклеин В.М. Лингвокультурология. Традиции и инновации. Монография – Москва, Флинта.2012.С. –301.; Воробьёв В.В. Лингвокультурология: теория и методы. Монография. – М.:Изд.РУДН.2008. –С.240.

<sup>3</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол.фан. д-ри.дис. ...автореф–Тошкент, 1966. –Б.46; Йўлдошев. Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол.фан.д-ри.дис. ...автореф.–Тошкент, 1993. –Б.47; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол.фан.д-ри.дис. ...автореф. –Тошкент, 2000. –Б.56.

<sup>4</sup> Рўзикулова М.Ўзбек тилида идиомалар: Филол.фан.ном.дис. ...автореф. –Тошкент, 1966. –Б.20; Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Автореф.дис....канд.филол.наук. –Тошкент, 1976. – Б.21; Ҳакимов Қ. Ўзбек тилидаги содда гап қолипиди фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги: Филол.фан.ном.дис....автореф. –Тошкент.1994.–Б.27.; Усмонова Ш.Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар:Филол.фан ном.дис...автореф. –Тошкент, 1998. –Б.24; Алмаматова Ш. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол.фан.ном.дис. ...автореф. –Тошкент, 2008. –Б.23; Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили.Филол.фан.ном.дис. – Тошкент, 2009. –Б.127; Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили( кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида): Филол.фан.фалсафа док (PhD)дис. ...автореф. –Самарқанд. 2018. –Б.51; Болтаева Б.Ўзбек тили фразеологик бирликларнинг трансформацияси (семантик-прагматик таҳлил):Филол.фан.фалсафа док(PhD)дис....автореф. –Самарқанд. 2019. –Б.48; Мусаев А. Грамматическая разработка глагольных фразеологизмов в толковых словарях русского языка.Диссер.док.филол.наук (PhD). –Ташкент,.2019. –С.123 .

<sup>5</sup>Маматов А.Лексик интеграция асосида фразеологизмларнинг шаклланиши //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999.№6. –Б.29-33; Умаров Э.Фразеологическая контаминация языка Алишера Навои //Сов.тюркология. –Ташкент, 1974.№5. –С.23-27; Раҳматуллаев.Ш. Фейл фразеологик бирликларда мавжудлик категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1963. №4. –Б.32-36 .

<sup>6</sup>Маматов А. Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари.-Тошкент,.Наврўз,1996.-Б.54; Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. –Тошкент, Фан.1970. –Б.60; Йўлдошев Б.Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. –Самарқанд.Сам.ДУ нашри, 2002. –Б.37;

ташкил қилади. В.Н.Телия бу ҳақида шундай ёзади: «Лингвокультурология инсоний, аниқроғи, инсондаги маданий омилни тадқиқ этувчи фандир»<sup>7</sup>. Тилшунос Г.Г.Слышкин ўз изланишларида бу фикрни конкретлаштиради ва лингвокультурологиянинг маркази маданият феноменидан иборат бўлиши инсон ҳақидаги фаннинг антропологик парадигмага тегишли ҳодиса эканлигидан далолат беришини<sup>8</sup> таъкидлайди.

Ўзбек тилшунослигида лингвокультурологик тадқиқотлар охириги ўн йилликларда пайдо бўла бошлади. З.И.Солиеванинг номзодлик ишида ўзбек ва инглиз тилларидаги сентенция, яъни ахлоқий-таълимий характердаги матнларнинг миллий-маданий хусусиятлари<sup>9</sup> ёритилган. Д.Худойберганованинг «Матннинг антропоцентриқ тадқиқи» номли монографияси ўзбек тилидаги матнларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган.<sup>10</sup> Ш.Усмонованинг «Лингвокультурология» дарслигида тил ва маданият, лингвокультурологиянинг асосий мақсад ва вазифалари, йўналишлари, методлари, лингвомаданий бирликлар таҳлили, турли лингвомаданиятлардаги рамзлар ва стереотипларнинг қиёси, маданиятнинг тилдаги ўрни каби масалалар ёритилган.<sup>11</sup> А.Маматовнинг «Ўзбек тили фразеологияси» ўқув қўлланмасида фразеологик бирликларни ўқитишнинг лингвомаданий ва дидактик аҳамияти ҳақидаги тушунчалар изоҳлаган.<sup>12</sup> Диссертацияда жаҳон тилшунослигига янгича қарашлари билан кириб келган - *этнофразеология* ҳақидаги тушунча илк бор ўрганилди. Ушбу соҳага асос солган тилшунос олимлардан В.И.Аверченко,

---

<sup>7</sup>Телия В.Н. Русская фразеология: семантические, прагматические и лингвокультурологические аспекты. –Москва. Школа «Языки русской культуры»,1996. С. –222.

<sup>8</sup>Слышкин Г.Г.От текста к символу к символу. Лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании дискурса. –Москва. Академия, 2002. С. –128.

<sup>9</sup>Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика синтаксисов в английском и узбекском языках: Афтореферат.дисс...канд.филол.наук–Тошкент, 2010. С. –25.

<sup>10</sup>Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. –Тошкент. Фан, 2013. –Б.136.

<sup>11</sup>Усмонова Ш. Лингвокультурология. –Тошкент, 2019. –Б.246.

<sup>12</sup>Маматов.А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. –Тошкент. Наврўз, 2019. – Б.224.

Т.И.Скоробогатова, М.С.Гутовскаялар ўз изланишларида<sup>13</sup> *этнофразеология* айнан этноним сўзлар жамланмасида бошқа тил бирликларига нисбатан шаффоф ва аниқ кўринишга эгаллигини ҳамда у ёки бу этник жамият кўрсаткичлари билан шуғулланувчи соҳалигини исботлашади. Биз шу ўринда ўзбек фразеологик бирликлари ҳам этнофразеологик жиҳатдан ўрганилиши зарур деб ҳисобладик.

Юқоридаги изланишларда фразеологик бирликлар лингвокультурологик, лингвопрагматик жиҳатдан айнан жонли коммуникатив жараёнлар ва уларда қўлланиладиган тил ифодаларининг синхрон ҳаракатидаги халқ менталитети билан алоқаси тадқиқ қилинмаган. Иборалар халқ тафаккури маданияти ва менталитетининг муҳим хусусиятлари ва қимматли маълумотлар манбаи саналгани учун, ишимизда халқимизнинг азалий миллий удумлари, ривоятлари, таомиллари, урф-одатлари, одоб-ахлоқ, турмуш тарзи ва рамзлар ҳақидаги тасаввурлари инобатга олиниб, фразеологизмлар этник, семантик ва лингвокультурологик жиҳатдан тадқиқ қилинади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 1-сон «Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари» (2018-2020 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** озиқ-овқат, зооморфизм, кийим-кечак, ранг, рақам компонентли этнофраземаларнинг рамзий хусусиятларини семантик-прагматик, лингвокультурологик ҳамда тиллар миқёсида миллий-маданий жиҳатдан очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

---

<sup>13</sup>Гутовская М.С. К вопросу этноспецифичности во фразеологии: этнокогнитивная специфичность. Когнитивные факторы взаимодействия фразеологии со смежными дисциплинами. Сборник научн.трудов. Белгород, 2013.С. –129;<https://elib.bsu.by/handle/123456789/207863>; СкоробогатоваТ.И. Этническая картина мира и этноидиоматика.//Вест.Православ.Свято-Тихон.гуманитар. Ун-та.Сер.3:Филология, 2007.-№9.-С.97-114.

фразеологик бирликларни лингвокультурологик ментал тадқиқ этишда айна хусусиятни ифодаловчи компонентли фразеологик бирликларнинг миллий-маданий семантикасини тил миқёсидаги моҳиятини белгилаш;

миллатнинг энг асосий таомилларини ўзида қамраб олган ва шу миллат дидини белгилаб, миллий, маънавий-руҳий эҳтиёжини кўрсата олишга хизмат қилувчи озиқ-овқат компонентли фразеологик бирликларни тадқиқ этиш;

миллатнинг лисоний бойлиги, тафаккури, ранг-баранглиги, ўзига хослиги манзарасини очиб беришга хизмат қиладиган, шу билан бирга миллий қадриятларимизни ўзида қамраб олган зоонимик фразеологик бирликларнинг этномаданий хусусиятларини кўриб чиқиш ва тилшунослик анъаналари асосида тавсифлаш;

фразеологизмларнинг лингвокультурологик хусусиятларини тадқиқ этишда ранг ва рақам компонентли фразеологик бирликларнинг яратилиш жараёни ва тарихи, этимологияси, ўзга миллат эътиқодига мансуб инсонлар фаразида фразеологик бирликларнинг жозибадорлигини очиб бериш;

ўзбек тили этнофраземаларини лексик-семантик, функционал, систем-структур ва тематик жиҳатдан замонавий дунё тилшунослиги тажрибаларига асосланган ҳолда изоҳлаш.

**Тадқиқотнинг объектини** фразеологик луғатлардаги озиқ-овқат, ранг, рақам, кийим-кечак, зооним компонентли фразеологик бирликлар ҳамда бадий асарлардаги индивидуал-автор фразеологик бирликлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни фразеологик бирликларнинг лингвокультурологияси ва унинг семантик-прагматик тадқиқи ташкил этади.



**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, семантик, систем-структур, қиёсий-тарихий компонент таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

миллий қадриятларни акс эттирган “рўмол ўрамоқ”, “нонини туя қилмоқ”, “мусичадай беозор” каби урф-одатлар билан боғлиқ кийим, озиқ-овқат, зооним компонентли фразеологик бирликларнинг анъана, расм-русумларга оид диний ва халқ тафаккур даражасини белгиловчи ижтимоий-тарихий этномаданий хусусиятлари очиб берилган;

“оққўнгил”, “оқ ювиб, оқ тарамоқ”, “оқи оқ, қизили қизил” “оқ қилмоқ”, “ичи қора”, “оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ” сингари ранг компонентли фразеологизмлар семантик нуқтаи назардан самимийлик, меҳрибонлик, гўзаллик, хурсандчилик каби ижобий ҳамда норозилик, ҳасадгўйлик, дангасалик каби салбий коннотация касб этиши аниқланган;

рақам компонентли “бир бошини иккита қилмоқ”, “тўрт кунлик дунё”, “санамай саккиз дема”, “эшак элликка кирганда қилиқ чиқарар”, “сичқоннинг ини минг танга” сингари фраземалар яқдиллик, бирдамлик, оила қурмоқ, ўткинчилик, шошқалоқлик, бефаҳмлилик, чорасизлик каби рамзий маънолар ифодаланиши далилланган;

“тўнани тескари киймоқ”, “атлас кўйлаққа бўз ямоқ”, “кавуши кўчада қолгани йўқ”, “оқ фотиҳа”, “қора саҳифа” каби фразеологик бирликлар миллий-маданий семантикасининг луғатларда акс этган халқ ҳаётига мансуб воқеа-ҳодисалар, ахлоқий маънавий-маданий меъёрлар, миллий анъана ва урф-одатлар каби диахрон қўлланиш доираси аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларидан тилшунослик фанининг янги йўналишлари бўлган этнофразеолингвистика, этнолексикографияни муайян илмий-назарий қарашлар билан бойитиш ва чуқурроқ ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган;

диссертациянинг умумлашма хулосалари ўзбек тили этнофраземаларнинг фразеологик назариясини бойитиши ва фразеологик бирликларни ҳудудий ёки умумий этнофраземик аспектда ўрганувчилар учун муҳим манба бўла олиши асосланган;

этнофраземалар мисолида асосланган тадқиқот натижалари соҳага доир муҳим илмий-назарий маълумот бериши билан бирга тил ва маданият масалаларини ўрганувчи этнолингвистика, лингвокультурология, социоллингвистика, антропоцентрик тилшунослик каби соҳалар бўйича дарслик ва қўлланмалар яратилишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** халқ жонли мулоқот нутқи, яратилган фразеологик луғатлардан олинган материаллар этнофраземалар табиатидан келиб чиқиб изоҳланганлиги, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, методик жиҳатдан мукамаллиги, олдига қўйилган муаммонинг аниқ ва етарлича асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан эътироф этилгани, жаҳон тилшунослигининг янги йўналишлари ва таҳлилий усуллари асосида тадқиқ қилингани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фразеология, этнолингвистика, тил ва маданият алоқаларини ўрганувчи ёндош соҳалардаги илмий-назарий муаммоларни ҳал қилишда асос бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ўзбек тили фразеологизмларининг лингвокультурологик, этнолингвистик тадқиқи бўйича яратиладиган дарслик, ўқув қўлланмаларини такомиллаштириш, олий ўқув юр்தларининг бакалавр ва магистратура таълим йўналишларида «Фразеология», «Лексикология», «Этнолингвистика», «Лингвокультурология» бўйича махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Фразеологик бирликларнинг семантик ва лингвокультурологик тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

миллий қадриятларни акс эттирган “рўмол ўрамоқ”, “нонини туя қилмоқ”, “мусичадай беозор” каби урф-одатлар билан боғлиқ кийим, озиқ-овқат, зооним компонентли фразеологик бирликларнинг анъана, расм-русумларга оид диний ва халқ тафаккур даражасини белгиловчи ижтимоий-тарихий этномаданий хусусиятларига оид илмий хулосаларидан 2017-2020 йилларда бажарилган ФЗ-2016-0908165532 рақамли «Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси» номли фундаментал лойиҳасининг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоқ филиалининг 2021 йил 5 июлдаги 147-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳанинг семантик, статистик ва қиёсий таҳлилларнинг мукамаллашувига ҳамда лойиҳада ишлатилган тушунилиши қийин айрим сўз ва фразеологизмларнинг имлоси ва лексикографик изоҳларнинг бойитилишига эришилган;

“оққўнгил”, “оқ ювиб, оқ тарамоқ”, “оқи оқ, қизили қизил” “оқ қилмоқ”, “ичи қора”, “оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ” сингари ранг компонентли фразеологизмлар семантик нуқтаи назардан самимийлик, меҳрибонлик, гўзаллик, хурсандчилик каби ижобий ҳамда норозилик, ҳасадгўйлик, дангасалик каби салбий коннотация касб этиши нуқтаи назаридан; рақам компонентли “бир бошини иккита қилмоқ”, “тўрт кунлик дунё”, “санамай саккиз дема”, “эшак элликка кирганда қилиқ чиқарар”, “сичқоннинг ини минг танга” сингари фраземалар яқдиллик, бирдамлик, оила қурмоқ, ўткинчилик, шошқалоқлик, бефаҳмлилик, чорасизлик каби рамзий маънолар ифодаланиши жиҳатдан аниқланган хусусиятлари таҳлилидан MUZ-2015-0725140051 «Бошланғич синф ўқувчиларининг нутқини бойитишда инглизча-русча-ўзбекча фраземалар

луғатини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Жиззах давлат педагогика институтининг 2021 йил 28 июндаги 04-430-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳадаги сўз ясалиш ва фразеологик шаклланишларнинг таҳлили ва изоҳлари мукаммалашган;

“тўнини тескари киймоқ”, “атлас кўйлакка бўз ямоқ”, “кавуши кўчада қолгани йўқ”, “оқ фотиҳа”, “қора саҳифа” каби фразеологик бирликлар миллий-маданий семантикасининг луғатларда акс этган халқ ҳаётига мансуб воқеа-ҳодисалар, ахлоқий маънавий-маданий меъёрлар, миллий анъана ва урф-одатлар каби диахрон қўлланиш доирасида аниқланган изоҳларидан “Изоҳли луғат” ҳамда “Тил борки миллат барҳаёт” кўрсатув ва эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 4 июнидаги 01-08/687-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатув ва эшиттиришларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва долзарблиги илмий-амалий аҳамият касб этган.

**Тадқиқот натижаларнинг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни юзасидан 18 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та, хорижий журналларда 2 та ва илмий тўпламларда 11 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 147 саҳифадан иборат.

# Ў БОБ. ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК МЕНТАЛ ТАДҚИҚИ

## 1.1. Кийим компонентли фразеологик бирликларнинг лингвокультурологияси

Иборалар ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни кузатиш, жамиятдаги мақбул ва номақбул ҳаракат-ҳолатларни баҳолаш, турмуш тажрибаларини умумлаштириш асосида халқ чиқарган хулосаларнинг ўзига хос образли ифодаларидир.<sup>14</sup> Фразеологик маънонинг ҳажми лексик маънонинг ҳажмига нисбатан кенг ва мураккаблиги билан ажралиб туради. Сўз маъносида бўлмаган, учрамаган компонентлар фразеологизмлар маъносида мавжуд бўлади.<sup>15</sup> Фразеологизмлар тилни, унинг мазмунини янада бойитувчи маънавий хазина бўлиб, улар лингвомаданий объект сифатида миллат маданиятини ўзида жамловчи тил бирлиги ҳисобланади.

Фразеологизмлар тузилишига кўра сўз бирикмаси ёки гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутқ жараёнида яратилмай, нутққа тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирлик бўлиб<sup>16</sup>, воқеликни образли тасвирлаш, уни китобхон кўз ўнгида аниқ ва тўла гавдалантиришда ўрни беқиёс. Ўзбек тилшунослигида фразеологизмларни илмий-амалий тадқиқ қилиш бўйича изланиш олиб борган олимлардан бири А.Маматовнинг фикрича, иборалар тилнинг алоҳида бирлиги бўлиб, тузилишига кўра эркин боғланма ёки гапга тенг, тўлиқ ёки қисман семантик қайта шаклланган образли, турғун сўз бирикмаларни ўз ичига олади.<sup>17</sup>

Муайян жамиятда шаклланган тил тараккий этишда давом этади. Бу жараёнда ўз яратувчиси бўлган халқнинг ўзига хос барча миллий

<sup>14</sup> Ёўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлил асослари. –Тошкент: Фан, 2006. –Б.53.

<sup>15</sup> Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили. НДА. –Тошкент, 2009. –Б.17.

<sup>16</sup> Ҳожиёв.А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Фан, 2002. –Б.124.

<sup>17</sup> Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. ДДА. –Тошкент, 2000 й, –Б.47.

хусусиятларини акс эттириб боради. Натижада, тиллар бир-биридан нафақат тузилишига кўра, балки миллий-ижтимоий жиҳатдан ҳам фарқланади. Бу фарқлар эса тил бирликларида яққол намоён бўлади. Муайян тил вакили айна дамда муайян маданият вакили ҳамдир. Ҳар қандай маданият тилда ўз ифодасига эга бўлади ва улар фразеологизмларда ҳам ўз ифодасини топмай иложи йўқ. Бугунги кунда лингвокультурология ушбу масалаларни чуқур ўрганувчи, миллий тилда ва тил жараёнларида намоён бўладиган моддий ва маънавий маданиятни ўрганувчи ижтимоий соҳа ҳисобланади. Шунинг учун, у маданиятнинг яратилиши, ривожланиши, сақланиши ва намоён бўлиши каби тушунчаларини ўзида қамраб олади.

Лингвокультурология – маданиятнинг миф, афсона, урф-одат, анъана, удум, таомил, рамзларини ўрганувчи соҳа. Бу концептлар маданият кўринишлари бўлиб, улар тилда маиший таомил муомиласи шаклида мустақамланиб бораверади. В.Н.Телиянинг фикрига кўра, лингвокультурология, аввало, жонли коммуникатив жараёнларни ва уларда қўлланиладиган тил ифодаларининг синхрон ҳаракатидаги халқ менталитети билан алоқасини тадқиқ қилади. Лингвокультурология тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида XX асрнинг 90-йилларида вужудга келди ва ушбу термин (лот. **lingua** “тил”, **cultus** “хурмат қилиш, таъзим қилиш”; юнон. “илм, фан”) В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби томонидан олиб борилган изланишлар билан боғлиқ равишда пайдо бўлган<sup>18</sup>.

Лингвокультурологияни тавсифлар экан, Н.Ф.Алефиренко бу соҳа ҳақида қуйидаги изоҳларни келтиради:

–лингвокультурология тилшунослик ва маданиятшунослик билан чамбарчас боғланган бўлиб, у синтезловчи хусусиятга эга;

---

<sup>18</sup>Телия В.Н. Русская фразеология: семантические, прагматические и лингвокультурологические аспекты. –Москва: Школа “Языки русской культуры”, 1996. –С.286.

–лингвокультурологиянинг асосий эътибори тилда изоҳланадиган маданий далилларга қаратилади;

–лингвокультурология тилшунослик фанлари таркибига киради, шунинг учун унинг тадқиқот натижаларидан она тили ва чет тилларини ўқитиш жараёнида амалий фойдаланиш мумкин;

–лингвокультурология тадқиқотларининг асосий йўналишлари: а) лисоний шахс; б) тил маданий қадриятларининг семиотик гаудалантириш тизими ҳисобланади<sup>19</sup>. Тилшунос бу фаразларнинг барчасини маданий қадриятлар омилини белгиловчи тизим деб билиб, мисоллар орқали далиллайди.

Лингвокультурологиянинг асосчиларидан бири В.А.Маслова эса соҳанинг ривожланишини уч даврга ажратади:

1. Фаннинг шаклланишига асос бўлган дастлабки тадқиқодларнинг яратилиши;

2. Лингвокультурологиянинг алоҳида тадқиқот соҳаси сифатида шаклланиши;

3. Лингвокультурологиянинг фундаментал, мустақил фан сифатида вужудга келиши<sup>20</sup>.

XXI асрнинг бошларига келиб лингвокультурология жаҳон тилшунослигидаги етакчи йўналишдан бирига айланиб улгурди. Лингвомаданиятшунослик объекти саналган фразеологизм икки ва ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро барқарор муносабатидан ташкил топган, нутқ жараёнига тайёр ҳолда олиб кирилувчи, тил эгалари хотирасида имконият сифатида мавжуд бўлган барқарор бирикмалардир<sup>21</sup> ва улар ўз ичига иборалар, мақол-маталлар, ҳикматли сўзларни қамраб олади.

---

<sup>19</sup>Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. –Москва: Флинта.Наука, 2010. –С.21.

<sup>20</sup>Маслова В.А. Лингвокультурология.Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – Москва: Изд.Центр «Академия», 2001. –С.208.

<sup>21</sup>Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Шарқ, 2002. –Б.103.

Тилнинг фразеологик фонди халқ маданияти ва менталитетининг қимматли маълумотлар манбаи саналади. Фразеологизмларда муайян халқнинг мифлари, удумлари, ривоятлари, таомиллари, урф-одатлари, маънавияти, ахлоқ ва ҳ.к. ҳақидаги тасаввурлари мужассамлашган бўлади. Масалан, *кўрпасига қараб оёқ узатмоқ* – “имкониятини ҳисобга олиб иш тутмоқ”, *танобини тортмоқ* – “фаолият доирасини, имкониятини чеклаб қўймоқ”, *тўйдан олдин ногора қоқмоқ* – “рўёбга чиқиши аниқ бўлмаган нарса ҳақида ҳовлиқмалик билан вақтидан олдин гапирмоқ”, *тўнини тесқари кийиб олмоқ* – “ўчақишган ҳолда қайсарлик қилмоқ”, *хамир учидан патир* – “катта, кўп нарсадан бошланғич ва кичик бир қисм”, *хирмон кўтармоқ* – “экин-тикинни йиғиб, ҳосил меъёрини ҳисоб-китоб қилмоқ”, *хўжа кўрсинга* – “шунчаки, номигагина”, *Хизрни йўқласам бўлар экан* – “кимнидир кўриш истаги кўққисдан рўёбга чиққанда айтиладиган ибора”. Бирон тилнинг ўзигагина хос бўлган ҳисоб сўзлари қолипнинг фразеологизмларга кўчганини ҳам кўриш мумкин. Масалан, “жуда қисқа, жуда оз вақт давом этадиган” маъносидаги *бир тутам* (*Бир тутам қиш куни Гулнор учун битмас-тугамас узоқ кўринди*), “қиттак, озгина” маъносидаги *бир чимдим* (*Ҳазил-ҳузул, бир чимдим суҳбатдан сўнг Мирҳайдар ва Ўктам пахта даласига йўл олдилар*), “жиндак, қиттак, жуда оз” маъносидаги *бир шингил* (*Қани, шунақа бемаза ҳазилдан бир шингил ашула яхши*), “жуда ёш, деярли гўдак” маъносидаги *бир қарич* (*Бир қаричлигимдан* етим қолиб, амакимнинг хизматига ўтиб кетганман) сингари фразеологизмлар шулар жумласидандир.

Миллий фразеологизмлар маълум бир миллатнинг маданияти, урф-одатлари, ўзига хос удумлари каби хислатларни ёритувчи ва халқлар ҳаётини, дунёқараш ва турмуш тарзини, этик ва эстетик нормаларини ифодаловчи халқ фразеологизмлари орасидаги миллий қатламдир. А.Насиров бу қатламга мансуб материалнинг миллий ўзига хослигини қуйидаги жиҳатларда ёрқинроқ намоён бўлишини эслатади: а) бевосита



шу халқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маиший ҳаётини акс эттиришда; б) ўрганилаётган халқларга хос характер хислатларнинг ишонарли ифодаланишида; в) миллатга оид топонимика, флора ва фаунанинг иштирок этишида; г) миллатга хос урф-одат ҳамда маросимларнинг мавжудлигида; д) шу халқларнинг адабий-бадиий тилида<sup>22</sup>.

Латиш олими Г.Зиманас “Миллат ҳаётидаги ўзига хос ҳолатларни миллий ҳолатлардан фарқлаш лозим”, дейди. “Миллий ҳолат тушунчаси – кенгроқ, у миллатнинг бутун ҳаётини, унинг барча томонларини, ўзига хос ҳолатлар эса ушбу миллатга мос бўлган (ёки асосан мос бўлган) хусусиятларни акс эттиради. Масалан, миллий маданият тушунчаси у ёки бу миллат маданиятидаги барча ҳолатларни, ўзига хослик эса – бошқа миллатлар маданиятида бўлмаган ёки деярли бўлмаган жиҳатларни қамраб олади”<sup>23</sup>.

Бу мулоҳазага қўшилган яна бир тадқиқотчи олим В.З.Панфиловнинг тилларнинг типологик таснифи ва ҳар бир тилнинг ўзига хос белгиларини аниқлаш тўғрисидаги мулоҳазаси айнан тўлиқ тегишли: “...у ёки бу тилнинг ўзига хос жиҳатлари ёки барча тиллар учун умумий бўлган ва фақат айрим тиллар гуруҳларига оид бўлган белгилар кенг типологик таққослашлар ўтказилиши негизидагина маълум бўлади. Бундан ташқари, у ёки бу муайян тилнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш типологик тадқиқотларнинг бошланғич эмас, якуний босқичи бўлиши кераклиги ва у ёки бу тилнинг маълум турга тегишли эканлигини фақат бу муайян тил учун ўзига хос бўлган белгиларга кўра аниқланиши мумкин эмаслиги тушунарлидир<sup>24</sup>”, деган фикри ҳақиқатга яқиндир.

Маълумки, инсоният турмуш тарзи тараққиёти кийим-кечак билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага келган. Айнан кийим инсонни ҳайвондан ажратувчи муҳим ташқи аломатлардан бири ҳисобланади. Анъанавий

<sup>22</sup>Насиров А.А. Француз, ўзбек ва рус провербал фразеологизмларида миллий-маданий хусусиятлар. Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвوماданиятшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар. –Тошкент, 2013.–Б.68.

<sup>23</sup>Зиманас Г. “Интернациональное и национальное в жизни народов”. –Москва, 1965.№6. –С.52-60.

<sup>24</sup>Панфилов В.З. “Взаимоотношения языка и мышления». –Москва, 1971. –С.231.

миллий кийимларнинг шаклланишига назар ташлар эканмиз, асрлар мобайнида унинг қатор муҳим функциялари таркиб топганини кўришимиз мумкин. Халқ маданияти маълум бир миллатга ёки маълум бир ҳудудда яшовчи барча элатларга хос воқелиқдир.

Ўзбек халқи кийиниш маданияти нуқтаи назаридан ҳам дунёдаги халқларнинг олдинги сафларида туради. Бир неча минг йиллар илгари ота-боболаримиз эгнига яқтак, оёққа ковуш-маҳси, этик, бошга шабпўш, дўппи, телпак, устга чопон, тўн кийиб, белга белбоғ, қарс боғлашган. Шунинг учун ҳам халқимизда эркак кишилиқни рамзий ифодалаш маъносида *“белингда белбогинг борми”* деган ибора қолган.

“Умуминсоний маданият – деб ёзади С.А.Арутюнов, – инсон зоти учун, умуман, Ернинг табиий планетар шароитига ҳамда ушбу планетар муҳитни ўзлаштиришнинг кенгайишидан келиб чиқадиган ижтимоий оқибатларга мослашиш воситаси сифатида келади”<sup>25</sup>. Умуминсоний маданият ёки маданиятдаги умуминсонийлик Ерда, табиий планетар шароитда инсон учун зарур шарт-шароитлар яратиш, унинг ушбу муҳитга мослашишини таъминлаш воситасидир. Бу фикр Инсон ва Ер муносабатларини ифода этади, инсон томонидан яратилган бойлик, орттирилган тажриба, тарихий анъаналар умумпланетар характеридаги воқелиқлардир. Бу характер билан умуминсоний маданият миллий маданиятдан фарқ қилади. Миллий маданият айрим миллатга, этносга тааллуқли ижтимоий-тарихий воқелиқ ҳисобланади. Улар ўртасидаги фарқлар нисбийдир. Диалектик боғлиқлик ва ҳамкорлик улар мавжудлигининг ривожланиб бориши шарти ҳисобланади.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос кийим-кечак номлари ва реалиялари ҳам миллий фразеологизмларни ҳосил қилишда асос вазифасини ўтайди. Масалан, *“тўнини тесқари кийиб олмоқ”*– ўчакишган ҳолда қайсарлик қилмоқ, *“дўппини осмонга отмоқ”* – жуда хурсанд бўлмоқ, *“дўппи тор келди”*– илож-имконсиз оғир аҳволга тушмоқ, *“бир-икки яқтакни*

---

<sup>25</sup>Арутюнов.С.А.Народы и культуры: развитие взаимодействие . –Москва: Наука, 1989. –С.133.

*ортиқроқ йиртган*” – ёши каттароқ, турмуш тажрибаси кўпроқ, “*чоригини судрамоқ*” – зўрға-зўрға, амал-тақал қилиб яшамоқ, “*пайтавасига қурт тушиди*” – хотиржамлиги бузилиб, бир ерда тинч тура олмаслик<sup>26</sup>.

Оламнинг тасвирини тушуниб етмоқлик учун турли хил миллий урф-одатлар, маросимлар билан танишиш керак. Мисол учун: “*рўмол ташлаб қўймоқ*” фразеологизмининг культурологик маълумоти қуйидагича: “*Рўмол*” – бу аёллар бошига ўрайдиган, одатда тўртбурчак шаклдаги мато. Ўзбекларнинг одатига кўра, турмушга чиқаётган қиз рўмол ўрашни бошласа, демак, уни унаштириб қўйишган. Шунинг учун “*Рўмол ташлаб қўймоқ*” фразеологизми (“*сосватать невесту*”) “*унаштирамоқ*” маъносини англатади.

Яна бир мисол, шарқда унаштирилган қиз янги турмуш қурган жойга махсус миллий оёқ кийимида, маҳсида кириб борган. *Маҳси* сўзи арабча “*бўямоқ*”, “*суртмоқ*”, “*ёғламоқ*” маъносидаги *масаҳа* феъли<sup>27</sup> асосида пайдо бўлган. Оёқ кийимининг бундай номланиши унга масҳ тортиш мумкин бўлганидандир. Масҳ тортиш шароити ва тартиби шаръий асосланади<sup>28</sup>. *Масҳ* сўзига нисбат қўшимчаси бўлган *-и* ни қўшиш натижасида ҳосил бўлган. Ушбу сўз араб тилининг ўзида йўқ. Шунингдек, ушбу сўзнинг форс тилига оид луғатларда ва “*Навоий асарлари луғати*”да учрамаслиги унинг бир қадар кейинги даврларда арабий асосга ўзбек тили сўз ясалиш тизимидан мустаҳкам ўрин олган, аслида араб тилидан ўзлашган “*ёйи нисбат*”ни қўшиш билан ясалганини кўрсатади. Демак, *маҳси* сўзининг ясалиш асоси араб тилига тааллуқли бўлса ҳам, сўз яшаш тизими нуқтаи назаридан ўз қатламга мансуб.<sup>29</sup> Хоразмда унаштирилган қиз янги турмуш қурган жойга махсус миллий оёқ кийимида, яъни маҳсида

<sup>26</sup>Усмонова Ш. Лингвокультурология. –Тошкент,2019. –Б.97.

<sup>27</sup>Носиров О., Юсупов М. в.б..Ан-наъим. Арабча-ўзбекча луғат. –Тошкент: А.Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 2005.–Б.783.

<sup>28</sup>Мухтасар. Араб тилидан Рашид Зоҳид ва Акрам Дехқон таржимаси. –Тошкент: Чўлпон, 1993.

<sup>29</sup>Норбоева Ш.Х. Хоразм шеваларида кийим-кечак номларининг структур-семантик тадқиқи. Филол.фан.бўйича фалс.докт.(PhD) дисс...автореферати. –Тошкент, 2017. –Б.12.

кириб борган. Шунинг учун “*маҳси киймоқ*” турмушга чиқмоқ тушунчасига тенг қўлланилган.<sup>30</sup>

Ўзбек миллий кийимларининг муҳим қисмларидан бири *дўппидир*. Ўзбекона миллий дўппиларга назар ташлар эканмиз, улардан юртимизнинг турли минтақаларига хос маҳаллий дўппилар: Марғилон, Андижон, Ўш, Шаҳрисабз, Тошкент, Бухоро, Бойсун, Чуст дўппилари машҳур бўлиб, буларнинг “ироқи чоргул”, “тагдўзи”, “зардўзи”, “бахмал”, “пахта гулли нусха”, “тож нусха” деб номланувчи турлари кўп учрайди. Анъанавий кийимлар баъзан кишилар ёшидаги фарқни ва уларнинг оилавий аҳволини белгилашда ҳам хизмат қилиб, уларнинг насл-насабидан нишона бериб турувчи хусусиятга эга бўлган. Биз бундай анъанавий миллий кийим-кечакларнинг кишиларнинг моддий маданияти, нафосат олами ва илоҳий қудрат ҳақидаги тасаввурлари билан узвий равишда боғланиб, бирлашиб кетганини кўрамиз.

Ўзбек фразеологизмларида *дўппи* культуремаси тез-тез учраб туради. “Дўппи” авра-астарли, кўпинча қавима, пилта урилган, тепа, кизак ва жиякдан таркиб топадиган гулдор ёки гулсиз, тўгарак ёки тўртбурчак шаклдаги бош кийими. *Буни бировнинг дўпписини бировга кийгизиши дейди.* (Шукрулло.Сайланма.) [ЎТИЛ.І.676]

“Дўппи” кундалик ҳаётда ҳам, меҳнат жараёнида, маросимларда ҳам, асосан, эркаклар томонидан кийилади. Чақалоқ туғилганда унга атаб ўтказиладиган *бешик тўйи* (болани бешикка солиш муносабати билан ўтказиладиган тантанали маросим)да [ЎТИЛ.І.402] хонадонбоши томонидан чақалоққа дўппи ҳадя қилинади ва бу келажакда бир оилага бош бўлсин, деган маънони ифодалайди. Безатилган бешикнинг бир томонига ўғил болаларнинг, иккинчи томонига қиз болаларнинг дўпписи кийдириб қўйилади. Бу одат хонадонга ўғил ва қиз фарзандлар тиланишини ифода этади. Тўй маросимларида тўй эгасининг бошида албатта дўппи бўлади. Бу унинг хонадонида хурсандчилик бўлаётгани ва

---

<sup>30</sup>Норбоева Ш. Хоразм шеваларидаги соҳавий лексика. –Тошкент, 2014. –Б. 47

хонадоннинг сохиби эканлигини билдиради. Тўй маросимларида келиннинг хонадонидан куёвга юбориладиган совға-саломларга ҳам дўппи кўшиб берилади. Бу унинг энди оилабоши эканлигини билдиради. Бундан ташқари, бирор киши вафот этгандан сўнг ўтказиладиган барча аза маросимларида хонадон эгаларининг ҳам, уларнинг ҳол-аҳволини сўраб келувчиларнинг ҳам бошида дўппи бўлади. Бошда дўпписиз дуолар қабул бўлмайди, деган ақида ўзбекларга хос. Шунинг учун азали хонадонга дўпписиз борилмайди.<sup>31</sup>

Аёллар дўпписи эса, кўпинча, бирор хонадонга янги келин бўлиб борган қизлар томонидан *келин кўрди* [ЎТИЛ.П.346] (ўзбекларда никоҳ тўйининг эртасига куёвнинг қариндошлари, танишлари, қўни-қўшнилари иштирокида ўтказиладиган янги келинчакни кўриш маросими), *келин салом* (никоҳ кунининг эртасига эрталаб куёвнинг ота-онаси ва бошқа яқинларига салом қилдириш) маросимларида ва келинлик даврининг дастлабки икки-уч ойида кийилади [ЎТИЛ.П.346] Қолаверса, дўппи ўзбек миллий байрами – Наврўзда, Наврўз сайларида қизлар томонидан кийилади. Ўзбек тилидаги “дўппи” сўзи бевосита умумхалқ ҳаёти билан боғланади ва маданиятнинг ажралмас қисми сифатида шу халқнинг турмуш тарзида яшайди.

“Дўппи” лексемаси иштирокида *дўпписини ерга қўйиб ухламоқ*, *дўппини тагида одам бор*, *дўппини яримта қилиб*, *дўпписи тор келмоқ*, *дўпписи чаккада*, *дўпписи чамбарак*, *дўпписини осмонга иргитмоқ* каби қатор фразеологизмлар шаклланган.

А.Маматов “дўппи” компонентли фразеологизмларнинг кўпчилигини ўзбек халқининг миллий урф-одатлари билан боғлиқ ҳолда шаклланганини таъкидлаб, улардан айримларининг қай тарзда пайдо бўлиш ҳодисаларини тушунтириб ўтади: “*дўпписини осмонга отмоқ*” фразеологизми – киши қувонганидан, ижобий воқеа-ҳодисадан, хабардан хурсанд бўлганда беихтиёр дўпписини осмонга отиш ҳоллари учрайди. Шундай

---

<sup>31</sup>Холмонова З. Лингвокультурологияга оид тушунчалар тадқиқи. –Тошкент: Наврўз, 2018. –Б.42.

хурсандчилик ва қувонч белгисини образли ифодалаш эҳтиёжи асосида ушбу ибора пайдо бўлган. ”*Дўппининг тагида одам бор*” фразеологизми кўп маънолилиги билан ажралиб туради. Ундан “бировнинг гапини бировга у ёки бу тарзда етказадиган”, “чақма-чақар”, “гап ташувчи киши” маъноси уқилишини пайқаш мумкин. Шунинг учун ҳам бу фразеологизм “бир гапни аслидан бошқача талқин қилиш” тарзидаги салбий ҳодисани ифода этади. Бу каби фразеологизмларнинг миллийлиги шундаки, улар миллий тушунчалар ва предметлар билан боғланади.<sup>32</sup> Жумладан, мўлжали пишиқ бўлмай, бир катта ишни бошлаб қўйиб, охиригача етказиш қўлидан келмаган кишиларга нисбатан ”*дўпписи тор келиб қолди*” ибораси ишлатилади.

Ёш келинлар ёки узок вақт фарзанд кўрмай, тасодифан ҳомиладор бўлган хотинлар яхши ният билан бўлғуси чақалоққа дўппи тикади. Бу “*ҳали туғилмаган болага дўппи тикади*” иборасининг тўғри маъносидир. Лекин баъзи одамлар бўлмаган хаёллар билан бирор нарсага умид боғлайди, ўша нарсадан таъма қилади. Бундай вазиятда халқимиз “*туғилмаган болага дўппи тикади*” иборасини қўллайди.

“*Бош ёрилса – дўппи остида, қўл синса – енг ичида*” иборасининг русча таржимаси М.Абдурахимовнинг қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғатида “Если расколётся голова, то – под шапкой, а если сломается рука, то – под рукавом”<sup>33</sup> тарзида берилган, бу ерда дўппи сўзи русларга тушунарли бўлиши учун “шапка” деб таржима қилинган. “Дўппи” сўзи аслида рус тилида “тубетейка” тарзида ишлатилиб, бошнинг теппа қисмига кийилувчи кичик қалпоқча маъносини беради.<sup>34</sup> Бунинг исботи учун “Дўппини олиб қўйиб бир ўйламоқ” иборасини келтирамиз. Бу ибора юқоридаги адабиётда “фикр юритмоқ” маъносида қўлланилиб, рус тилига “снявши с головы тубетейку, хорошенько (ещё раз) подумать” тарзида таржима этилган: “...*Отанг тўғрисида бу фикр-мулоҳазаларимни бундоқ*

<sup>32</sup> А.Маматов. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Наврўз, 2019. –Б.55.

<sup>33</sup> М.Абдурахимов. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б.26.

<sup>34</sup> С.И.Ожегов. Словарь русского языка. –Москва, 1960. –С.805.

дўппингни олиб қўйиб бир ўйлаб кўрсанг, ўйлаб кўриб, бу хавфнинг олдини олишга ёрдам берсанг...” (О.Ёқубов. Диёнат.) “...ты бы призадумался над моими словами насчёт твоего отца и, все взвесив, помог бы мне предостеречь родителя от этой опасности...”<sup>35</sup>”

“Тўн” сўзи туркий тилларда ниҳоятда кенг тарқалган кийим номи бўлиб, Л.Будагов татар тилида *тон*, турк тилида *дон* – тўн, этик, оёқ кийими, қирғиз тилида эса “аёлларнинг ёзги уст кийими” маъносини англатишини қайд этади.<sup>36</sup> Бу сўзнинг турли хил кийим номларини англатгани унинг хомашёга кўра номланганини тахмин қилишга асос бўлади. Сўзнинг бошқа туркий тиллардаги шакли ва маъноларига диққат қилинса, фикр янада аниқлашади. Хусусан, хакас тилида *тон* – “пўстин”<sup>37</sup>, тува тилида *тон* – “пўстин”, ”халат”<sup>38</sup>, нўғой тилида *тон* – “тери”, ”тулуп”, шу асосда *тонлав* – “ўлган ёки овланган ҳайвоннинг терисини шилмоқ”, *тонлик* “кийимга мўлжалланган тери”<sup>39</sup>, татар тилида *тун* – “тўн”, “пўстин”, *туналу* ”терисини шилмоқ”<sup>40</sup> маъноларида ишлатилади. В.В.Радлов мазкур сўз семантик жиҳатдан тува тилида *дин*, бошқирд тилида *тежен//тиин* шаклида ишлатилувчи *тин* (“олмахон”) сўзига боғлиқ, деб ҳисоблайди<sup>41</sup>. Шу тарзда қадимги туркий тилдаги *тин* сўзининг “тери” маъноси асосида унинг пул бирлиги (ўзбек тилидаги *тийин*, тожик тилидаги *тин*), рус тилидаги (деньга – танга) *деньги*, корейсча *тон*, удмурча *туж* сўзлари ҳосил бўлган<sup>42</sup>. *Тин* сўзининг бу маъноси қозоқ, уйғур, туркман тилларида ҳам мавжуд<sup>43</sup>.

Келтирилган лексикографик изоҳ ва таҳлиллар *тўн* сўзининг дастлаб “тери” маъносини англатганини янада конкретлаштиради.

<sup>35</sup> Абдурахимов М. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б.37.

<sup>36</sup> Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Том II. СПб.,1871. –С.753.

<sup>37</sup> Хакассо-русский словарь. –Москва, 1983. –С.23.

<sup>38</sup> Гувинско-русский словарь. –Москва,1968. –С.415.

<sup>39</sup> Ногайско-русский словарь. –Москва, 1963. –С.356-357.

<sup>40</sup> Татарско-русский словарь. –Москва,1966. –С.556.

<sup>41</sup> Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Том III. –СПб, 1905. –С. 1360-1361.

<sup>42</sup> Зейналов Ф.Р., Новрузов М.Д.Об этимологии слова *altun*/ советская тюркология. –Москва, 1984.№5. – С.48.

<sup>43</sup> Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Том III. –СПб, 1905. –С. 1360-1361.

Ўзбек маданиятида *чопон* (тўн) кийим устидан кийиладиган, ичига пахта солиб қавилган узун миллий кийим [ЎТИЛ.V.507] бўлиб, алоҳида қийматга эга. Чунки ўзбекларнинг кўпгина урф-одат ва маросимларида, хусусан, ўғил чақалоққа бағишлаб ўтқазиладиган бешик тўйи маросимида, кўпинча хонадоннинг катта ёшли вакиллари томонидан чақалоққа зарбоф чопонча кийдириб қўйилади. Тўй маросимларида келиннинг хонадони томонидан юбориладиган сарполарда тўн юборилади. Мотам маросимларида азали хонадоннинг эркак аъзолари *чопон* (тўн) киядилар. Бундан шу нарса аниқ бўладики, ўзбек маданиятида *чопон* (тўн) инсон туғилганидан сўнг ҳаётининг барча онларида унга ҳамроҳлик қилади. Ўзбекларда *чопон* (тўн)нинг ёзда иссиқдан асраши ва қишда совуқдан ҳимоялашдаги энг қулай устки кийим эканлиги ҳам маданиятда бу кийимнинг ўрнини қатъийлаштиради<sup>44</sup>.

Чопон (тўн) компоненти *бир тўни икки бўлмади* (қашшоқликда кун кечиради, косаси оқармади), *гапга тўн кийгизмоқ* (гапни жуда бошлаб, қойилмақом қилиб гапирмоқ), *сояга қараб тўн бичмоқ* (асл ҳолатни кўрмай-билмай хулоса чиқармоқ, баҳо бермоқ), *тўнини тескари киймоқ* (ўчакишган ҳолда қайсарлик қилмоқ, ғазабланмоқ) каби ибораларда ўз аксини топган. Иборалар таркибидаги бу культурама воситасида ўзбек халқига хос бўлган белгилар ифодаланган. Бунда чопон (тўн)нинг устки кийим эканлиги ҳамда унинг шакли асос қилиб олинган.

Рус миллий кийимларидан қадимийси бу – *кафтан*. “*Тришкин кафтан*” – ўзгартириб бўлмайдиган, иложсиз ҳолат, бир салбий ҳолатдан қутулиб, иккинчисига тутулиш. И.А.Крыловнинг шу номли масалидаги ҳодисадан келиб чиқиб, иборанинг юзага келишига асос бўлган<sup>45</sup>. *Кафтан* – қадимги, узун этакли рус миллий эркаклар кийими<sup>46</sup>, лекин бу сўз аслида туркий тиллардан рус тилига ўтган.

<sup>44</sup>Холмонова З. Лингвокультурологияга оид тушунчалар тадқиқи. –Тошкент: Наврўз, 2018. –Б.45.

<sup>45</sup>Жуков В.П. Школьный фразеологический словарь русского языка. –Москва: Просвещение, 1980.-С.55.

<sup>46</sup>С.И.Ожегов. Словарь русского языка. –Москва.1960. –С.265.



Аёллар учун тикилган чопон ҳам ўзбек маданиятида ўз ўрнига эга. Одатда аёллар чопони ўзбек миллий матолари – *атлас* (бир томони ялтироқ, гулдор, маҳаллий ипак газлама)<sup>47</sup>, *адрас* матоларидан тикилади. Наврўз байрамларида, тўй-маросимларда кийилиши билан бирга, ҳозирги кунга келиб, кундалик кийимга ҳам айланиб улгурган.

Миллийлик халқ маданиятининг негизини ташкил этади. Миллийликни ўзига жо этмаган халқнинг маданияти ривожланмайди. Ўзбек тили лексикаси доимий равишда бойиш ва ривожланишда бўлиб, унинг таркибида ўзлашма сўзлар алоҳида қатламни ташкил қилади. Шу маънода, ҳозирги ўзбек адабий тили ва халқ шеваларида рус ва бошқа миллат вакилларининг тилидан ўзлаштирилган қатлам ҳам мавжуд. Бу қатлам ўзбек ва рус халқининг узоқ йиллик иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа кўплаб соҳаларидаги алоқалари асосида вужудга келган. Ўзбек кийим-кечак номларининг муайян қисми ҳам рус тили орқали ўзлашган. Масалан, *босоножка* (оёқ кийими), *кубанка* (бош кийим), *куртка* (уст кийим), *майка* (ич кийим), *шапка*, *кепка* (бош кийим), *пилотка* (ҳарбий бош кийим), *шерсть* (мато номи), *кофта*, *юбка* каби.

Рус миллий аёллар кийимлари бу – *сарафан* ёки *понёва* (жун газламадан тикилган юбка). Этнокультурологик универсалиялар категориясига “*краснеть как сарафан*” – “ҳаёжондан қизармоқ” фразеологизми ҳам мисол қилиниб олинган. Биз бу фразеологизм таркибида русларнинг миллий уст кийими – “сарафан” (сарафан асосан қизил матодан тикилган) келтирилганини кўрамыз. Сарафан – қадимги эркаклар чакмони бўлиб, кейинчалик, аёлларнинг байрамона либоси турига айланган. Қизиғи шундаки, қадимги рус миллий кийими номи аслида “сарпо” [ЎТИЛ.Ш.446] форс тилидан олинган бўлиб, “*бошдан оёқ кийдириладиган бир сидра кийим*” маъносини англатади.

Уларнинг асоси кенг *рубаха* бўлиб, асл газламалардан: пахта ёки (лён) зиғирдан олинган ип-газламадан тикилган. Ўзига тўқ хонадон аёллари

---

<sup>47</sup>[WWW.urbandictionary.com/define.php?term=kilts+on+stilts](http://WWW.urbandictionary.com/define.php?term=kilts+on+stilts)

ипак газламалардан тикилган рубахаларни хуш кўришган. Аёллар рубаха (ёки рубашка)си эркакларникидан фарқ қилиб, уларга ҳар хил тасмалар, гулдор нақшлар, кашталар тикилган<sup>48</sup>. Бу миллий кийим фразеологизмларга компонент сифатида киритилган: “родился в рубахе” – *омадли инсонга нисбатан айтилади*, “рубаха – парень” – *очиққўнгил, оддий инсон*, “оставить в одной рубашке” – *камбағаллашмоқ, ҳеч вақосиз қолмоқ*, “своя рубашка ближе к телу” – *ўзининг манфаатини бошқаларникидан устун қўймоқ, ўзининг буюминг ўзингга асқотади, яқинроқ маъноларини ифодалайди*.

Фразеологизм тарихий жиҳатларни очиб бериш учун ҳам хизмат қилиши мумкин. Шундай иборалар борки, улардан халқ нутқида фаол қўлланилади-ю, лекин айнан қандай мазмундан келиб чиққанлиги ҳақида тасаввурга эга эмасмиз. “*Дело в шляпе*” – таржимаси: “*ҳамма бало шляпада*”, мазмуни – “омадли якун”. Қадимда хатлар чопар орқали жўнатишган, йўлда эса йўлтўсарлар изғиб юришган. Хат ёки ҳужжатларни манзилга етказиб бориш учун уни шляпанинг астари ичига яширинча тикиб қўйишган. Бу ибора эса *иш ижобий якун топганида* ишлатилган.

Рус фразеологизмларида ҳам кийим компонентига кўп дуч келамиз. Улар рус халқининг миллий-маданий ҳаёт тарзи ҳақида бошқа миллат вакилларига умуман янги тушунчаларни беришини кузатишимиз ва қуйидаги мисолларда кўриб, гувоҳи бўлишимиз мумкин: “*тупой валенок*”, “*как солдатская шинель*”, “*лаптем щи хлебать*”, “*держат в ежовых рукавицах*”, “*брат в ежовые рукавицы*”. Рус фразеологизмларидаги кийим компонентли фразеологик бирикмалар таркибида синоним-дуплет шаклида келувчи бирликлар ҳам талайгина: “*толстый карман*” – “*тугой карман*” (бадавлат); “*тощий карман*” – “*пустой карман*” – (ночор аҳволда); “*вытрясти карман*” – “*вывернуть карман*” (камбағаллашмоқ); “*быть под башмаком*” – “*быть под каблуком*” (бировга қарам бўлмоқ); “*отбросить сандали*” – “*отбросить штиблеты*” (оламдан ўтмоқ);

---

<sup>48</sup><https://www.advantour.com>> culture

“*костюм Адама*” – “*костюм Евы*” (яланғоч); “*снимать шапку*” – “*снимать шляпу*” (такаллуф кўрсатмоқ); “*остаться без рубашки*” – “*остаться без штанов*” (ночорлашмоқ); “*держаться за бабу юбку*” – “*держаться за мамину юбку*” (номустақил). Ўзбек тилида компоненти кийим бўлган фразеологик бирикмалар ичида бир-бирига синоним бирликларга “*елкаси чопон кўрмаган*” – “*елкаси тўн кўрмаган*” иборасини мисол қилишимиз мумкин: “*Елкаси чопон кўрмаган*” ибораси кўчма маънода камбағал, иззат-хурмат кўрмаган, куда-андалик бўлмаган, меҳр-оқибат билмаган мазмунини беради. Шунингдек, иборада *таги наст, кўрмаганнинг кўргани курсин* каби такаббуруна нақл мазмуни ҳам бор.

Изланишларимиз давомида биз бир-бирига антоним фразеологизмлар учрашини ҳам кузатдик: “*бросить перчатку*” – “*поднять перчатку*” (жангга чақирмоқ – ўша фикрга рози бўлмоқ), “*работать спустя рукава*” – “*засучив рукава*” (қўл учиди – енг шимариб), “*набить карман*” – “*выворотить карман*” (чўнтакни қаппайтирмоқ, бойимоқ – чўнтаги куримоқ); “*тощий карман*” – “*тугой карман*” (бой – камбағал).

Ўзбек тилида таркибида кийим компонентлари бир-бирига антоним бўлган фразеологизмларга биз мисол тариқасида “*белида белбоғи бор*” иборасига “*иштони йўқ эл кезар*” иборасини келтирдик. Чунки бу фразеологизмлар *мард* ва *насткаш* мазмунини беради: ўзбек одамнинг ишончли, тайинли, диёнатлилигини билмоқчи бўлса, “*белида белбоғи борми?*”, дейди. Белда белбоғнинг бўлиши – суянса, ишонса, қўшилса бўладиган одам мазмунини беради. Бу ибора (“*белинда белбоғинг борми?*”) киши ҳамиятига тегиш, “йигитмисан ўзи” қабилида рақибнинг жиғига, ғашига тегиш мақсадида ҳам ишлатилади: [Хонзода Ғофирга:] – *Белинда белбоғинг борми? Қандай шарманда, худо урган эркаксан?* (Ҳамза. Бой или хизматчи.) Белида белбоғи борлик – йигитлик, жувонмардлик, тайинли, субутли, диёнатлилик гарови.<sup>49</sup> Белбоғ – 1.Белга боғланадиган, тўртбурчак рўмол шаклидаги гулли ёки гулсиз, четлари

<sup>49</sup>Махмуд Саттор. Ўзбекнинг гапи кизик. – Тошкент: Тафаккур қаноти, 2011. – Б.138.

тикилган мато парчаси; қийиқ, қийиқча. [ЎТИЛ.V.220] Мазкур компонент миллий характерга эгалигининг исботи сифатида *бел боғламоқ* иборасининг изоҳини келтирамиз: Ўрта Осиё халқларининг, жумладан, ўзбекларнинг бир қадимий одати борки, оила аъзоларидан, яқин қариндошларидан бири вафот этса белларини белбоғ билан боғлайдилар. Бу – мотам аломати, таъзия нишонаси. Бел боғлаган одам мотамзада бўлиб, кўнгли, дили бошқа нарсага мойилланмай, фақат шу мотам қайғуси билан банд бўлади. Бу ибора билан халқимиз, агар шундай бели боғлиқни кўрсанг, унга одатдаги хазил-мутойибани йиғиштириб қўйиб, боғлиқ кўнглини очишга, тасалли беришга ҳаракат қил, қайғусига шерик бўл<sup>50</sup>, демоқчи.

Кийимлар миллийлик рамзи ҳисобланади. Ўзбек халқи азалдан ҳар бир либосга менталитет белгиси сифатида қарашган. Кийим ранги, тузилиши, тикилиш шакли, мавсумийлиги, кундалик ёки байрамлар учун танлангани, унга ўрнатилган безаклар, тасма ёки нақшларнинг барчаси либос эгаси ҳақида маълумот берган.

Қуйида биз ўз тарихига эга бўлган фразеологизмларга мисоллар келтирамиз: *“Турганда тўним, ётганда ёстигим”* ибораси ёлғизгина қизи бор она тилидан айтилган. Бу қизидан бошқа фарзанди йўқ она қизига жуда суяниб қолган бўлиб, бу менинг ҳам ўғлим, ҳам қизим дейиш ўрнига *“турганда тўним, ётганда ёстигим”* дейди. Бу иборадаги тўн ўғилга, ёстик қизга ишорадир.

Одатда гапни лоф уриб гапирадиган, маҳмадона, сўзамол, ошириб-тоширадиган кимсаларга нисбатан *ганга тўн кийгизади* иборасининг салбий мазмуни ишлатилади. *“Ганга тўн кийгизиши”* образли қилиб, гапни жонлантириб, уни одамга айлантдириб, ҳатто чопон кийгизишдир: *Оббо сиз-ей... Хўп ганга тўн кийгизасиз-да...* (Н.Сафаров.Оловли излар) [ЎТИЛ.I.482]. Фразеологизм ижобий маънода ишлатилганда совчилик,

---

<sup>50</sup>Шомақсудов Ш., Шораҳмедов.Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б.30.

вакиллик, элчилик ишларида шундай гапга чечан, унга “тўн кийгизадиган” одамлар танланиб, юборилади.

Халқимизнинг одатига кўра, “қуда чақириқ” миллий маросимида куда ва унинг бир неча яқин қариндош-уруғларига, шунингдек, тўй-зиёфатларда, махфазларда куда-анда, ёр-дўстга ва умуман, атоқли меҳмонларга иззат-эҳтиром юзасидан эсдалик совға сифатида тўн (баъзан дўппи, белбоғи билан) кийдирадилар. Вақти келиб, кийганлар кийдирганларга тўн кийдирадилар. Унинг ҳақи бунда, бунинг ҳақи унда қолиб кетмайди. Доно халқимиз бундай меҳмондўстлик анъаналарига қарата: *”кийган тўнинг эскирар, кийдирганинг эскирмас”*, дейди. Мазкур иборада “эскирмас” сўзи “эскириб кетмайди” деган тўғри маънода эмас, “унутилмайди”, яъни *“сенинг тўн кийдирганингни, қилган яхшилигингни, иззат-ҳурматингни у одам унутмайди, кўнглида сақлаб юради, кези келганда яхшилик билан жавоб қайтаради”*, деган мажозий маънода қўлланилади.

Жаҳли чиқиб ғазабланган одам дарҳол ўз тўнини тесқари қилиб кийиб олгандай бўлади, бу эса ғазаб нишонасидир, яъни шу тесқари тўни билан душманнинг юрагига ҳавф солиб қўрқитади, дея *”тўнини тесқари кийиб олди”* иборасини қўллашган. Ҳамма жаҳли чиққан одам ҳам тўнининг тесқарисини кия бермайди. Бу тесқари тўн бир мажоз бўлиб, кишининг ичидаги ғазабининг сиртга тепишини англатади. Ибора “ўжарлик қилмоқ, қайсарлик томонига ўтмоқ” мазмунида фаол қўлланилади: *Тўнглик қилсангиз, тўнини тесқари кийиб олади – ундан қайсарни йўқ.* (С.Анорбоев. Оқсой)

*“Иштони йўқ эл кезар”* иборасини уйда ҳеч балоси йўқ, оиласига, бола-чақасига қарамай, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, фақат ўз роҳатини кўзлайдиган, ўз маишатини ўйлаб, кўчама-кўча, чойхонами-чойхона,

шаҳарма-шаҳар тентираб юрувчи кишиларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.<sup>51</sup>

Ўзбеклар анъанавий кийимлари ва улар билан боғлиқ тарзда ўтказиладиган урф-одатларда исломгача бўлган диний-эътиқодий қарашлар, жумладан, фетишизм, анимизм, магия, тотемизм каби эътиқодий қарашлар кейинчалик исломий анъаналар билан уйғунлашган ҳолда сақланиб қолганига гувоҳ бўламиз. Ўтмишдаги ижтимоий тенгсизлик, ҳақ-ҳуқуқсизлик ҳукм сурган замонларда бевосита моддий бойликлар яратган меҳнаткашлар ўз меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўла олмаганларки, бу ҳолатлар нарса ибораларда ўз аксини топган: “*Бўзчи белбоққа ёлчимас, темирчи тўқага*” (тўқа – камарнинг тўқаси); “*Кулол мўндидан сув ичар*” (мўнди – кўва, кўвача. Унда зиғир ёғи сақлардилар, сув ташиб келтирардилар. Аммо мўндининг ўзидан сув ичмасдилар. Иборада “*кулол ўзи ясаيدиган идиш-товоқларга азбаройи ёлчимаганидан, мўндининг ўзидан сув ичишга мажбур бўлади*” дейилмоқда.

Беқасамдан ва бошқа матолардан чопон тикканларида унинг ёқасига пахта солмай ёхуд бошқа жойига нисбатан жуда юпқа қилиб пахта солиб, майда қилиб, қайта-қайта қавиб тикадилар-да, ёқани қотирадилар. Чопон кийилиб-кийилиб, ҳаммаёғи йиртилиб кетса ҳам, ёқаси бутун қолади. Ўтмишда баъзи илгари бой бўлган-у, кейин қўлидан мол-мулки кетиб, камбағаллашиб қолган одамларни ҳамон “бой ота”, “бой бува”, “бойвачча” деб, илгари бирор мансаб эгаси, масалан, мингбоши, юзбоши, элликбоши, қози, амин ва ш.к. бўлган-у, кейин мансабидан тушган баъзи одамларни ҳамон ўша ном билан атардилар. *Ёқаси қолса ҳам – беқасам* ибораси ана шу ҳолга қарата айтиларди ёки шундай одамлар ҳамон каландимоғлигини ташламаса, собиқ бойлиги ё амали билан керилиб, мақтаниб юрса, уларни майна, мазах қилганда киноя тарзида қўлланилган.

---

<sup>51</sup> Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б.156.

Маълумки, илгари меҳнаткаш халқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи бениҳоя оғир эди. Халқ ўзининг шу оғир аҳволини, камбағаллик, йўқсиллик, қашшоқлик ва бунинг оқибатида рўй берадиган оч-яланғочликни турли мисоллар воситасида ёрқин ифода этган: Бўздан тикилган кўйлак арзон ва кўримсиз бўлади<sup>52</sup>. “Шўрлик камбағал амаллаб бирор янги бўз кўйлак кийишга етишгудек бўлса, бир неча кунгача ўзида йўқ хурсанд бўлиб юради”, демокчи бўлганлар ва “*иштонсизнинг тушига уч қарич бўз кирибди*” иборасини ишлатган.

“*Камзул мурсаги билан ярашиқ, лозим – кўйлаги билан*” иборасидаги “*мурсак*” компоненти – камзулнинг устидан кийиладиган енги калта миллий кийим. Уни асосан, кампирлар кийишарди. Бу иборани мажозан: “ҳар бир нарса (кийим-кечак ҳам, уй жиҳозлари ҳам...) ўзига мос, монанд келадиган, бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирига ёрдам берадиган нарса билан бирга бўлсагина ярашиғлик, кўзга хуш кўринувчан бўлади”, деган маънода қўллайдилар: *Мастонбиби шу гапни айтиб, сандиқдан бисотидаги мовут мурсагини олиб кийди.* (С.Аҳмад. Қадрдон далалар. [ЎТИЛ. II.346])

“*Кавуш*” лексемаси ҳам миллий компонент сифатида айрим ибораларда ишлатилиб келинган. Кавуш – чармдан тикилган ва одатда маҳси билан кийиладиган оёқ кийими. “*Кавушини тўзғрилаб қўймоқ*” ибораси ҳайдаб юбормоқ маъносини беради. *Кавушини тўзғрилаб қўяман мен унинг шу бугуноқ! Саботажчи!* (А.Мухтор. Опа-сингиллар) [ЎТИЛ. II.146]. Ҳар қанақа жойга боравермасликни, унча-мунча жойни назар-писанд қилмасликни ифодалаш учун “*Кавушим кўчада қолгани йўқ*” иборасини миллий романчилигимизни дунёга танитган А.Қодирий ҳам “Ўтган кунлар” асарида Ўзбек ойим таърифини ўқувчига тўлиқроқ танитиш мақсадида қўллайди: “*Ўзбек ойим унча-мунча тўю-азаларга “кавушим кўчада қолган эмас”, деб бормас эди* [ЎТИЛ. II.476].

---

<sup>52</sup>Шомаксудов Ш., Шораҳмедов.Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б.156.

Ўтмишда халқ оммасининг илғор дунёқарашдаги вакиллари эътиқодий тушунчаларга ишонишнинг, турли ирим-сирим ва расм-русумларнинг фойдасиз эканлигини тушуниб етганлар. Беъмани хатти-ҳаракатлар қилиб, текинхўрлик ва алдам-қалдамлик билан кун кечирувчи фолбинлар, таъбирчилар, азайимхонлар, кинначилар устидан кулганлар, бу ҳақда латифалар, сатирик кўшиқлар, мақол ва иборалар тўқиганлар. *“Кинначининг кавуши ўзидан илғари йўрғалар”* ибораси ана шулардан бири бўлиб, бу билан “Агар биров “кинна солиб қўйинг” – деб чақирса, кинна солиб, пул (ё бошқа нарса) олиб, мазахўракка ўрганиб қолган кинначи бир нима умидида “оёғини қўлига олиб югуради”, дейилмоқчи. Мажозан, бир нарса ундиришдан умидвор бўлиб, элбурутдан югурувчиларга нисбатан қўлланилади.

Илғари хотинларнинг кўйлак ёқаси эркаклар яхтагининг ёқасига ўхшаган бўларди. Ана шу яхтак ёқали кўйлакка галстукка ўхшаш, шарфсимон бўйин ёқа тақардилар. Бунинг узунлиги бир метрча (кўш қават), эни тўрт энлик чамасида бўлиб, ипақдан гул солиб тўқиларди (ироқи нусха). Амалдор, бойлар хотинининг бўйин ёқалари зар-кумушдан, куббалар билан ҳашамдор қилинарди. Бўйин ёқанинг учини эса шокила қилиб қўярдилар. Бўйин ёқани янги кўйлак кийилганда, эски кўйлақдан янги кўйлакка ўтқазардилар. Буни “бўйин ёқа” ёки “кишан ёқа” деб атардилар. Буни қиз узатилганда, сарпода юборардилар. Бўйин ёқани кампирлар ардоқлаб сақлашар, тўйга ё бир зиёфатга борганда, кампир бўлишига қарамай, кишан ёқани тақиб борарди. Агар кўйлаги эски ва ювилмаган бўлса ҳам, шошиб-пишиб кишан ёқани шу кўйлакка тақиб кетаверарди. Бу кишан ёқага эски, кир кўйлақ мос тушмасди, келишмасди, хунук кўринарди. Ана шунда хотинлар ўзаро киноя, масхара қилиб: *“Кир кўйлакка – кишан ёқа”*, дердилар. Ўтмишдан қолган бу каби иборалар азалий кийиниш одоби ҳақидаги маълумотларни беришга ҳам қодир.

Миллий кийим-кечаклар ҳақида фикр юритилганда, энг аввало, атлас матоси ва ундан тикилган кийимларимизни ёдга олмасдан иложимиз йўқ.



*Атлас* – текис, силлиқ, ипакдан тўқилган майин мато бўлиб, миллий кийимларимиз асосини ташкил этади. “*Атлас кўйлакка бўз ямоқ*” фразеологизми шундай жараёни амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмаслиги тушунчаси билан боғланади. Миллий либосларимиз ичида энг охорлиси бу атлас бўлса, бўз эса унинг аксидир. Бу икки буюм ўртасидаги номувофиқлик ушбу фразеологизмга хос “арзимаган нуқсон яхши нарсани бузиши” маъносининг юзага келишига асос бўлади: *Атлас кўйлакка бўз ямоқ кўйиб юборганини сизди шекилли, келин бу сафар ҳам индамай чиқиб кетди...* [ЎТИЛ. II.446]

“*Ичагини бошига салла қилмоқ*” иборасининг мазмуни ҳақорат, дағдаға, сўкиш, менсимаслик бўлиб, айрим чапани йигитлар бир-бирларига даҳанаки даф қилишганларида бу иборани ишлатиб қолишади. Ичагини бошига салла қилиш бировни чавақлаб, ичак-чавоғини бошига илиш, унинг жонига қасд қилишдир. Иборадаги “*салла*” лексемаси фақат мусулмон эркакларига хос бош кийими ҳисобланиб, узунлиги 1,5 метрдан 7 метргача бўладиган, дўппи, кулоҳ, телпак устидан ўраладиган сидирға мато, дока: *Қоровул чиқиб ичагини бошингга салла қилмасидан, қочиб қол...*(Н.Аминов. Қаҳқаҳа. [ЎТИЛ. III.347] )

Одатда, тасвир мақсадига мувофиқ ибораларни танлаб қўллаш билан кифояланиб қолинмайди, балки қаҳрамонлар характери, руҳий ҳолати, ҳаёт тарзига мослаб ўзгартирилади. Халқ иборалари шу тарзда сайқалланади, янги маъно нозикликлари билан тўйиниб боради. Халқ ибораларини қайта ишлаш усуллари, уларга янгича маънолар бериш йўллари хилма-хил. Бунга ”умумтил ибораси замиридаги маънонинг янгича талқинини очиш, иборанинг лексик таркибини ўзгартириш ва унинг семантик, стилистик функцияларини кенгайтириш, иборага янгича мажозий ва образли маънолар киритиш каби усулларни киритиш мумкин”.<sup>53</sup>

<sup>53</sup> А.Шомаксудов. ва бошқ. –Тошкент: Ўзбек тили стилистикаси, 1974. – Б.70.

Фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусияти ҳақида фикр билдирар эканмиз, қуйидагиларга аҳамият қаратишимиз зарур: а) тилдаги ҳар қандай бирлик у ёки бу даражада миллий-маданий ўзига хосликларни намоён этади; б) шундай тил бирликлари борки, улар миллий-маданий культуремаларнинг бениҳоя бетакрор тимсолидир; в) шу маънода фразеологизмлар миллат менталитети, маданияти, турмуш тарзи ҳамда узоқ йиллик кузатувларнинг қабарик ифодаси ҳисобланади.

## **1.2. Озиқ-овқат компонентли фразеологизмларда менталитет ифодаси**

Ҳар қайси тил оламини ўзига хос усулда ифодалагани сабабли тилларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда "оламнинг лисоний манзараси"ни ҳосил қилади. Тилларнинг "оламнинг лисоний манзараси"ни акс эттиришида маданият, миллийлик, қадрият ва анъаналар муҳим роль ўйнайди. Биз дунёни турлича кўрамиз ва турлича қабул қиламиз, лекин фақат тил ташқи дунёни кўришимиз ва уни ҳис этишимиз усулини белгилайди. Б.Уорфнинг таъкидлашича: "Биз оламини она тилимиз кўрсатган йўналишда қабул қиламиз. Рўёдаги у ёки бу категория ёки тамойилни унинг яққол ифода этилаётгани учун ажратиб қабул қилмаймиз, аксинча, дунё кўз олдимизда бизнинг онгимиз шакллантирган ҳолатда пайдо бўлади. Демак, ҳолат бизнинг онгимизда сақланадиган тил тизими орқали намоён бўлади. Биз дунёни тушунчаларда шакллантирамыз ва моҳиятини бошқача эмас, айнан шу тариқа белгилаймиз".<sup>54</sup>

Нутқий мулоқот миллий, этнографик, ижтимоий, тарихий, этик-эстетик, фалсафий-маданий, жумладан, бир таркибий қисм сифатида соф лисоний омилларнинг мураккаб тизимидир. Инсоний фаолиятнинг бошқа турлари ҳам, чунончи, кийиниш, овқатланиш, ишлаш, ўқиш, ўрганиш, яратиш мана шундай кўп таркибли тизимлардан иборат.

Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар бир тилда сўзлашувчилар учун бир хил бўлган умумий тушунчалар билан ифодаланади. Ана шу

---

<sup>54</sup> Uorf B. Отношение норм мышления к языку // Новое в лингвистике. Вип.1. –Москва, 1960. –С. 87.

тушунчаларни иборалар ёрдамида ифодалаш орқали ҳар бир тил оламнинг лисоний манзарасини ўз имкониятлари даражасида ҳосил қилади.

Н.С.Марушкинанинг фикрича: “Лингвокультурологиянинг асосий тушунчаларидан бири – концепт бўлиб, у жамоавий онг бирлиги, яъни реал ёки идеал дунё предметини англатувчи ва тил эгаларининг миллий хотирасида вербал кўринишда акс этувчи ҳодисадир”<sup>55</sup>. Концептнинг ўрганилишидан мақсад – лингвокультурологиянинг объекти – Оламнинг лисоний манзараси тушунчасини англаб етишдир. Бу эса, ўрганилаётган тилнинг – Оламнинг лисоний манзарасини берувчи маданий концептларини тушуниб етиш билан боғлиқдир.<sup>56</sup>

Арутоновнинг фикрича, таом – маданиятнинг шундай моддий элементики, унда бошқаларига қараганда кўпроқ миллий қарашлар сақланиб, халқнинг ўз миллий хусусиятлари спецификаси ҳақидаги фаразлари шаклланади ва осон тушунилади<sup>57</sup>.

Ўзбек тили лексикасининг таркибида пазандачиликка оид лексемалар ўзига хос ўринни эгаллайди.<sup>58</sup> Аввало, шуни қайд этиш лозимки, пазандачилик билан алоқадор хилма-хил лисоний ассоциациялар шу касб-кор эгаларининг иш жараёни, қолаверса, улар томонидан тайёрланган таомларнинг у ёки бу хусусиятлари муайян образларнинг шаклланишига асос бўлган. Мана шу образчиликка боғлиқ ҳолда кўплаб фразеологизмлар шаклланган. Масалан, “*зуваласи пишиқ*” фразеологизми хамир қориш билан боғлиқ воқеликни образли ифодалаш асосида шаклланади. Хамир қанчалик кўп қорилса, ишлов берилса, у шунчалик сифатли, хамирдан олинган зувалалар эса пишиқ бўлади. Шу воқелик кишиларга нисбатан ишлатилиб, “жисмонан пишиқ-пухта, ёшига нисбатан бақувват, пишиқ одам” [ЎТИЛ.II.162] каби кўчма маъно юзага келади.

<sup>55</sup>Бабушкин А.П. Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка. –Воронеж,1996. –С.-12.

<sup>56</sup>Марушкина Н.С. ”Гострономические “ фразеологические единицы как средство формирования концепта еда. Преподаватель XXIвека, 2012/2. –С.361.

<sup>57</sup>Арутонов С.А. Основные пищевые модели и их локальные варианты у народов России//Традиционная пища как выражение этнического самосознания . –Москва: Наука, 2001. –С.10-15.

<sup>58</sup>Икромова Н. Кулинарная лексика узбекского языка. Автореферат дис.канд...филол.наук. –Ташкент, 1993.

Бунда эркин боғламага хос бўлган маъно конкретликдан мавҳумликка силжиш асосида фразеологик маъно шаклланади: *Эшонов тенгқурларидан зуваласи пишиқ бўлмаса ҳам, гарчи у табобат оламида ҳали кўп амалий иш қилмаган бўлса ҳам, обрўси бўрқсиб турган гулханга керосин сепилгандек лоп этиб, тезда кўтарилиб кетди-ю, у отлиққа ўзини, эшакликка сўзини бермай қўйди.* (Н.Ёқубов)<sup>59</sup>.

Озиқ-овқат атамалари қатнашган фразеологик бирликлар таҳлили Олам манзарасини англашда ёрдам берувчи концептлар билан боғлиқ тушунчалар ҳақидаги хулосани кенгайтиради. Лингвокультурология нуқтаи назаридан, фразеологик бирикма мазмунини очишда компонент рамзий белгисини билиш шарт. Масалан, *“Не лаптем щи хлебаю”* рус фразеологизминини бошқа миллат вакили тушуниши учун, аввало, *“Щи”* – суюқ рус миллий таоми, карамдан тайёрланувчи шўрва тури эканлигини англаши лозим. *“Кислые щи”* (из квашенной капусты) – махсус тузланган нордон щи. *“Зелёные щи”* (из щавеля) – кўкатлардан тайёрланган щи.<sup>60</sup> *“Лапоть”* – липа (жўка) дарахти новдаларидан тўқилган, фақат товонни ёпадиган рус миллий пойафзали. Демак, ибора *“лапоть билан щи емоқ”* шаклида таржима қилинса-да, аслида, *ошни чоризига қуйиб ичмоқ* иборасининг аналоги ҳисобланиб, *“маданиятдан орқада қолмаган”* мазмунида ишлатилади: *–Твой Алексей, я слышал, тоже не лаптем щи хлебает, а живёт (вполне обеспеченно). –Эшитишимча, сенинг Алексейинг ҳам ёмон яшамаянди экан.* (М.Рыбаков. Лихолетье)<sup>61</sup>. Келтирилган фразеологизмнинг рамзий белгилари иккита: *Щи* ва *Лапоть* – улар христианлик рамзий белгиси сифатида ишлатилади.

Турли маданиятларда истеъмол қилинадиган таом турлари ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, таом – тайёрланадиган маҳсулотнинг ҳалол ёки ҳаромлигига эътибор қаратилади. Шунинг учун ҳам муайян лингвомаданий бирликларнинг образлилиги жорий этилган таъқиқи

<sup>59</sup>Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. –Тошкент: Наврўз, 2019. –Б.74.

<sup>60</sup>Ожегов С.И. Словарь русского языка. –М: Гос.из-во иностранных и национальных словарей, 1960. –С. 887.

<sup>61</sup>Жуков В.П. Школьный фразеологический словарь языка. –Москва: Просвещение, 1980. –С.225.

асосида яратилади. Мисол учун, мусулмончиликда чўчка гўштидан тайёрланадиган ёки спиртли ичимликка мойиллиги сезилган халқнинг мақол ва иборалари мавжуд эмас.

Миллий–маданий хусусиятли ибораларни шакллантиришда озиқ-овқат ва таом номлари ўзига хос аҳамият касб этади. Аксарият халқларнинг маданиятида яшаш воситаси бўлган озиқ-овқатга ҳар доим буюк неъмат, ризқ-рўз сифатида муносабатда бўлинган. Халқимиз кундалик турмушида *нон* муҳим озуқа ҳисобланади. Нонга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш болаларга ёшлиқдан ўргатилади, уларга ноннинг ушоғини ердан йиғиб олиш, уни эъзозлаш ва оёқ ости қилмаслик зарурлиги уқтирилади. Бирон киши йўлга чиқса, албатта, ўзи билан бирга нон олади. Нон унга йўлдош, емак бўлади. Шунга кўра, *нон емоқ, нони бутун, нони яримта бўлди, нон урсин* сингари фразеологизмларнинг таркибидаги *нон* компоненти ҳаёт, тирикчилик, ризқ-рўз, тўкин-сочинлик рамзи сифатида келади. Бинобарин, ноннинг пешона тери билан топилиши, уни ҳалоллаб ейилиши Муқаддас китоблардан бошлаб, ўзбек халқ дostonларида, ривоятларида уқтирилган.<sup>62</sup>

Фразеологик бирликларнинг рамзий мазмунини таҳлил этар эканмиз, биринчи навбатда, “нон” лексемаси компонент сифатида қатнашган ибораларни таҳлил қилиб кўрамиз. “Нон” компоненти рус фразеологизмларида жуда кўпчиликни ташкил этади. Улар куйидаги рамзий мазмунларни ифодалаши мумкин:

Меҳмондўстлик рамзини: “*подносить хлеб-соль*” (встречать хлеб-солью) – нон-туз кўтариб меҳмоннинг олдига пешвоз чиқиш, “*забывать (забыть) хлеб-соль*” – яхшилигини унутмоқ маъносида, ўзбек сўзлашув нутқида “*тузлигига тупурмоқ*” иборасига тенгдир. “*Хлеб-соль*” фразеологизми меҳмон ҳақида қайғуриб, таом билан сийлаш, “*хлеб да соль вам*” – “ёқимли иштаҳа” маъноларида келади. Бу мазмундаги фразеологизмлар қадимий маросим тафсилотида, яъни меҳмоннинг олдида

---

<sup>62</sup>Усмонова Ш. Лингвокультурология. Дарслик. –Тошкент, 2019.–Б.94.

хурмат маъносида нон ва туз олиб чиқиш одатига метонимик кўчиш орқали пайдо бўлган: *Гости остались в столовой, шёпотом толкуя об этом неожиданном посещении, и, опасаясь быть нескромными, вскоре разъехались один за другим, не поблагодарив хозяина за его хлеб–соль.* (Пушкин. Арап Петра Великого)<sup>63</sup>. *Меҳмонлар, ушбу кутилмаган таширфни ошхонада қолиб, пичирлаб муҳокама қилишди ва бироздан сўнг хижолат тортишиб, меҳмондўстлик учун миннатдорчилик ҳам билдирмасдан, бирин-кетин тарқалишди.* Нон – мурувват, туз эса – меҳр-мухаббат рамзи ҳисобланган. Бу одат ўзбек менталитетига ҳам хосдир.

Дўстлик рамзи: “*Водить хлеб-соль*” – дўст бўлмоқ, “*делить хлеб-соль*” – “насибаси билан бўлишмоқ” маъноларида келиб, метонимик маъно кўчиши юзага келган. “*Хлеб наш насущный*” – “хаёт учун энг зарурий” мазмунидаги фразеологизм (Библиянинг ибодатларидан бири шундай бошланади) ҳам нарса-буюмга, ҳам фаолият, ҳам кимсага нисбатан ишлатилади<sup>64</sup>. *Для нас, молодых, ваш опыт – хлеб насущный.* (Я.Ильичев. *Добрые глаза века*) *Биз, ёшлар учун, сизнинг тажрибангиз жуда қимматли.*

Барака (моддият) рамзи. Ўзбек тилида “нон” лексемаси фразеологизмларда асосан шу маънода ишлатилади. “*Нони бутун*” фразеологизми тирикчилик, яшаш учун зарур нарсалари бут, мухайё, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, бекаму-кўст, тўқис. *Сартарош у дунё, бу дунё хор бўлмайди. Ҳаммавақт нони бутун.* (Э.Раимов. Ажаб қишлоқ) “*Нони яримта*” фразеологизми бирор шерик ёки рақобатчи туфайли топиш-тутиши камайган, етишмай қолган мазмунини беради: *Нима, Қобилов келиб, нонимиз яримта бўлиб қолдимиз, аксинча, қўлни-қўлга бериб ишласангиз, битта нонингиз иккита бўлади.* (С.Маҳкамов. Шогирд) “*Нонини туя қилмоқ*” фразеологизми ҳам фаол ишлатилиб, бировга тегишли ҳақнинг маълум қисмини олмоқ, ўзлаштирмоқ мазмунида

<sup>63</sup> Жуков В.П. Школьный фразеологический словарь русского языка. – Москва: Просвещение, 1980. – С.406.

<sup>64</sup> Жуков В.П. Школьный фразеологический словарь языка. – Москва: Просвещение, 1980. – С.406.

қўлланилади. ”Бўшанглик қилсам, нонимни туя қилиб беришлари аниқ”, – ўйлади Йўлчи. (Ойбек. Танланган асарлар) [ЎТИЛ.Ш.57]. Худди шу маъно рус тилидаги “*отбивать хлеб*” фразеологизмида ҳам учрайди.

Рус тилида “*Не хлебом единым жив человек*” фразеологизми инсонга фақат овқат эмас, балки маънавий озуқа ҳам шарт мазмунида келади. “*Хлебом не корми*” (нон билан бокма, тўйғазма) фразеологизми гапириллаётган фикрдан бошқа ҳеч нарса керак эмас, тушунчасини беради. *Эх, Мишуха, до чего по душе мне такая работа. Хлебом не корми, только дай что-нибудь выдумать да изобретать.* (Г.Нагаев. Дегтярев)<sup>65</sup> *Эх, Мишуха, қанчалик бу иш ҳузурли. Оч қолсам ҳам майли, лекин ихтиро қилсам бас.* “Нон”нинг рамзий сифати маънавий қадриятлар асосида турли тилларда ҳар хил, лекин тил механизми ва дунёқарашнинг ўхшашлик томонларини ҳисобга олиб, уни тирикчилик, ҳаёт рамзи деб, айтишимиз мумкин. Тилимиздаги “*Нон емоқ*“ фразеологизми бирон нарсдан фойдаланиб, тирикчилик ўтказмоқ, кун кечирмоқ маъносида, “*Нон гадойи*” фразеологизми эса нонга зор, камбағал-қашшоқ маъносида ишлатилади.

“*Нон асли дон*” фразеологизми элимизнинг азалий қадриятларига боғлиқ. Халқимиз нонни азалдан ҳурмат қилади, ҳамма нарсдан афзал, азиз ва муқаддас деб билади. Ота-боболардан қолиб келаётган удум, анъанага биноан, ҳатто нонни тескари тишламайдилар, ноннинг устига бошқа нарса қўймайдилар, нонни устидан ҳатлаб ўтмайдилар, агар нон қўлдан тушиб кетса, дарҳол уни олиб, уч марта ўпиб, пешоналарига сурадилар, Нон ушоғини дастурхон устида кўрсалар, бармоқни ҳўллаб, ушоқ устига босиб олиб, еб қўядилар<sup>66</sup>. Ёки “Таом бўлмаса бўлмас, бир бурда нон бўлса бас” ифодасида ноннинг асосий ғизо, овқатларнинг боши экани айтилмоқда. Айниқса, тўй ва азиз меҳмон учун тузаладиган дастурхонда нон асосий ўринни эгаллагани учун ҳам меҳмондўст халқимиз

<sup>65</sup>Жуков В.П. Школьный фразеологический словарь языка. –Москва: Просвещение, 1980. –С.407.

<sup>66</sup>Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш.Маънолар маҳзани.–Т:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – Б.234.

тандир нонларнинг юзларча хилини кашф этган.<sup>67</sup> Юқоридаги иборалар, фикрлар нон улуғ неъмат эканлиги, уни эъозлаш муҳимлиги мақсадида айтилади.

“*Чужой хлеб горек*” (ўзганинг нони тахир) рус фразеологизми инсон яшаши учун ўзи пул топиши зарур, бировники татимайди маъносида келади, бу ерда “нон” лексемаси пул тушунчасини англатади. “*Хлеб и то хлеб*” фразеологизми ҳарна қўлга киргани, ҳарна фойда мазмунида ишлатилиб, ўзбек тилидаги “*жуғутдан жизза*”, “*тўнғиздан бир тук*”<sup>68</sup> фразеологизмларининг аналоги ҳисобланади.

Ҳаёт учун зарурият рамзи маъносида. “*Посадить на хлеб и воду*” фразеологизми “овқат бермай жазоламоқ, бирор ножўя иши учун овқатдан маҳрум қилмоқ” мазмунида қўлланилади. “*Перебиваться с хлеба на квас (на воду)*” фразеологизми – “куни фақат квас (сув) ва нонга қолган, ночорликда яшамоқ” маъносида ишлатилади. Бу фразеологизмдаги “квас” лексемаси культурема ҳисобланиб, фақат рус менталитетига хосдир: “квас” – нон ва солод (солод – ундириб янчилган буғдой, арпа)дан ёки мевалардан ачитиб тайёрланадиган нордон ичимлик.<sup>69</sup> “*Хлеб за брюхом не ходит*” (нон қориннинг кетидан юрмайди) фразеологизми “*туяга янтоқ керак бўлса, бўйинини чўзар*” фразеологизмига аналог ҳисобланади<sup>70</sup> ва худди шу мазмунни ифодалайди.

Ўзбек урф-одати билан боғлиқ “*нон синдирмоқ*” фразеологизми никоҳ тўйи маросимларининг бир қисми: қиз томон, яъни унинг оналари совчи юборган томонга ўз розилигини бергач, совчилар келтирган дастурхон очилиб, шу розилик белгиси сифатида нон синдирилиши ва тўй билан боғлиқ масалаларнинг белгиланиши, ҳал қилиниши [ЎТИЛ.Ш.57] маъносида қўлланилиб, бу маросим айнан ўзбек миллий лингвокультурологиясининг ифодаси ҳисобланади.

<sup>67</sup> Маҳмудов К. Меҳмоннома. –Тошкент: Ёш гвардия, 1989. –Б.234.

<sup>68</sup> Содикова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. –Тошкент: Фан, 1972. –Б.183.

<sup>69</sup> Ожегов С.И. Словарь русского языка. –М.: Гос.из-во иностранных и национальных словарей, 1960. –С.266.

<sup>70</sup> Содикова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. –Тошкент: Фан, 1972. –Б.183.



Кўришиб турибдики, ибораларни лингвомаданий концептуал асосларда ўрганиш нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини ажратиш, борлиқнинг лисоний манзарасини яратишда алоҳида аҳамият касб этади. Ибораларни ўрганишда турли тил вакилларининг борлиқ, ундаги нарса ва ҳодисаларга муносабати, миллий ва маданий дунёқараши каби хусусиятлар марказий ўринда туради. Ибораларни этник, ижтимоий, прагматик жиҳатдан ўрганиш эса унинг айни хусусиятларини янада кенгроқ ва теранроқ очиб бериш имконини беради<sup>71</sup>.

Ҳар бир ибора халқ донишмандлигининг ифодаси, кўп йиллик ҳаётий тажрибаларнинг умумлашма хулосасидир. Ибораларнинг тилда пайдо бўлиши уларни яратган, ижод қилган халқнинг тарихи билан белгиланади. Йирик миқдордаги иборалар жуда қадим замонларда яратилган ва ҳозир ҳам ижодкори бўлган халқ билан яшаб келмоқда. Кўпчиликнинг орзу-умиди, истаги, ҳаёти ва фикрини акс эттирган ибораларгина оммалашади, авлоддан-авлодга ўтади, асрлар оша яшайди.<sup>72</sup>

Кишининг борлиқни билиши ҳис қилиш, англаш ва хотирадаги маълумотларни сақлаш жараёнларидан бошланади. Бу тушунчалардан зарурларинигина онгда акс эттириш ва ўзлаштиришда иборалар ҳам иштирок этади. Бундай бирликларнинг пайдо бўлиши натижасида ёки уларни нутқда ифодалаш жараёнида инсон ўз онгида уларнинг мавзу кўлами, семантикаси ва ассоциатив (алоқа) майдонига кўра саралайди. Ўзига керакли фикр алмашув жараёнига хизмат қиладиганларини қидиради. Керакли фразеологик бирикмани топгандан сўнг уни хотирада муҳрлайди

Рус тилидаги “*каша заваривается*” фразеологизми ишқал иш бошланаётган жараёнга нисбатан айтилади. *Каша* – бўтқа рус пазандачилигида катта ўринни эгаллайди. Ҳар хил ёрмалардан тайёрланадиган таом тури. Пишириш технологияси жуда оддий, лекин

---

<sup>71</sup>Ярашева Н. Ибораларнинг лингвомаданий тадқиқи. Тил ва адабиёт таълими журнали. 11-сон, 2018. – Б.28.

<sup>72</sup>Бердиёров Ҳ. Расулов.Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1984. –Б.7.

шуни ҳам эплотмай, ишқал қилувчилар топилади. Шу воқеликка нисбатан айтилган бу фразеологизм жараённи эплаштира олмаган эпсиз инсонлар ҳаётда учраб туришини эслатади. Умуман, *каша* миллий лексемаси қатнашган иборалар талайгина: “каша в голове” – бутунлай ноаниқлик, “*кашу не сварить*” (с кем) – у билан бирор ишни битириш (бирор нарса ҳақида келишиш) қийин, ундан бирор маслаҳат чиқмайди. “*Каши просят*”(сапоги, ботинки) – қорни очиб қолибди (учи йиртилиб, очилиб қолган этик, ботинкаларга нисбатан айтилган ҳазил). “*Кашу маслом не испортишь*” (бўтқага сарёғ қўшган билан у бузилмайди) – нур устига нур. “*Мало каши ел*” – ҳали ёшлиқ қиласан маъносида ишлатилса, “*расхлёбывать кашу*” фразеологизми мураккаб, чигал масалани ҳал қилмоқ, чалқаш, кўнгилсиз ишни тўғриламоқ, “*с кашей съем*” ибораси эса “икки ямлаб бир ютаман, кунини кунлардан қиламан” мазмунида ишлатиладиган фразеологизмдир: *Если вы мне не отдадите сегодня билетов, то я вашу дочь с кашей съем.* (Чехов. Свадьба)<sup>73</sup>. Агар сиз менга билетларни шу бугуннинг ўзида тутқизмасангиз, қизингизни кунини кўрсатаман.

Фразеологизмлар тузилиши жиҳатдан бирикма ва гапга тенг қурилишли фразеологизмларга бўлинади:

а) бирикмага тенг қурилишли феъл фразеологизмлар: *бир зувала хамир, истаса, кулча, истамаса патир қилмоқ; маслаҳат оши қилмоқ, тайёр ошга баковул бўлмоқ, тайёр ошга қошиқ солмоқ, урвоқ ҳам бўлмаслик, чучварани хом санамоқ, ўз ёғига ўзи қоврилмоқ, аталанинг ичидан суяк чиқмоқ, супрадаги унга қарамай тандирга ўт ёқмоқ; Рус тилида эса: *остаться на бобах, бобы разводить, вариться в собственном соку, сидеть на одной картошке, в ложке воды утопить.* Масалан, “*Аталадан суяк чиқибди*” фразеологик бирикмаси *атала* миллий таоми билан боғлиқ ибора ҳисобланади. Иборани қўллаётганлар аталанинг тайёрланиш технологиясидан хабардордирки, ундан суяк чиқиши амри*

<sup>73</sup> Содикова М. Русча -ўзбекча фразеологик луғат. –Тошкент: Фан, 1972.–Б.95.

маҳоллигини ҳам билишади. *Атала* – қозонга ёғ, ун солиб, ийлаб, сув қуйиб, қайнатиб пиширилади. Мойли атала туққан (яқинда кўзи ёриган) аёлларга қувват бўлади. Унга гўшт ва бошқа масаллиқлар солинмайди. Шундай бўлгач, ундан суяк чиқиши мумкин эмас. Мажозий маънода бу фразеологизмни зикна, хасис одамдан бир саховатли иш чиқиб қолса, ёхуд ҳеч вақо билмайдиган оми одамдан бирор маъноли сўз ёки мақбул фикр туғилса, “*Қаранг, аталадан суяк чиқибди-я*”, дея ҳайрон ва қойил қолиб айтадилар.<sup>74</sup> Фразеологизмнинг қайси доирада шаклланишидан қатъий назар янги, устама, кўчма маънонинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлади;

б) гапга тенг қурилишли феъл фразеологизмлар: *емаган сомсага пул тўламоқ, дамида ош пишади, димогида ош пишади, ёғи чиқдимми, сих ҳам қуймасин, кабоб ҳам, шўрига шўрва тўкилди, арзоннинг шўрваси татимас, бермаснинг оши пишмас, оғзи ошга етди, сўккани сўк оши, ургани ун оши, атала ичдингми, бир майизни тенг бўлиб емоқ, зогора нон қилиб пиширмоқ, кўнглига зигир ёғдек тегмоқ, оғзига қатиқ ивитмоқ, талқон еб сувга юбормоқ, ўз ёғига ўзи қовурилмоқ*; Рус тилида ҳам бундай фразеологизмлар талайгина: *в мутной воде рыбу ловить, испечён из одного теста, за семь вёрст киселя хлебать, подливать масло в огонь, разбиваться в лепёшку, хлеб за брюхом не ходи.*;

Фразеологизмларда фақат ўзбек миллий ошхонасига оид лексемаларнинг тез-тез учраши ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг ҳар бири ўзбек миллий урф-одатлари, қадриятлари ҳақида маълумот бериши мумкин. Айтайлик, “ош, палов” компонентли фразеологизмларимиз талайгина: *камбағалнинг (етимнинг) оғзи ошга етганда бурни қонайди, бировга берсам-эсиз ошим, уйда турса сасир ошим, дамида ош пишади, димогида ош пишади, бермаснинг оши пишмас, оғзи ошга етди, сўккани сўк оши, ургани ун оши, кўрибсанки ош, кўтармагин бош, ошдан тош чиқди, ош бўлсин, ошга тушган пашшадай, қуданинг оши билан қудагайни сийламоқ, ҳар ошга қатиқ, ош ошлигини қилсин, чой чойлигини, ошни иссиқ*

<sup>74</sup> Маҳмуд Саттор. Ўзбекнинг гапи қизик. –Тошкент: Тафаккур қаноти, 2011. –Б.7.

*ичма, ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич; Ош* нафақат миллий таом номини, балки *овқат, таом, емак* маъноларида ҳам ишлатилади. Лекин, барибир *ош* лексемасини эшитган тингловчининг кўз олдида биринчи бўлиб миллий таом – *палов* тасвири шаклланади: “*ош*”, “*палов*” – асосий масаллиғи гуруч, ёғ, гўшт ва сабздан иборат, қовуриб, қайнатиб ва димлаб тайёрланадиган қуюқ миллий овқат. *Хотинлар паловни дамлаган вақтда бой келиб қолди.* (Ойбек. Танланган асарлар). *Низор ойим сопол лаганда палов келтириб, ҳаммалари бирга ошга ўлтирдилар.* (А.Қодирий. Мехробдан чаён) [ЎТИЛ.Ш.210]

Ё.И.Қаландаров тожик, ўзбек ва рус мақол ва иборалар луғатида “*Ишга чўлоқ ошга қўноқ*” иборасининг муқобили сифатида рус тилидаги “*А где щи, тут нас ищи*<sup>75</sup>” фразеологизмини келтиради. Фразеологизмлардаги озиқ-овқат компоненти миллийлик культуни белгилаш тамойилига кўра бир хил, тенг тушунчани ҳосил қилган: *ош* бу ерда нафақат емак маъносида, балки, миллий таомимиз сифатида ҳам белгиланган зарурий мазмунни ёритиб бериш учун хизмат қилади. *Ши* ҳам русларнинг қадимги миллий таомидир. Халқ орасидаги мақол, матал ва ибораларнинг тузилишига эътибор қаратсак, ҳар бир миллат қадрияти, удуми, турмуш тарзи ва анъналаридан келиб чиқиб компонент танлаган ва бу унинг фақат ўзигагина таалуқли қадрият ҳисобланади, деб ўйлашимиз.

Рус пазандачилиги ун маҳсулотидан тайёрланган таомлари билан машҳур: блинчиклар, ҳар хил пироглар. Рус фразеологиясида ун маҳсулотларининг кўлланиши кенг миқёсда учрайди. Қуйидаги фразеологик намуналарда асл рус пазандачилиги намуналари тез-тез учрайди: “*калач*” (ёйсимон қулф шаклидаги нон маҳсулоти)<sup>76</sup> – “*доставаться на калачи*” – тўкин-сочинликда яшамоқ, “*калачом незаманишь*” – чорлаб (чаллаб) чақирсанг ҳам келмайди, келиб бўлди, “*тёртый калач*” – “пихини ёрган одам” маъносида, “*калачом*

<sup>75</sup>Я.И.Калонтаров. Таджикиские пословицы и поговорки в сравнении с узбекскими. –Душанбе: Из-во «Дониш», 1969. –С.174.

<sup>76</sup>Ожегов С.И. Словарь русского языка. –Москва: Гос.из-во иностранных и национальных словарей, 1960. –С.256.

*невыманишь*” – ҳеч қандай йўл билан ҳам алдай олмайсан; “*пряник*” – ясси шаклдаги рус миллий ширинлиги – “*кнут и пряник*” – қамчи ва ширинлик, бу фразеологизм маъноси аслида, педагогика соҳасида қўлланувчи *қаттиққўллик ортидаги сахийлик* методикасидан келиб чиққан; “*коврижка*” – пряникнинг бир тури – “*ни за какие коврижки*” – ҳеч нимага сотилмайди; “*каравай*” – катта юмалоқ нон – “*на чужой каравай рот не разывай*” – бировни кига кўз олайтирма; “*оладья*” – калин куймоқсифат таом тури – “*где оладьи, там и ладно*” – осойишталик маъносида қўлланилади. Кўриниб турибдики, рус фразеологизмларида миллий ширинликларга катта урғу берилган ва компонент сифатида улар халқ характери очиқ беришга ўз ҳиссасини қўшган.

Фразеологизмларда “*сут*” лексемаси ҳам фаол компонентлардан бири ҳисобланади. Н.С.Марушкина ўз мақоласида сутга “худолар таоми, ҳаёт эликсири, қайта тирилиш, абадият, меҳрибонлик, ғамхўрлик, ачиниш, мўл-кўлчилик ва ҳосилдорлик рамзи” дея таъриф берган<sup>77</sup>. Сут мўл-кўлчилик тимсолида жуда кўп рус асотир ва ривоятларида акс эттирилган. Библия (Муқаддас китоб)да мўл-кўлчилик рамзи сифатини англатувчи сут ва асал оқаётган макон ҳақида сўз кетади ва “*молоко и мёд*” мўл-кўлчилик мазмунини берувчи фразеологизмининг пайдо бўлишига туртки бўлади.

Ўзбек тилида *сут* фразеологик бирикмаларда компонент сифатида барака тимсолини англатмайди, у қуйидаги маъноларда келиши мумкин:

Ҳалоллик, поклик рамзи сифатида: *она сутидек пок (ҳалол)* – ҳеч қандай нопоклик, қалбакилик аралашмаган кишининг ўз пешона тери эвазига келган. *Пулни олмадим, минг марта розиман, сизга она сутидай ҳалол бўлсин.* (А.Қаҳҳор. Кўшчинор чироқлари) [ЎТИЛ.Ш.125] Рус тилидаги “*Молочное стекло*” – сутдек ойна – фразеологизми эса тоза, шаффоф маъноларида келади, бу фразеологизмга семантик жиҳатдан тенг

---

<sup>77</sup>Марушкина Н.С. “Гострономические” фразеологические единицы как средство формирования концепта еда. Преподаватель XXI века, 2012/2. –С.361.

ҳисобланган “сутдан оқ, сувдан тиниқ” ибораси ҳам беғубор, пок, бегуноҳ маъноларида қўлланилади.

Тажрибасизлик тимсолида: “*Она сути озгидан кетмаган*”, “*она сути озгига келмоқ*” фразеологизмлари ҳали ёш, турмушнинг аччиқ-чучугини, тажрибасини кўрмаган гўдак мазмунида бўлиб, рус тилида айнан аналог мавжуд: “*Молоко на губах не обсохло*”.

Икки тилда ҳам бир маънода келувчи “*сут тиши*” – “*молочные зубы*” фразеологизми боланинг олти-етти ёшида тушиб кетадиган гўдаклик тишига нисбатан айтилади.<sup>78</sup> Бу фразеологизмнинг рамзий маъноси йўқ.

Фаровон турмуш рамзини англатувчи ва келиб чиқиши эртақнамо бўлган “*Молочные реки и кисельные берега*” (сувлари сутдан, соҳиллари шарбатдан) фразеологизми тўқ турмуш, фаровон ҳаёт<sup>79</sup> маъносида ишлатиладиган ментал мазмундаги иборалардан ҳисобланади, чунки таркибида фақат рус ошхонасининг таомномасига тегишли бўлган “кисель” лексемаси мавжуд. *Кисель* – Россия ўрмонларида ўсувчи (ягода) – майда бута мевалардан: малина (хўжағат), еживика (маймунжон), смородина (қорақат), клюква (қизил нордон мева), олхўри ёки сутдан тайёрланувчи, таркибига крахмал қўшилган, қуйилтирилган мевали ичимлик<sup>80</sup>.

Ўзбек тилидаги “*Сут билан кирган, жон билан чиқади*” фразеологизми ёшлиқдан ўрганган одат ўла-ўлгунча сақланади, деган маънода ишлатилади. Менталитет ифодаси бўлмиш, ота-боболар турмуш тарзи намуналаридан яна бир мисолни келтирамиз: “*Сутсиз сигир кўп маърайди*”. Ушбу ибора илм-билими кам, қўлидан бирор дурустроқ иш келмайдиган, аммо ҳеч кимга гап бермайдиган, маҳмадоналик қиладиган, катта гапирадиган, мақтанадиган кишиларга нисбатан киноя тарзида

<sup>78</sup> Содикова.М.Русча-ўзбекча фразеологик луғат. –Тошкент: Фан, 1972. –Б.116.

<sup>79</sup> Жуков В.П. Школьный фразеологический словарь языка. –Москва:Просвещение, 1980. –С.198.

<sup>80</sup> Ожегов С.И.Словарь русского языка. –М.: Гос.из-во иностранных и национальных словарей, 1960. – С.268.

айтилади: *Сатторқул чиқиб “ундоқ қиламиз, бундоқ қиламиз” деб, аравани қуруқ олиб қоча берган эди, Охунбобоев “Қисир сизир кўп маърайди” дедилар.* (А.Қахҳор. Қўшчинор чироқлари)<sup>81</sup>

Айнан миллий пазандачилик маҳсулотлари ёдга олинганда рус таомлари ичида ўзига хос сутли маҳсулот номларини эсга олиш жоиздир: “*сметана*” – ачиган қаймоқдан тайёрланадиган сут маҳсулоти<sup>82</sup> “*Смотреть как кот на сметану*” – одам кўрмагандек қарамоқ; “*творог*” – ачиган сут зардобидан ажраган қуюқ қолдиқлар<sup>83</sup> – “*не всё коту творожок*” – “товланганнинг бари олтинмас” маъносида ишлатилади.

Истеъмол қилинадиган таом номлари мавжуд бўлган фразеологик birlikлар ҳам кўп ҳолларда миллий хусусиятга эга бўлади: “*ош бермоқ*” – “тўй-маросим муносабати билан катта қозонда палов дамлатиб, зиёфат ўтказмоқ: *Худди шу ўғил туғилганда, Пиримқул ҳожи қўй ҳам, хўкиз ҳам сўйдириб, юртга ош берди; “тоғни талқон қилмоқ*” – ҳар қандай катта ва оғир ишни ҳам бажармоқ: *Ундан кейин чарчамагунингча чопма, айни қизишган вақтингда, гайратинг келиб, тоғни талқон қиламан деганинда дам ол, бирпасгина дам ол!*<sup>84</sup>

Фразеологизмларнинг миллий хусусиятлари миллатнинг тарихи ҳақида таассурот қолдириш учун хизмат қилади. Миллатнинг ҳақиқий урф-одат ва анъаналари, характери азалдан фразеологизмлар прототипида ётади. Ўрта Осиё халқларининг миллий ичимликларидан бирининг номи – *айрон* бўлиб, ёзда кўп истеъмол қилинади. Қийинчилик ва йўқчилик вақтларида кишилар айрон ичиб, жон сақлашганини ҳамма билади. “*Айрон*” лексемасининг семантикасини ўрганар эканмиз, *айрон* – катикнинг кувида мойи ажратиб олингандан кейин қолган қуюқ қисми,

<sup>81</sup>Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б.225.

<sup>82</sup>Ожегов С.И.Словарь русского языка. –Москва: Гос.из-во иностранных и национальных словарей, 1960. –С.724.

<sup>83</sup>Ожегов С.И.Словарь русского языка. –Москва: Гос.из-во иностранных и национальных словарей, 1960 –С.779.

<sup>84</sup>Усмонова Ш.Лингвокультурология. Дарслик. –Тошкент, 2019. –Б.94.

шунингдек, қатик ёки сузмага сув қўшиб тайёрланган ичимлик эканини билишимиз мумкин: “*Айрон ош бўлмас*”, “*Ширин сўз – қаймоқли айрон*”, “*Айронга борган челагини яширмас*”, “*Айронга тўйганнинг қатикқа итлиги йўқ*”, “*Айрон сўраб келгандан челагингни яширма*”, “*Айрони ачимас*” – бу фразеологизмлардаги “*айрон*” сўзи бошқа бирон халқда йўқ бўлган ичимлик турини англатади. Яъни, уларда қиёслаш маъноси бўртиб турибди. Берилган мисолларда ўзбек тилининг ўз қатламига оид бўлган *айрон* сўзи миллий ва маданийликни англатувчи ичимликлардан бири сифатида қўлланилиб, уларнинг ҳар бири такрорланмас маъноларда қўлланилади:<sup>85</sup>”*Бу айрони ачимас писмиқ рўзгор ташвишини менга юкламоқчи, шекилли. Тушингни сувга айт, сувга!..* (“Оила даврасида” газетасидан. [ЎТИЛ.І.242] )

Ўзбек фразеологизмларида миллий сут маҳсулотлари ҳам компонент сифатида қатнашишига “*қимиз*” лексемасини кўришимиз мумкин: “*Чама чамадан ўзмас, қимиз савадан*” фразеологизмидаги *сава* лексемаси катта мешни англатади: бия сути пиширилаётган пайтда тошиб кетмасин учун, сава лиммо-лим қилиб тўлдирилмайди. Бия сути шу савада пишитиб, ачитилгандан кейингина қимиз бўлади<sup>86</sup>.”*Оғзида қатик уютмоқ*” фразеологизмида ҳам миллий компонент “*қатик*” қатнашмоқда. Тайёрланиш технологияси русларнинг қатикқа ўхшаш сут маҳсулотлари “*кефир*”, “*ряженка*” ёки “*простокваша*”лардан умуман фарқ қилади.

Ҳеч қандай шубҳа йўқки, ҳар қандай миллат ҳаёт тарзининг бир бўлагини унинг ошхонаси кўрсатиб беради. Ҳар бир халқнинг белгиланган табиий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт шароитлари миллат вакили нима билан озиқланишига боғлиқ.

Хуллас, озиқ-овқат компонентли фразеологик бирликлар бошқаларига қараганда фаол ҳисобланиб, миллатнинг энг асосий

<sup>85</sup>Ниязметова Д. Ўзбек ва инглиз тилларидаги фразеологизмлар маданий хусусиятларининг учта даражаси.” –Урганч: Илм сарчашмалари. УрДУ илмий-методик журнали, 2016. №6. –Б.24

<sup>86</sup>Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б.362.



таомларини ўзида қамраб олган ва шу миллат дидини белгилаб, миллий эҳтиёжини кўрсата олишга хизмат қилувчи бебаҳо омиллардан биридир. Шундай фразеологик birlikларни тадқиқ этиш бизга ўрганилаётган миллатнинг лисоний манзарасини очиб беришга хизмат қилади. Шу билан бирга, миллий қадриятларимизни ўзида қамраб олган, тайёрланиш технологиялари унут бўлган таомларимиз ва улар таркибидаги озиқ-овқат маҳсулотлари компонент сифатида фразеологик birlikларда қайси мазмунда қўлланилишини ёдга олишимиз янги изланишларга туртки бўлади.

### **1.3. Зоонимик фразеологик birlikларнинг лингвокультурологик хусусиятлари**

Бутун борлиқ инсоният, ҳайвонот, наботот олами сингари уч асосий кичик оламлар бутунлигидан иборат. Бу кичик гуруҳлар доимо ўзаро алоқада ва бир-бирлари билан узвий боғланган. Инсониятнинг ҳаёт тарзида ҳайвонларнинг ўзига хос ўрни бор. Ҳайвонлар ҳамيشа инсон турмушида муҳим ўрин тутган. Инсонлар ҳайвонлардан озиқ-овқат, кийим-кечак учун керакли бўлган турли рўзгор юмушларида ва шу каби турли мақсадларда фойдаланиб келишган. Ҳайвонларнинг одамлар турмушида тутган ўрни тилда ҳам ўз аксини топган.

Турли миллат вакиллари ҳайвон номларини коннотатив маънода ҳам қўллаб, ҳайвон номларини ифодаловчи лексемаларга ижобий ёки салбий маънолар ҳам юкланади. Зоонимлар киши онгида маълум бир тушунча билан боғлиқ ассоциацияларни ҳосил қилиб, ушбу жараёнда рамз вазифасини ҳам бажара бошлайди. Ҳар бир халқ характерини очиб берувчи фразеологизмлар ва уларнинг бир қисмини ташкил этувчи зооморфизмлар муайян миллатни ўрганишга катта ёрдам беради.

Зоонимли фразеологизмлар ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб тилшунослик фанида зооморфизмлар деб атала бошланди.

Зооморфизмлар масаласини М.Зорракуино, А.Кунин, М.Черемесина, Э.Каситадзе, Э.Гутман, А.Маматов, Г.Ҳакимова, З.Холмонова, Ш.Алмаматова, Д.Бахронова каби хориж ва ўзбек тилшунослари ўз тадқиқотларида кўриб чиққанлар.

Зооморфизмлар ҳар бир миллат тилида, луғат бойлигида ўзига хос қатламни ташкил қилиб, муайян тилдаги руҳиятни, миллий колорит(уйғунлик)ни, жамиятнинг нуқсон ва фазилатларини ўқувчига аниқроқ очиқ беришга хизмат қилади. Тилшунос олимларнинг фикрича, зооморфизмлар инсоннинг турли ҳолатларини кўрсатиб бериш билан ҳам характерланади. Зооморфизмлар салбий ёки ижобий бўлиши мумкин:

1. Ташқи қиёфасини тасвирлаш: *маймунбашара*;

2. Ақлий салоҳиятини ёритиш: *товуқмия*;

3. Инсоннинг ўзига хос хатти-ҳаракатини ифодалаш: *айиқдек лапанглаб юрмоқ*;

4. Хулқ-атворини кўрсатиб бериш: *итфеъл*; <sup>87</sup>

Тилшунос олим А.Омонтурдиев ўз илмий тадқиқотида зооморфизмлар тўғрисида куйидаги фикрларни айтиб ўтган: “Таъкидлаш керакки, мақолларнинг шаклланишига асос бўлган ҳайвонлар номи (*от, туя, ҳўкиз, қўй, қўчқор, арслон, шер, йўлбарс* каби) уларнинг хусусиятлари орқали буюклик, адолат, куч-қудрат, садоқат, мардлик, тантилик ёки аксинча, *эшак, тулки, ит, эчки* каби номлар ва уларнинг хусусиятлари орқали номардлик, пасткашлик, ношудлик, ақл-фаросатсизлик, ёлғончилик, ноодамийлик каби салбий фазилатлар рамзий эвфемик тарзда ўз аксини топган <sup>88</sup>”.

Турли тилларда зооним сўзларни ўрганиш, уларни қиёслашдан бошланган тадқиқотлар кейинчалик фразеологияга ҳам кўчди. Натижада, таркибида ҳайвон номлари бўлган фразеологизмларнинг структурал-семантик ва грамматик жиҳатлари алоҳида ўрганила бошланди.

<sup>87</sup>Бахронова Д. Испан тилидаги “Ретро” ва “Моно” зооморфизмларининг семантик хусусиятлари ва таржималарига доир. –Тошкент: Тил ва адабиёт таълими журнали, 2015.2-сон. –Б.47.

<sup>88</sup>Омонтурдиев А. Чорвадор нуткида уй-рўзгор буюмлари номи ва мақоллар эвфемикаси. –Термиз,2007. – Б.3.

Фразеологик бирликларни тамойиллаштириб ўрганишда Ў.Юсупов таклиф этган метод ва тамойиллар назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Унинг фикрича, аввал тўғри келадиган (эквивалент) ва тўғри келмайдиган (эквивалент бўлмаган, муқобил) фразеологик бирликлар аниқлаб олинади. Сўнгра она тили ва чет тилида эквиваленти бўлган фразеологизмлар алоҳида ажратилиб, улар қуйидаги тамойилларга кўра фарқланади:

- а) семантикаси , образлилиги (метафоризацияси);
- б) маъноларини қайта аниқлаш даражаси;
- в) компонентлари сони;
- г) компонентлари жойланиш тартиби;
- д) синтактик алоқани ифодалаш усули;
- е) компонентларнинг морфологик сўз туркумлари;
- ё) компонентларнинг кичик гуруҳларга кириши;
- ж) компонентлари сўзларнинг мавзусига тегишли бўлиши;
- з) вариантлилиги;
- и) қанча учраши (ишлатиш частотаси).

Юқорида кўрсатилган фразеологизмларни фарқлаш аслида учта катта тамойилга асосланган:

- 1) лексик, семантик ва стилистик жиҳати;
- 2) грамматик жиҳати, яъни морфологик структураси (компонентлари қайси сўз туркумига тегишлилиги) ва синтактик алоқага киришиши;
- 3) ўзаро бир-бирига муносабати, полисемик, синонимлик, антонимлик, вариантлик алоқалари ва оз ёки кўп қўлланилиши;<sup>89</sup>

Аср бошларида фраземалар тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида ўрганила бошланган. Фраземалар икки ёки ундан ортиқ мустақил ёки ёрдамчи сўз туркумларга тегишли лексемалардан ташкил топади.

Фраземалар алоҳида шаклларга эга бўлган, муайян компонентлардан ташкил топган, нутқда бошқа гап бўлаклари билан муносабатга

---

<sup>89</sup>Юсупов.У.Теоритические основы сопоставительной лингвистики. –Тошкент: Фан, 2007. –С.125

киришадиган, грамматик кўрсаткичга, грамматик шаклга эга бўлган тил бирлигидир. Зооним фразеологик бирлик компонентига айлангач, ўз лексик маъносини йўқотади, шу билан бирга, зооним инсонга хос бўлган зарурий характер-хусусиятларни: ҳаракат фаолияти, яшаш тарзи, одатлари, ташқи кўриниши, товушига тақлидларни амалийлаштириб беради.

Ҳайвонлар: *тулки* – айёрлик ва чаққонлик; *бўри* – очкўзлик ва йиртқичлик; *чўчқа* – очкўзлик; *илон* – маккорлик, ҳийлакорлик, разиллик, қабихлик; *айиқ* – мурувватлилик, бесўнақайлик; *арслон* – кучлилик ва номустақиллик; *чумоли* – меҳнаткашлик; *эшак* – ахмоқлик; *ит* – вафодорлик рамзи сифатида шахсинг у ёки бу характери, хулқ-атворини ифодалаган. Мазкур зоонимик лексемалар фраземалар таркибида иштирок этиб, уларни ифодавий ва мазмунан шакллантиради.

Фразеологизм моҳиятини очиб беришда зооним компонент жуда муҳим роль касб этади. Зоонимик компонентли фразеологизмлар кўп ўрганилмаган бўлса-да, улар ўзининг асл маъноси билан эътиборни тортади. Бундай фразеологизмларга бағишланган ишлардан бири Т.В.Шмелёва томонидан ёзилган бўлиб, рус ва болгар тиллардаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг таҳлилига бағишланган. Унда зоонимик фразеологик бирликларнинг турли хил хусусиятлари илмий тадқиқ қилинган. Олима зооним компонентли фразеологик бирликларни алоҳида “полиэталон” кўрсаткич сифатида *ғоз*, *қўй*, *сигир*, *товуқ*, *от*, *мушук*, *бўри*, *айиқ*, *пашша*, *ит* ва ҳоказоларни кўрсатади ва уларни уч гуруҳга ажратади.

Биринчи гуруҳда у қуйидаги синонимик фразеологик бирликларни қиёслайди: *тихий как мышь – сичқондек беозор; затаился как мышь в норе – ўз унига беркиниб олмоқ; притих как мышь под метлой – ҳеч ким кўрмайдиган жойга беркиниб олмоқ ёки сичқоннинг уни минг танга бўлмоқ.*

Иккинчи гуруҳдаги фразеологизмлар таркиби, асосан, уй ҳайвонларнинг номларидан тузилган зоонимлар бўлиб, уларнинг айрим

хусусиятлари ҳар доим уларга қарайдиган (парваришлайдиган) инсонларга қиёсланади. Масалан, *работать как лоховая лошадь; дышать как лошадь.*

Полиэталонларнинг учинчи гуруҳига “собака” (ит) зооними киритилади ва унинг фразеологизмларда маъно кучайтирувчи сўз бўлиб хизмат қилиши кўрсатилади. Бундай тусдаги фразеологизмларда зооним компонентининг асл маъноси йўқолади ва у фақат белги ёки ҳаракатни кучайтирувчи элемент вазифасида келади: *Голодный как собака – жуда ҳам оч; злой как собака – жуда баджаҳл, ёвуз; устать как собака – қаттиқ чарчаган; избить как собаку – ёмон дўппосламоқ.*

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, турли тилларда образ-эталонлар ҳар хил сифат ва хусусиятларга эга, айнан бир зооним икки тилда ҳам бир хил маъно вазифасида қатнашмаслиги мумкин. Зоонимик компонентли фразеологизмлар қандай тилда бўлмасин, ўша тилнинг ва ўша халқнинг ўзига хос менталитетини акс эттиради.<sup>90</sup>

Ҳайвонлар доим инсоният диққат марказида бўлган ва уларнинг хусусиятларини кузата туриб, одатлари инсон одатларига ўхшатишган, хулқ-атвори инсонники билан солиштирилган. Зоонимлар тилда турли хил функцияларни бажарадики, улардан бири инсоннинг образли характеристикасидир. Зооморф лексика асосини ҳайвондаги объектив ва субъектив сифатлар ташкил этади. Бу сифатларни “халқ ижодий ёндошуви” ўйлаб топган. Инсон характеристикасида “диққатни жамлаган” фразеологияда ҳайвон сифатлари, кўриниши, хулқ-атвори инсонникига кўчади.<sup>91</sup>

М.Халикова фразеологик бирликларни семантик деривация орқали солиштиради ва кўчма маъноларнинг пайдо бўлиши натижасида фразеологик номинациялар тилдан ташқари объектларга қаратилишини, шунинг учун кўп ҳолларда фразеологик бирикмалар турли тилларда бир семантик формулани амалга оширишини исботлайди. Масалан, рус “бела

<sup>90</sup><http://www/tsu.tmn.ru/> Шмелёва Т.М. Существительные полиэталонны в английских устойчивых сравнениях. Актуальные проблемы психолингвистики. –Тверь, 1996.

<sup>91</sup>Ермакова Е.Н., Файзуллина Г.Ч. Фразеологизмы с компонентом наименование корова как маркеры ментальности народа. –Казань: Изд-во Казан, 2016. –С.53

овца, сера овца – один овечий дух” (оқ қўй, кулранг қўй – руҳи бир қўй ) фразеологизми ўзбек тилидаги “оқ ит, қора ит – бари бир ит “ фразеологизми билан маъно жиҳатдан тенг, аммо семантик ва синтактик тенгликка қарамай, фразеологик бирикмаларнинг ўзига хос хусусияти сақланган. Иккала иборада ҳам зооним ишлатилган, лекин улар фразеологик бирикмалар таркибида “йўқолиб кетади”, фарқи унчалик аҳамиятга эга бўлмасдан, маъноси шахсга кўчади. Иккала ҳолатда ҳам калит сўз “бир” (один) бўлиб, бир хил ғояни илгари сурган. Ўзбек тилидаги фразеологик бирикма таркибида зооним такрорланган, рус тилидаги фразеологик бирикма тузилиши бирмунча мураккаблаштирилган: ”один овечий дух” (руҳияти бир қўй). Бу ҳолатда икки тилда ҳам бир семантик формулага асосланилган.<sup>92</sup>

Лингвокультуролог тилшунос олимлар В.А.Маслова ва Г.М.Алимжановалар тилларнинг лингвокультурологиясини ўрганар экан, ҳар бир тил ва маданият учун ўзига хос коннотатив мазмуннинг пайдо бўлиши характерлигини исботлашади. Бирламчи коннотатив мазмуннинг ҳосил бўлиши учун асосий сабаб – сўзнинг ўз маъноси ҳисобланади, чунки у кўчма маъно учун ички шаклни келтириб чиқаради. Масалан, халқимизда *ит* (собака) ҳақоратли сўз ҳисобланганидек, русларда *свинья* (чўчқа) ҳақорат белгисидир. Русларда *чўчқа* қуйидагича символлаштирилган: а) ифлослик; б) кўрнамаклик; в) тарбиясизлик.<sup>93</sup> Худди бошқа мусулмон давлатларидагидек, халқимизда ҳам чўчқа диний тарафдан ҳаром коннотациясини беради ва унинг гўшти азалдан ҳаром ҳисобланиб, ейилмаган. Туркий халқларнинг лингвомаданиятида “чўчқа” сўзи ҳақоратни билдиради.<sup>94</sup>

Маълумки, рамзий белги ва мазмунлар тотемга қадар, энг аввало, символ ва сўзда яралган. Бунда тотем сифатида қабул қилинаётган

<sup>92</sup>Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине мира (на материале русского и узбекского языков) Автореф.дисс...канд.филол.наук. –Ташкент, 1999 г.

<sup>93</sup>Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений.- Москва: Изд..Центр “Академия”, 2001. –С.54.

<sup>94</sup>Алимжанова Г. Сапоставительная фразеология. –Алма-Ата: Мир языка, 1999. –С.103.

зооморфизмнинг муайян этнос тафаккурида символ ва сўз сифатидаги шакли мавжуд бўлган ҳамда этнос унинг у ёки бу жиҳатини қабул қилиб, илоҳ ва рамз даражасига олиб чиққан. Ҳайвонларнинг сифатлари кишиларга кўчирилган ва улар ўзлари яшаётган жамиятда маълум мавқега эга инсонлар ҳисобланган. Тотем-ҳайвонлар муқаддас саналган. Бу одат дунёдаги ҳамма халқлар эътиқотида борлигини кўриш мумкин. Масалан, хиндларда *сигир*, *маймун*, *фил*, Австралияда *кенгуру*, Мексикада *ягуар*, Россияда *айиқ* алоҳида ҳурматга эга ҳайвонлардир ва ўтмишда бу ҳайвонлар номига сазовор бўлиш инсон учун фахр ҳисобланган. Аجدодларимиз томонидан *бўри*, *туя*, *от*, *қалдирғоч*, *бургут* каби ҳайвон ва қушларга ҳурмат билан қаралган. Масалан: *мусича* зоометафораси ёки *мусичадек беозор* фразеологик бирикманинг ўзбек миллий маданиятига хос концепт сифатида шаклланишида унинг беозорлик хусусияти аجدодларимиз қузатуви асосида келиб чиққан. “Ана шу тариқа мусичадай беозор фразеологик бирикма беозорликнинг ўзбекча ўлчови сифатида миллий образ мақомини олган”.<sup>95</sup>

Рус ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирикма семантикаси қийинлашганда аналоглари бир бўлган зооним компонентли фразеологик бирикмаларни кўп учратишимиз мумкин: “Аммамнинг бузоғи” – “*Мокрая курица*”, “Бузоқнинг югургани сомонхонагача” – “*Заячий прыжок – три шага*”, “Ёт товукдай” – “*Белая ворона*”, “Мулла минган эшакдай” – “*Овечий нрав*”, “*Смирнее телёнка*”, “Оёғи куйган товукдай” – “*Как угорелая кошка*”, “Отнинг қашқасидай маълум” – “*Знают как рябую собаку*”, “Пашшадан фил ясамоқ” – “*Из блохи делают верблюда*”, “Пашша кўриб ўтирмоқ” – “*Гонять (мух) собак*”, “Туя қанча – яғрини шунча” – “*Слон велик и рана велика*”.

Мисоллардан кўриниб турибдики, аналоглардаги зооморфлар ҳар хил бўлса ҳам, семантика бир фикр доирасида ишлатилмоқда. Бундай

---

<sup>95</sup>Бахронова Д.К. Антропозооморфизмларнинг семантик ва лингвокультурологик хусусиятлари. Автореф.дис...(PhD). – Тошкент, 2017. – Б.15.)

мисолларни нафақат зооморф символикали фразеологик бирикмаларда, балки таркибида бошқа символлар мавжуд фразеологик бирикмаларда ҳам учратиш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида жониворларнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги мифологик афсоналар, мақол ва маталлар, иборалар кенг тарқалган бўлиб, ҳозирга қадар бу мавзудаги оғзаки насрий асарлар алоҳида жамланиб ўрганилган бўлмаса-да, турли характердаги манбаларда у ёки бу жонивор тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Атоқли олим Ҳ.Зарифовнинг фольклор ва археология материалларини ўрганишга доир мақоласида ўзбекларнинг бўри тўғрисидаги тотемистик афсонаси таҳлилга тортилган.<sup>96</sup> Этнограф олим Г.П.Снесарёв хоразмликларнинг *сигир*, *туя*, *қўй*, *балиқ*, *ит* билан алоқадор эътиқодий қарашларини тўплаб ўрганган.<sup>97</sup>

Ёввойи ҳайвонлар номларини ифодаловчи лексемалар ҳам фраземаларнинг компонентлари бўла олади. Ёввойи ёки йиртқич ҳайвонлар номларини ифодаловчи лексемаларни символлаштириш ҳисобига салбий маъно ифодаловчи фраземалар шаклланади. Илоннинг салбий белги-хусусиятлари асосида “*Ернинг тагида илон қимирласа билмоқ*” фраземаси шаклланиб, ўта сезгир кишилар характерини ифодалайди.

Ҳайвонлар номини ифодаловчи лексемаларнинг фраземик фаоллиги юқори бўлмаса-да, уларнинг нутқда қўлланиш даражаси анча баланд эканлигини қайд этиш лозим. Зоонимик компонентли фразеологизмлар фразеологизмлар орасида муҳим аҳамият касб этади ва улар фразеологик бирликларнинг структурасида катта ўрин эгаллайди. Фразеологизмлар таркибида зоонимлар билан ифодаланувчи лексемаларнинг борлиги муайян фразеологизмнинг уларга муносабатини ифодаланишини кўрсатади. Одатда, ҳар бир ҳайвон, ҳашарот ёки парранда айрим ўзига хос

<sup>96</sup>Зарифов.Ҳ.Фольклор ва археология материалларини қиёсий ўрганишга доир // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1958.1-сон. –Б.25-30.

<sup>97</sup>.Снесарёв Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. –Москва: Наука, 1969.



хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, *чумоли* ва *асалари* меҳнатсеварлик рамзи бўлса, *шер* - довюраклик, *қуён* эса эҳтиёткорлик, кўрқоқликни англатади<sup>98</sup>

Н.Нишонова номзодлик диссертациясида “*туя*” лексемасига қуйидагича таъриф беради: Туя – умуртқали сут эмизувчи, қурукликда яшовчи, кадоқ оёқли, ўт билан озикланувчи, бир ёки икки ўрқачли, хонаки (баъзан ёввойи) ҳайвон. Гўшти ҳалол, юнги, сути учун ҳам боқилади. Бошқа ҳайвонларга нисбатан дарозлиги, анча секин ҳаракат қилиши, узоқ вақт сувсизликка чидаши билан ажралиб туради. <sup>99</sup> *Туя* лексемасига рус тилининг изоҳли луғатида шундай изоҳ берилган: кавш қайтарадиган сут эмизувчи ҳайвон, бир ёки икки ўрқачли, чўл ва даштларда яшайди.<sup>100</sup>

Келтирилган таърифлардан хулоса қилиш мумкинки, руслар учун туянинг кавш қайтариши ва чўлу-даштларда истиқомат қилиши асосий ўринда турса, ўзбеклар учун гўштининг ҳалоллиги, юнги ва сутининг шифобахшлиги аҳамиятли саналади. Кўчма маънода қўлланганда эса туяга нисбатан “сабр-қаноатли” семалари юкланади.

Ўзбек тилида туянинг боласи “*бўта*” ёки “*бўталоқ*” деб аталади. Ўзбек маданиятига хос хусусиятлардан бири шуки, ўзбеклар болаларга, ёшларга ҳам “*бўтам*”, “*бўталоғим*” деб мурожаат қиладилар. Бунда, асосан, икки хил маъно кўзда тутилади:

1. Болани эркалаш: *Сира ҳам таишии тортма, бўталоғим. Ҳаммаси яхши бўлади.*

2. Ўзига нотаниш бўлган бола ёки ўзидан ёши анча кичик одамга нисбатан: *Бўтам! Сиз менга ким бўласиз?* (С.Аҳмад.Хукм. [ЎТИЛ.I.78] )

Шунингдек, ўзбек тилида “*бўта*” сўзи асосида “*бўталамоқ*” феъли шаклланган бўлиб, “*болам-бўтам* деб эркалатмоқ, ардоқламоқ” маънолари англашилади [ЎТИЛ.II.346]. Бундан ташқари, “Ўзбек тилининг изоҳли

<sup>98</sup>Ҳақимова Г. Фразеологизмлар этимологиясида миллий-маданий ғояларнинг акс этиши.Тил ва адабиёт таълими журнали. –Тошкент, 2015.2-сон. –Б.42

<sup>99</sup>Нишонова Н.Р. Ўзбек тилидаги “ҳайвон” архисемали лексемаларнинг мазмуний таҳлили.Фил.фан.номзоди...дисс.автореф. –Тошкент, 2000. –Б.16.

<sup>100</sup>Ожегов С.И. Словарь русского языка. –Москва: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1960. –С.70.

луғати”да “бўтакўз” лексемаси ҳам мавжуд. Бу сўзга шундай таъриф берилади: ”2.кўчма. Туя боласининг кўзига ўхшаган чиройли кўз, шахло кўз ва шундай кўзли киши”. Келтирилган фикрларга асосланиб айтишимиз мумкинки, ўзбек халқида туянинг ўзига хос аҳамияти бор ва бу тилда ҳам ўз аксини топган<sup>101</sup>.

“Туя” лексемаси *туя кўрдингми – йўқ, бия кўрдингми – йўқ, от билан туяча, оқ туя кўрдингми – йўқ, кўк туя кўрдингми – йўқ, нонини туя қилмоқ, “ҳайт” деган туяга дармон, туянинг устида ит қопмоқ, туянинг думи ерга текканда* фраземалари таркибида семантик таянч аъзо сифатида қатнашади.

Рус тилида туя зооморфизмли фразеологизмлар жуда кам учрайди. ”*Легче верблюду пройти сквозь игольное ушко*” ибораси “бажарилиши мураккаб бўлган иш” маъносида келиб, ўзбек тилида туяга бундай нисбат иборалар ичида келтирилмаган. ”*Нагрузиться верблюдом*”, “*Нагрузиться как верблюд*” иборалари *туядек юкланмоқ, туя каби юк ортмоқ* шаклларида келиб, “бировга юк бўлмоқ, оғирлигини туширмоқ” маъноларида ишлатилиб келинади.

*От* инсоннинг кундалик ҳаёти фаолиятида, уй-рўзғорида, ҳар хил юмушларни бажаришида ёрдамчи ҳамда улов вазифасини бажаради. Отнинг инсон ҳаёти тарзи билан бундай яқинлиги қатор фраземаларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлган. *Оёғи узангида бўлмоқ, озиқлик от қаримайди, отнинг қашқасидай, отни қамчиламоқ, от солмоқ, от қўймоқ, от билан туяча, той минган от ҳам минади* каби фразеологизмлар нутқда кўп ишлатилиши билан характерлидир. *Отдан тушса ҳам узангидан тушмаслик* ёки *отдан тушса ҳам эгардан тушмаслик* каби фраземалар бўлар-бўлмасга баҳслашаверадиган, мантиқсиз, ўзининг фикрини маъқуллатишга ҳаракат қиладиган шахсларнинг характерини ифодалайди.

---

<sup>101</sup> Юсупова Ш. “Туя” лексемасининг лингвокультурологик хусусиятлари”. Замонавий услубшуносликнинг долзарб муаммолари. –Фарғона, 2017. –Б.118-119

“Отдан тушса ҳам эгардан тушмаслик” – мавқеини йўқотганига карамай, ўзини аввалгидай тутмоқ фраземасининг “Отдан тушса ҳам узангидан тушмаслик” ёки “Эгардан тушмаслик” каби вариантлари нутқда кўп ишлатилиши билан характерлидир: *Отдан тушса ҳам эгардан тушмай, ўзини бир хил тутди.* (Саид Аҳмад) *Кўрдингизми, Давронов* *отдан тушса ҳам, узангидан тушгани йўқ.* (И.Раҳим. [ЎТИЛ.Ш.284])

А.Маматов ўзбек ва рус тилларида ишлатилиб келинаётган ва асоси ҳайвонлар номидан иборат фразеологизмларни қиёслаганда ўзгача ҳолатларга дуч келинишини мисоллар орқали ифодалаб беради: “Ўзбек тилида *отдай бўлмоқ* фразеологизми рус тилида “*здоров как бык*” тарзида ифодаланади. Ўзбек тилида *от* – кучлилик, соғломлик белгиси. Рус тилида эса *бык* (хўкиз) шундай образ сифатида тушунилади. Шу асосда ушбу фразеологизмлар юзага келган. Шунини таъкидлаш лозимки, ўзбек тилида ҳам хўкиз кучлилик белгиси ҳисобланади, бироқ у махсус бирор иборанинг компоненти бўла олмаган”.

Мисоллар таҳлилидан турли тилларда фразеологизмларнинг мазмун планида хилма-хилликлар мавжудлиги яққол кўзга ташланади. Бу ҳолат шу халқларнинг табиий яшаш шароитлари, маданий ва диний анъаналари ҳамда ҳоказо омиллар билан узвий боғлиқдир. Айрим фразеологизмларнинг шаклланишида кўп тилларда бир хил номларнинг кўлланиши шу халқларнинг яшаш тарзи, ҳаётий тушунчаларига ҳам боғлиқ. Ҳамма халқларда ҳам ватан туйғуси, уни севиш, ардоқлаш ҳисси, ишёқмасларни ёмон кўриш, кўрқоқлардан жирканиш туйғуси бор. Бу каби физиологик ҳолатлар, эмоционал муносабатларни ижобий ёки салбий жиҳатдан ифода этишга бўлган эҳтиёж туфайли тилда ихчам ва чуқур маъноли фразеологизмлар шаклланади.<sup>102</sup>

*От* қадим-қадимдан инсонга хизмат қилиб келган. Илмий маълумотларга кўра, отлар милoddан тахминан уч минг йил илгари хонакилаштирилган. Уни машқ қилдириш ва ҳар хил ишларга,

<sup>102</sup>.Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Наврўз, 2019. –Б.90

ҳаракатларга ўргатиш – бошқа ҳайвонларга нисбатан анча осон ва қулай. От кучли, сабр-чидамли, кўркам, покиза, зийрак, ҳушёр, бирор нарсани дарҳол пайқаш, кўриш, ҳид билиш, товушни, ҳатто билинар-билинемас шарпани эшитиш, сезиш қобилияти кучли.<sup>103</sup> Маҳмуд Қошғарийнинг таъбири билан айтганда от “туркнинг қанотидир”.<sup>104</sup> Хун давлатидаги қабила бошлиқлари бир-бирлари билан тинчлик шартномаларини тузган пайтда оқ отнинг қонини майга аралаштириб ичганлар. Шу одат орқали иттифоқ тузилган.<sup>105</sup>

Рус тилида *лошадь, конь(от)* компоненти билан боғлиқ қўйидаги иборалар мавжуд: “*коней напереправе менять*” – иш жараёнида хизматчиларни алмаштириш маъносида, “*сесть на своего любимого конька*” – яна ўзиникини ўтказмоқ, бошламоқ, ўз билганидан қолмаслик, “*оседлать своего конька*” – ўзининг севган мавзусини (гапини) ҳадеб гапиравермоқ, “*конь ещё не валялся*” – ҳали ҳеч нарса бўлмаган. Мисоллардан кўриниб турибдики, рус ибораларида *от* компоненти ижобий маънода келмайди. Бу эса икки тилнинг лингвокультурологик жиҳати турлича эканлигидан далолат беради.

“*Кўй*” лексемаси билан нутқда қўлланилиш даражаси юқори бўлган “*қўйи мингга етди*”, “*қўйдек юввош*”, “*қўй оғзидан чўп олмаган*” каби фраземалар шаклланади. Бунда қўйнинг ҳислатлари фраземалар учун мантиқий асос бўлиб хизмат қилади. *Кўй* – айниқса, оқ қўчқор қадимги туркий халқлар томонидан Кўк тангрига бағишланган қурбонликдир. Олтойликлар Улгенга оқ қўй, Эрликка қора қўй сўйиб қурбонлик қилишган. Туркий халқларнинг айрим сулоалари куч-қудрат ва алпликнинг рамзи бўлган қўчқорни ўзларига герб қилиб олганлар. Ўзбек халқ эртакларида кўк қўчқор – афсонавий ҳомий жонивор ҳисобланган.

<sup>103</sup> Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: ЎМЭ, 2001. –Б.263.

<sup>104</sup> Қошғарий М. Девону луғатит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. I. –Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. –Б.83.

<sup>105</sup> Раҳмон Н. Турк ҳоқонлиги. –Тошкент: Халқ мероси, 1993. –Б.119.

Ўзбек лингвомаданиятида қўй ювошлик тимсоли, Исломда курбонлик ҳайвони сифатида намоён бўлади.<sup>106</sup> Култигин битиктошида қўй сурати бор. Тасвир туркийларнинг моддий жихатдан фаровон яшаганини билдирган. У яна муқаддас ҳайвон эканлигига ишора қилинган.<sup>107</sup>

Рус тилида қўй, қўчқор, така – овца, баран, козёл зооморфизмлари фразеологизмларда: мавзудан четга чиқмаслик маъносида – “*вернёмся к нашим баранам*”; бари бир хил тоифадан маъносида – “*бела овца, сера овца – один овечий дух*”; оғир жазоламоқ маъносида – “*драть как Сидорову козу*”; ўзгаларнинг гуноҳини бир кишига юкламоқ – “*козёл отпущения*”; ҳеч қандай фойдаси тегмайдиган маъносида – “*как от козла молоко*”; эгиб олмоқ маъносида – “*согнуть в бараний рог*”; бирор кишини бирор жойга қўйиш, киритиш мақсадга мувофиқ эмас маъносида – “*пустить козла в огород*” қўлланилади. Мисоллардан кўриниб турибдики, ўзбек лингвомаданиятида қўй ювошлик рамзи бўлса, рус лингвомаданиятида калтафаҳмлиқ, аҳмоқлик, фойдасизлик рамзи ҳисобланади.

Е.А.Сокур зооним компонентли фразеологик бирликларни грамматик тузилиш жихатдан қуйидаги турларга ажратган:

1.Сифат + отдан ҳосил бўлган фразеологик бирликлар: *канцелярская крыса, морской волк, гусиные лапки, дойная корова, важная птица*; Ўзбек тилидаги зооним компонентли фразеологизмлар ичидан биз бу турга *ёт товуқ, ола қарга* фразеологик бирикмаларини мисол қилиб олдик.

2.Ўхшатиш маъносидаги фразеологик бирликлар: *как кур во щи, как рыба в воде, как собака на сене, как свинья в апельсинах*; Ўзбек тилида: *отнинг қашиқасидай, оёғи куйган товуқдай, сувга тушган мушукдай*;

3.Инфинитив + винительный падеждаги кўмакчили от кўринишидаги фразеологик бирликлар: *вешать собак, покупать kota в мешке, ловить рыбу в мутной воде, пускать козла в огород, брать быка за рога*,

<sup>106</sup>Усмонова Ш. Лингвокултурология. –Тошкент, 2019. –Б.152.

<sup>107</sup>Раҳмон.Н.Турк ҳоконлиги. –Тошкент:Халқ мероси, 1993. –Б.61

*согревать змею на груди; Ўзбек тилида: паишадан фил ясамоқ, капалаги учмоқ;*<sup>108</sup>

Ҳайвонлар тимсоли инсон наздида аксарият ҳолларда салбийликни англатгани учун ҳам уларни символлаштириш асосида кўп ҳолларда салбий маъноли фраземалар шаклланади. Шунинг учун ҳам сўкиш, қарғишни ифодаловчи сўз ва сўз бирикмалари таркибида ҳайвонлар номини ифодаловчи сўзлар учрайди.

Уй ҳайвонлари номларини ифодаловчи лексемалар ҳам фраземалар компоненти сифатида жуда фаол ишлатилади. Уй ҳайвонлари номларининг фразеологик фаоллиги шундаки, улар инсон билан биргаликда ҳаёт кечирилади. Уй ҳайвонларининг инсон билан яқинлик томонлари бошқаларига қараганда кўпроқ.

*Ит* – содиқлик, вафодорлик тимсоли ҳисобланади. Айни шу образ асосида ўзбек тилида қатор фраземалар шаклланган. “*Итдай вафодор бўлмақ*” фраземасининг шаклланишида итнинг инсонга бўлган вафодорлик хусусияти асос қилиб олинади. Итга хос бўлган бу хусусият инсонга нисбатан қўлланади ва бирикма компонентларининг кўчма маъносидан фразеологик маъно юзага келади.

“*Итнинг кунини кўрмоқ*”, “*итнинг кунини солмоқ*”, “*итнинг кунини бошига солмоқ*” фраземалари итнинг аянчли яшаш тарзини инсон ҳолатига қийслаш мазмунида пайдо бўлиб, оғир аҳволга тушган, жуда кўп қийинчиликларга учраган киши ҳолати ифодаланади. Бу фраземаларда жуда оғир, машаққатли таҳқирлашларни бошидан кечиришга олиб келадиган салбий ишларни амалга оширадиган шахс характери ифодаланади: ...*бўлмагур гаплар билан ранжитгани учун ит кунини бошига солган, маҳаллани бошига кўтариб, Алининг уйинини кўрсатиб келган эди.* (Мирмуҳсин) [ЎТИЛ.Ш.287]

---

<sup>108</sup> Сокур Е.А., Шежева Б.А. Роль компонента зоонима в формировании индивидуального значения фразеологизма. Вестник АГУ. Выпуск 4(227), 2018. –С 90

*Ит азобида* фраземаси ўта қийналган шахснинг ҳолатини ифода этади: “... тайинли бир ишора бўлмаганидан кейин Хуринисо винони ичди, лекин ит азобида эди”. (А.Қахҳор) [ЎТИЛ.Ш.289]. Хулқ-атвори ёқимсиз, совуқ, муомаласи дағал шахснинг характерини ифодалаш учун “*ит феъл*” фраземаси кенг қўлланилади: *Ҳалитдан ит феълингни ошкор қилмоқчимсан?* (Ойбек) “*Итдан олиб, итга солмоқ*” фраземаси шахснинг сўкиш сўзларини ишлатган ҳолда “*тахқирламоқ*” маъносини ифодалайди: *Анов кунни гадоларини йиғиб, яна сени итдан олиб, итга солибди.* (А.Мухтор) [ЎТИЛ.Ш.288]

“*Ичини ит тирнади*”, “*ичини ит таталади*” каби фраземалар шахснинг ички кечинмаларини, ташвишли ҳолатини ифодалайди. “*Итга берсанг ошингни, итлар гажир бошингни*” фраземасида “*ит*” лексемаси бировнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, бошқаларга зулм ўтказувчи одам, малай, яхшилиқни раво кўрмайдиган, инсон меҳнатини қадрламайдиган шахс фаолияти образли ифодаланади. “*Ит ҳураар – карвон ўтар*” фраземаси бажарилиши лозим бўлган ишга бўлар-бўлмас, асоссиз тўсиқ бўладиган шахсларга нисбатан ишлатилади. “*Итдан бир суяк қарз бўлиб яшамоқ*” фраземаси эса ўта камбағаллик, ишнинг қийин аҳволини образли ифодалайди.

Рус тилидаги “*заживает, как на собаке*” ибораси – жуда тез битмоқ, билинмасдан ўтиб кетмоқ; “*собаку съест*” – бошқаларга нисбатан бирор ниманинг устаси, билимдони ҳисобланмоқ; “*вот где собака зарыта*” – ишнинг асл моҳияти қаерда, нимада; “*каждая собака*” – ҳар бир кимса; “*как не вертись собака, а хвост позади*” – қанча яширма, бари бир билиб олишади; “*как собаке пятая нога*” – кераксиз, ортиқча; “*собака на сене*” – қизғанчиқ; “*с собаками не сыщешь*” – умуман топилмас” маъноларида қўлланганлиги билан ушбу фразеологизмлар семантикаси турличалигини яққол кўришимиз мумкин. Юқоридаги мисоллар орқали бу зооморфизм кўпинча салбий маънода қўлланишининг гувоҳи бўлди.

“Мушук” лексемаси ҳам фраземаларни шакллантиришда ўзига хос ўринни эгаллайди. “Мушугини пишт демаслик” – ҳеч кимга ҳеч қандай озор етказмаслик маъноли феъл фраземаси ҳамда “мушугини пишт деб бўладими”, “мушугини пишт деса” каби вариантлар “мушук” лексемасининг семантик асосида қурилган. “Ичини мушук таталаяпти”, “ичини ола мушук тирнаяпти”, “ичига мушук ютмоқ” каби фраземалар таркибида эса “мушук” лексемаси семантик нотаянч лексема сифатида иштирок этади.

Рус тилида “кот-валяка” – дангаса, “кот в мешке” – номаълум тушунарсиз, нимадир, “кот наплакал” – жуда оз, “кот у под хвост” – фойдасиз, бекордан-бекорга маъноларида ишлатилади. “Как угорелая кошка” фразеологизми “оёғи куйган товўқдай” фразеологизми билан семантик жиҳатдан тенг ҳисобланади.

“Бузоқ” лексемаси иштирокида эса нутқда кўп қўлланиладиган “аммамнинг бузоғи”, “аммамнинг бузоғидай”, “бузоқнинг югургани сомонхонагача”, “бузоқнинг ҳаққи”, “номаъқул бузоқнинг гўштини ебди” каби фраземалар шаклланади: –*Номаъқул бузоқнинг гўштини бир едик-да, –дейди Берди татар.* (А.Қодирий. Обид кетмон. [ЎТИЛ.IV.146]) “Бузоқни тилга олсанг, ипини узиб келади” ибораси мажозий маънода ўз номини узоқдан, чала-ярим эшитиб қолса, қулоғини динг қиладиган, у одам ҳатто уни чақирмаган бўлса ҳам олдига югуриб бориб: “мени чақирмадингизми?” дейдиган одамга нисбатан қўлланилади.<sup>109</sup>

“Золотой телец” рус фразеологизми бойлик, ҳукмдорлик маъносида, “телячий восторг” фразеологизми тайинсиз ҳайратланидиган, бемаъни, ноўрин гапирадиган инсонларга нисбатан ишлатилса, “телячьи нежности” – ҳаддан ташқари, ёлғондан қилинган хушмуомалалик маъноларида қўлланилади.

---

<sup>109</sup> Шوماқсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б.59



“Эшак” лексемаси семантик нотаянч аъзо сифатида “*иш битгунча, эшак лойдан ўтгунча*”, “*иш битиб, эшак лойдан ўтгандан кейин*”, “*иши битди, эшаги лойдан ўтди*” каби фраземаларнинг таркибида қатнашади. “*Кўп гап эшакка юк*” фразеологизмида ортикча гап-сўзнинг фойдасизлиги ҳақида айтилса, жуда итоатли, ювош маъносида “*мулла минган эшакдай*” фраземаси қўлланилади: *Қамоқда эзилса, мулла минган эшакдай, бўйнини солиб, бир кунмас-бир кун чиқиб келар.* (Ойбек. Танланган асарлар) [ЎТИЛ.V.63]. “*Эшагидан тўқими қиммат*” – у ёки бу нарсанинг ўзидан ҳам бирор абзали, қисми, анжومي тўланадиган хизмат ҳақи қиммат бўлганда шу ибора ишлатилади. “*Эшагига яраша тушови*” ибораси ҳам халқда фаол қўлланилади. Тушовламоқ олдинги оёғини боғлаб қўймоқдир. Тушовлашнинг бир неча хил усуллари бўлган. Қиммат эшакларни халқали занжир – тушов билан тушовлаб, қулфлаб, калитни чўнтақларига солиб кетишган. “*Бундоқроқ*” эшакларни хом теридан қамчига ўхшатиб тўқилган тушов билан тушовлашган. Арзон эшакларнинг олдинги оёқларини тизимча ёки арқон билан боғлаб қўяқолишган.<sup>110</sup>

“Эшак” лексемаси рус ибораларида кам учрайди: “*Упрямый как осёл*” ибораси “жуда қайсар” маъносида қўлланилса, “*Буриданов осёл*” ибораси бир фикрга келолмайдиган, иккиланувчи шахс маъносида ишлатилади.

Ёввойи ҳайвон номларини ифодаловчи лексемалар фраземаларнинг компонентлари бўлади. Ёввойи ёки йиртқич ҳайвон номларини ифодаловчи лексемаларни рамзлаштириш (символлаштириш) ҳисобига салбий маъно ифодаловчи фраземалар шаклланади. Илоннинг салбий белги-хусусиятлари асосида “*ернинг тагида илон қимирласа билмоқ*” фраземаси шаклланиб, ўта сезгир кишилар характерини ифодалайди. “*Илон ёғи еган*”, “*илоннинг ёғини ялаган*”, “*илон пўст таишлайди*”, “*илоннинг оёғини санаган*”, “*илондай аврамоқ*” каби фраземаларнинг

---

<sup>110</sup>.Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б.379

шаклланишида айна шу белги-хусусиятлар мантикий асос бўлиб хизмат қилган ва *илон* лексемаси семантик таянч аъзо бўлиб келади.

“*Илон*” зооним компонентини рус тилида ҳам салбий маънода қўллашади: “*змея подколотная*” – ўтакетган ярамас, ёвуз одам, “*змею на груди отогреть*” – қўйнида илонни асрамоқ. “*До зелёного змея*” – ибораси ўлгудек ичмоқ, ҳаддан ташқари маст бўлмоқ маъносида келади ва бу иборанинг аналоги ўзбек тилида йўқ. Ҳаммага аёнки, мусулмончиликда маст қилувчи ичимликлар истеъмол қилиниши тақиқланган.

“*Бўри*” – кўп миллатлар оғзаки ва ёзма ижодида жисмонан кучли, лекин ақлан заиф ва лақма ҳайвон ҳисобланган. Ўзбек халқида эса *бўри* зооними кучли, мард ва жасур инсон тимсолини гавдалантирган. “*Бўри еб кетармиди?*”, “*Бўри ейдими?*” каби фраземалар *бўри* лексемасининг йиртқичлик маъноси асосига қурилган бўлиб, салбий маъноли фраземалар шаклланган. Тажрибали овчилар *бўри* қўлга тушса, ҳеч қачон увилламайди, мардонавор барча қийноқларга бардош беришини билишади. Уни қўлга ўргатиб бўлмаслик хислати унинг эгилувчан, бўйсинувчан эмаслигидан ва ўзига хос характеридан келиб чиққан.

Ўзбекларда шундай одат бор: фарзанд дунёга келганда “*бўримми ё тулки*” деб сўрашади. Бундай одат ўғил болани *бўрига* қиёслаб, мард, жасурлиги билан оила обрўсига айлансин дея, қиз бола гўзаллиги ва уддабуронлиги эса оиланинг тинч-тотувлигини сақлаш учун керак деб, ҳисобланган.<sup>111</sup>

“*Бўримми ё тулки*” ибораси яна бирор ишнинг қай тарзда яқунланганини ҳам билдиради: “*бўри*” жавоби ижобий маънода, “*тулки*” жавоби салбий маънода ишлатилади [Ҳасан:] *Қуруқ келишига уялдим-да, тақсир!* [Қодирқул:] *Қани, бўримсиз, тулки?* (Ҳамза. Бой или хизматчи. [ЎТИЛ.I.56])

<sup>111</sup> Тошева Д.А. Зоонимы в культурологическом подходе к освоению иностранного языка.//Гил ва адабиёт таълими журнали, 2016. 7-сон. –Б.61.

Рус тилида *бўри* зооним компоненти қуйидаги маъноларда фаол ишлатилади: *”волк в овечьей шкуре”* – қўй терисини ёпиниб олган бўри, яъни иккиюзламачи, товламачи, *“волком выть”* – зорланмоқ, йиғлаб шикоят қилмоқ, *“волком смотреть”* – ёмон (ғаразли) кўз билан қарамоқ, *“волчонок бежит следам волка”* – бўри боласи бўри бўлар, *”и волки сыты, и овцы целы”* – сих ҳам куймайди, кабоб ҳам, *”волчий аппетит”* – зўр иштаха.

*“Тулки”* зооними ўзбек халқи паремиологик фондида кенг тарқалган образлардан бири ҳисобланади. Унинг ўзбек тилидаги дастлабки ассоциацияси айёрлик, муғомбирлик, ёлғончилик хусусиятлари билан боғлиқ. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *тулки* зооними қуйидагича таърифланган:

*Тулки 1.* Бўрисимонлар оиласига мансуб, тумшуғи узун, думи майин узун жунли, ўта сезгир ва айёр йиртқич сут эмизувчи ҳайвон. *Қалин майсалар орасида сарғиш айёр тулки аланглаб борар эди...Ковакни бойвачча тулки овлаб юрганида кўрган эди.* (С.Юнусов. Кутилмаган хазина)

*Тулки 2.* Шу ҳайвоннинг мўйнаси ва ундан тайёрланган телпак ва бошқалар. *Бошига тулки телпак кийган бу отлиқ унга таниш кўринди.* (Ҳ.Ғулом. Машъал)

*Тулки 3.* Кўчма маънода ўтакетган айёр, маккор одам ҳақида. *Ишонмайман-у, лекин қари тулки эридан кўп нарсани яширишини биламан.* (Ў.Умарбеков. Ёз ёмғири) [ЎТИЛ.IV.186].

Р.Абдуллаева *тулки* зоонимининг инсон характери хусусиятларига ишора қилинишини тадқиқ этар экан, луғатлардаги изоҳига кўра қуйидагиларни хулоса қилиш мумкинлигини таъкидлайди:

1) ўзбек ва рус тилларида *тулки* зооними кўчма маънода қўлланилганда айёрлик, муғомбирлик, ёлғончилик маънолари билан боғланади ва шундай характерли инсонга ишора қилади;

2) ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам *тулки* зооними нутқда яқка ҳолда қўлланиб, кўчма маънони ифодалаш мумкин. Лекин зоонимнинг икки тил доирасида қўлланишида фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд. ”*Лиса*” юқоридаги маънолардан ташқари “қари” маъносида ҳам келиши мумкин.<sup>112</sup> “*Лиса-Патрикеевна*”, ”*старая лиса*”, ”*лисиный взгляд*” фразеологизмлари рус халқ оғзаки ижодида тез-тез учрайди.

3) тулкининг айёрлик хислатлари рамзий белгиси асосида “*тулкилик қилмоқ*”, “*тулкидай айёр*” каби фраземалар шаклланган.

Ҳайвонлар номларини ифодаловчи лексемаларнинг фраземик фаоллиги юқори бўлмаса-да, уларнинг нутқда қўлланиш даражаси анча баланд эканлигини қайд этиш лозим. Зоонимик лексемалар сифат ва равиш лексемалар билан ўзаро боғлашувга киришиб, сифат ва равиш фраземалар шаклланади. Ҳайвонларнинг образини рамзлаштириш (символлаштириш) асосида шахс фаолияти ва унинг сифат кўринишларини ифодаловчи фраземалар шаклланади. Зоонимик лексемалар фраземалар учун мантикий (мотивацион) асос бўлганида шахснинг салбий хусусиятларини ифодаловчи фраземалар юзага келади.

Ўзбек тилида ҳайвонот оламини ифодаловчи лексемалар аксарият ҳолларда салбий маъноли фраземаларнинг шаклланишида компонент сифатида иштирок этади. Бундай фраземалар нутқнинг образлилигини, унинг таъсир қилувчанлик хусусиятини янада оширишга хизмат қилади.<sup>113</sup>

Бир тил оиласига мансуб ҳар хил лингвомаданиятлардаги турғун ўхшатишларни қиёслаш инсоннинг характери ва хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлган ўхшатишларнинг эталони сифатида ҳайвон ва жониворларни билдирувчи сўзлардан кўпроқ фойдаланилганини кўрсатади. Масалан, тилларнинг аксариятида *тулки* зооними айёрлик, алдоқчилик, ёлғончилик рамзи, эталони сифатида фаол ишлатилади: *тулкидай айёр*. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ғарб ва славян

<sup>112</sup>Абдуллаева Р. Тулки зоонимининг инсон характер хусусиятларига ишора қилиши.Тил ва адабиёт таълими журнали, 2018.11-сон. –Б.40.

<sup>113</sup>Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили.10.02.02 –ўзбек тили. Филол. фанлари номзоди...дисс. –Тошкент, 2008. –Б.39.

лингвомаданиятларида, хусусан, рус тилида “*хитрый как лиса*” фраземаси турғун ўхшатиш мифопоэтик манбаларга асосланади, чунки қадимги тасаввурларга кўра, тулки жодугар ҳисобланган, унда йўқолиш, кўринмайдиган бўлиб қолиш қобилияти мавжуд бўлган<sup>114</sup>.

Ўзбек лингвомаданиятида турғун ўхшатишларни образ ва унинг мазмуни жиҳатидан бир-бирига муқобиллиги, объектларининг ўхшашлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, “бефаҳмлиқ, бесўнақайлиқ, кўполлиқ” *айиқдай* (ўзбекча) – “неуклюжий как медведь” (русча); “кучли, кўркмас”, “мардлик, жасорат” *арслон каби* (ўзбекча) – “сильный как лев” (русча); “бефаҳм”, “қайсар” *эшакдай* (ўзбекча) – “упрямый как осёл” (русча) ва ҳ.к. эталонлар воситасида ифодаланади.

Бу икки лингвомаданиятда ўхшатиш эталонлари турли белгиларнинг ўлчови сифатида қўлланилиши мумкин: ўзбек тилида *қўйдек* “ювошлиқ”, рус тилида “*овечий нрав*” – “аҳмоқ, довдир”; “қарор беришда ёки хатти-ҳаракатларида бошқаларга тобе бўлган”; ўзбек тилида *бўридай* “довюрак, мард”, “ғажимоқ, тиш қайрамоқ”, рус тилида “*Тамбовский волк тебе товарищ*” – “душман” маъносига; ўзбек тилида *илондай* “чақмоқ, захар сочмоқ”, “совуқ”, рус тилида “*змея подколотная*” – “айёр, ёқимсиз, золим”; ўзбек тилида *итдай* “қопмоқ”, “садоқатли”, “ақилламоқ”, “югурмоқ”, “изғимоқ”, “эргашмоқ”, “ишламоқ”, “ичмоқ”, рус тилида “*собачья жизнь*” – “ачинарли”; ўзбек тилида *ҳўкиздай* “қайсар”, “катта, кўпол”, “кучли”, “ишламоқ”, рус тилида “*взять быка за рога*” – “дангал”; ўзбек тилида *маймундай* “сакрамоқ, ирғишламоқ”, “ўйнатмоқ”, рус тилида “*мартышкин труд*” – “фойдасиз”, “кераксиз” ва ҳ.к.

Айни тушунча турли лингвомаданиятларда ўзгача ифода воситалари, яъни бошқача ўхшатиш эталонлари воситасида акс эттирилиши мумкин. Масалан, ўзбеклар тинимсиз ишлайдиган, меҳнат қиладиган кишиларни чумолига (*чумолидай*), руслар эса арига ўхшатадилар (*как пчела*).

---

<sup>114</sup> Панченко Н. Сравнение как средство дескрипции лжи и обмана // Основное высшее и дополнительное образование: проблемы дидактики и лингвистики. – Волгоград: ВГТУ, 2000. – С. 138-143.

Оламни образли қиёслаш мақсадида истифода этиладиган баъзи ўхшатиш эталонлари бошқа лингвомаданиятларда фразеологизм ёки метафора кўринишида намоён бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ўзбек маданиятида “имилламоқ, судралмоқ” маъносида қўлланиладиган “*тошбақадай*” эталони рус маданиятидаги “*черепашьим шагом*”, “как черепаха” (тошбақа қадам, тошбақадай имиллаб) фразеологизмига муқобил бўлади. Ўзбек тилида “семирмоқ”, “кўп овқат емоқ”ни англаган “*чўчқадай*” ўхшатиш эталони рус тилида “*как свинья в апельсинах*” (ақлсиз, фаросатсиз) кўринишида метафорага айланганини кўриш мумкин.

Ҳар бир лингвомаданиятда шу халқнинг менталитетини, унинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятларини ақс эттирувчи турғун ўхшатишлар мавжуд бўлади. Масалан, “ўзбек тилидаги “*мусичадай беозор*” (*одам*) ўхшатишини бошқа тилларда учратиш қийин. “*Мусичадай*” ўхшатиш эталонида миллий-маданий коннотация мавжуд, унда “беозорлик” белгисининг ўзбекка хос таъкиди яққол ўз ифодасини топган. Мусичага хос юмшоқтабиат ва ҳаракат ўзбек идрокида ижобий талқин топишидан ташқари, бу мушфиқ куш ҳақидаги ислоний ривоят ҳам “*мусичадай*” эталонининг анъанага киришига таъсир этгани эҳтимолдан холи эмас. Ана шу тариқа *мусичадай беозор* турғун ўхшатиши беозорликнинг ўзбекча ўлчови сифатида тамоман миллий образ<sup>115</sup> мақомини олган: *Уялиш керак, ўртоқ директор, мендек мусичадек беозор кишини ранжитгани қандай кўнглингиз борди?* (Гулдаста)

Умуман олганда, зооморфизмлар баҳолаш хоссасига эга, чунки улар инсонни ижобий ёки салбий томондан тавсифлайди. Баҳолаш зооморфизм асосида инсоннинг образли таърифини яратишда қўл келади. Зооморфизмли фразеологизм объекти – инсон. Метафоралаш учун ассоциатив – образли мавзу тил соҳибларининг дунёни идрок этишлари ва тасаввур қилишлари асосида шаклланган миллий-маданий меъёр,

---

<sup>115</sup>Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013. –Б.

стереотиплар билан боғланган. Зооморфизмли фразеологик бирликлар барча тилларда мавжуд ва турли тилларда турлича семантик мазмунга эгадир.

### **Боб бўйича хулоса**

1. Миллат маданияти тилда, жумладан фразеологизмларда ҳам ўз ифодасини топади. Тилда этномаданий тушунча ифодаловчи лексик бирликлар, хусусан фразеологизмлар этноснинг дунёқараши, менталитети, руҳияти, анъанавий турмуш тарзи, умуман, миллий қадриятларини ўзида намоён қилади. Шу маънода фразеологик бирликларнинг тил тараққиёти ва миллий тил шаклланишидаги аҳамиятини ўрганиш муҳимдир.

2. Миллий фразеологизмлар маълум бир миллатнинг маданияти, урф-одатлари, ўзига хос удумлари каби хислатларни ёритувчи ва халқлар ҳаётини, дунёқараш ва турмуш тарзини, этик ва эстетик нормаларини ифодалайди. Миллий фразеологизмлар халқнинг ижтимоий-сиёсий ва маиший ҳаётини, характер хислатларини, халқнинг топонимика, флора, фаунасини, миллатга хос урф-одат ҳамда маросимларини ифода этади.

3. Тил ва маданият муаммоси мураккаб ва серқирра бўлиб, тилшуносликда тил этногенези, тилда миллийликнинг ифодаланиши, бу борада моддий ва маънавий-маданий бирликларнинг таъсирини ўрганувчи социолингвистика, этнолингвистика, лингвокультурология, этнопсихология, антропоцентрик тилшунослик каби кўплаб янги йўналишлар шаклланди ва жадаллик билан ривожланмоқда.

4. Этнолингвистика этноснинг анъанавий турмуш тарзи, миллий анъаналари, урф-одатларини батафсил ўрганишида этнофраземалар кийим компонентли, озиқ-овқат компонентли, зооним компонентли этнофраземалар асносида этноснинг миллий анъаналари, урф-одатлари ифода этилган.

5. Ўзбек тили этнофраземаларини лексик-семантик, функционал, систем-структур, тематик планда, замонавий дунё тилшунослиги

тажрибаларига асосланган ҳолда изоҳлаш тилшунослик олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.



## II БОБ. РАНГ КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

### 2.1. Ранг компонентли ижобий маъноли фразеологик бирликларнинг лингвокультурологияси

Ижтимоий мулоқот тизимида инсонлар мазкур жамият, гуруҳ ва ижтимоий муҳитда қабул қилинган рамзлардан фойдаланадилар. Инсонни ҳайвондан фарқловчи жиҳатлардан бири – рамзлаштиришга бўлган эҳтиёжидир. Рамз – ташқи дунёнинг турли маданият вакиллари ички дунёси, онги, тафаккури ва руҳидаги акси. Рамз белги бўлиб, унинг дастлабки маъносидан бошқа маъно учун шакл сифатида фойдаланилади. Дунё рамзлардан иборат, рамзлар инсониятнинг илк, ҳақиқий ижодидир.<sup>116</sup>

В.А.Маслованинг фикрича, рамз тушунчаси қатор фанлар нуқтаи назарида турлича талқин қилинади: 1) рамз – белги билан ўхшаш тушунча (тилларни сунъий формалаштиришда); 2) ҳаётни санъат воситасида образли ўрганишнинг ўзига хослигини ифодаловчи универсал категория (эстетика ва санъат фалсафасида); 3) муайян маданий объект (маданиятшуносликда, социологияда ва бошқа ижтимоий фанларда); 4) рамз белги бўлиб, унинг дастлабки маъносидан бошқа маъно учун шакл сифатида фойдаланилади (фалсафа, лингвистика, семиотика ва ҳ.к.)<sup>117</sup>.

Ю.М.Лотман рамзларни “маданий мажмуанинг энг барқарор элементларидан бири” сифатида қайд<sup>118</sup> этган. А.К.Байбурин “Баъзи нарсаларнинг “моддий маданият” соҳасига, бошқаларининг “маънавий маданият” соҳасига киритилиши биринчи навбатда уларга турли семиотик мақом берилганини кўрсатади”<sup>119</sup> деб ёзади.

<sup>116</sup>Усманова.Ш. Лингвокультурология. –Тошкент, 2019. –Б.138.

<sup>117</sup>Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. Пособие для студ. Высш. Учеб. Заведений. –Москва: Издательский центр “Академия”, 2001. –С.95.

<sup>118</sup>Лотман. Ю.М. Семиосфера.- СПб.:”Искусство СПб”, 2000. –С.241.

<sup>119</sup> Байбурин А.К. Семиотические аспекты функционирования вещей// Этнографическое изучение знаков средств культуры. –Ленинград: Наука, 1989. –С.72.

Рамзлар образлилиги, мотивлашганлиги, кўп маънолиги билан тавсифланади. Ижтимоий мулоқот тизимида муайян объектлар, масалан, предмет, ҳаракат, ҳодиса, матн, тасвир, ҳайвон, ўсимлик, ранг, рақам ва ҳ.к. рамз бўлиб хизмат қилади. Рамзлар моддий (буюм, предмет), тушунчавий, сўзли, тасвирий ва овозли бўлиши мумкин. Умуман олганда, рамзлар қадриятлар мажмуидир.<sup>120</sup>

Инсоният ҳар куни ўз нутқида иборалардан фойдаланади, чунки улар фикримизнинг таъсирчанлигини оширади ва ёрқинлик бахш этади. Иборалар тадқиқот учун қизиқарли объект ҳисобланиб, тилнинг ва айнан халқ маданиятининг ажралмас бўлаги бўлиб хизмат қилади. Улар нутқни бойитади ва сўзловчининг характер хусусиятини, мақсадини айнан етказиб бериш учун хизмат қилади. Айнан иборалар ҳар бир миллат учун ноёб ва нодир ҳодиса ҳисобланиб, уларда халқнинг миллий-маданий омиллари, ўзига хос ментал кўринишлари ўз аксини топади.

Менталлик миллий характернинг интеллектуал, маънавий ва ирода хусусиятларини ўзида бирлаштирадиган, она тили категориялари ва шаклларидаги дунёқарашнинг кўринишидир. Менталликнинг бирлиги мазкур маданиятнинг концепти ҳисобланади. А.Я.Гуревич: “Менталлик дунёни кўриш йўли, у ғоя билан ўхшаш эмас, менталлик фалсафий, илмий ёки эстетик тизимлар эмас, у фикр эмоциясидан қисмларга ажралмаган жамият тафаккури манбасидир”, дейди. Халқ менталлиги тилнинг муҳим концептларида долзарблашади.

Менталитет – (нем. *mentalitat* < lot.*mens. mentis* – ақл-идрок) жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маданий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитлардаги ақлий қобилияти, руҳий қуввати. Менталитет – халқ менталлигини, ундаги ақлий ва руҳий қувватнинг ички тузилишини ва дифференциясини акс эттирадиган категория. Илмий адабиётларда қайд қилинишича, (Ю.Д.Апресян, Е.С.Яковлева,

---

<sup>120</sup>Усманова.Ш. Лингвокультурология. –Тошкент, 2019. –Б.141.

О.А.Корнилов), *менталитет* термини остида ижтимоий-маданий, лисоний географик ва бошқа омилларга боғлиқ бўлган чуқур ақлий тузилиш тушунилади. Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний эътиқод ва иримларини ҳам қамраб олади.<sup>121</sup>

“Агар рамз атамасининг тарихига мурожаат этадиган бўлсак, қадимги юнонлар *Symbol*, яъни айрим одамларнинг ўзаро бир-бирларини таниб олиш учун зарур бўлган шартли ҳаракатлари, белги ва ишоралари, муайян предметларни қўллашлари маъносини англатувчи сўздан фойдаланганликлари аён бўлади. Шу нуқтаи назардан қаралса, қадимги аждодларимиз икки хил асосдаги рамзларга кўпроқ мурожаат этганликларини англаб етамиз. Биринчиси – нарса рамз, иккинчиси – ранг рамз. Ушбу рамзларнинг қайси бири қадимий деган савол туғилиши табиий. Мантиқан ёндашилса, нарса рамз қадимийроққа ўхшайди. Аммо жиддийроқ ёндашилса, ибтидоий инсон ҳам у ёки бу рамз асосидан нарсанинг моҳиятини тўла тушуниб олган пайтда энг аввало, унинг рангини илғаб олган. Турли рангдаги нарсалардан фойда ва зарар кўришига қараб, улар бир рангни яхшилик тимсоли сифатида қабул қилсалар, бошқа бир рангни ёвузлик рамзи сифатида қабул қилганлар”<sup>122</sup>. Бизнинг ўйлашимизча, рангларни қай йўсинда қабул қилиш диний фаразлардан ҳам келиб чиққан бўлиши мумкин.

Маданиятни ўрганишда ранг катта аҳамиятга эга. У таъсирчанликни оширувчи восита бўлиб, тил ва ижтимоий амалиётда мустаҳкамланган, турли омиллар билан бойитилган воситадир<sup>123</sup>. Турли маданият вакиллари ўз урф-одатларига кўра рангларни яхшилик ва ёмонлик рамзларига ажратадилар. Жумладан, Б.Берлин ва П.Кайларнинг гипотезасига кўра, барча тилларда *оқ* ва *қора* рангларни англатувчи атамалар мавжуд. Ранг

<sup>121</sup>Усмонова Ш. Лингвокультурология. –Тошкент, 2019. –Б.43

<sup>122</sup>Мадаев О., Собитова Т. Халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент: Шарқ, 2010. –Б.20.

<sup>123</sup>Бегизова М. Подходы к изучению слов цветообозначения. Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар. –Тошкент, 2013. – Б.203.

ифодаловчилар энг кичик миқдори эса – иккита. Олимлар ранг ифодаловчи сўзларнинг асосий ривожланиш схемасини ишлаб чиқишган: аввало оқ ва қора ранглари ифодаловчи номлар, сўнг уларга қизил рангини ифода этувчи номлар, кейин яшил ва сариқ, ундан сўнг эса кўк ва охирида жигар рангини ифода этувчи номлар қўшилган<sup>124</sup>. Бу – ранглар пайдо бўлиши ва ривожланиши барча тиллар учун универсал схемадир.

Этнограф Виктор Тернер ранг рамзлар илғаб олиниш жиҳатидан анча қадимий эканлигини кўрсатиб берган. Унинг аниқлашича, қадимги инсон уч: дастлаб оқ, қора, қизил ранглар билан боғлиқ рамзларни кашф этган бўлса, кейинчалик у аста-секин бу учликка яшил, кўк, сариқ ва бошқа ранглар билан алоқадор рамзларни киритган<sup>125</sup>.

Шарқ ва Ўрта Осиё маданиятида баъзан *қора* ранг улуғворлик, буюклик рамзи сифатида талқин қилинган. Академик шоир Ғафур Ғулом Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонини тўлиқ шарҳ билан нашрга тайёрлашда Ҳоқон фарзандли бўлган куни мамлакатдаги ҳамма деворларни қора рангли ипак матолар билан безаш буйруғини берганини айтади. Навоий яшаган пайтда қора ранг буюклик, улуғлик рамзи ҳисобланган<sup>126</sup>.

М.Абдурахимовнинг луғатида ҳам қора ранг билан боғлиқ иборалар мавжуд бўлиб, уларни ўқувчига янада тушинарли бўлиши учун асарлардан парчалар келтирилган. Келтирилган ушбу мисоллардан миллийликка оид тушунчани енгил ҳосил қилиш, миллий ҳаёт тарзи ҳақида маълумот олиш мумкин: *Қора пўстакдан бурга қидириши қийин. - В тёмной овчине трудно отыскать блоху.*

– Қишлоқдан-ку бадарғаман, чумчукдек жоним билан шаҳарга тушиб кетсам, қора пўстакдан бурга қидириш қийин дегандай, шаҳардан мени ким ҳам топиб ола қолади? – деди, Шум бола. (Ғ. Ғулом, Шум бола.)

---

<sup>124</sup>Berlin.V.Kay.P.Basic colour terms: their universality and evolution. Berkeley: University of California Press.1969.

<sup>125</sup>Тернер В. Символ и ритуал. –Москва: Наука, 1983.

<sup>126</sup>Мадаев О., Собитова Т. Халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент, Шарқ, 2010. –Б.21.

*Ораларидан қора мушук ўтиб қолди. – Между ними чёрный кот (дорогу) перешёл.*

Нима бало бўлди-ю қайнона билан куёвнинг ораларидан қора мушук ўтиб қолди. (“ Табассум”, тўплам.)

*Қоқ ер, қора шифт. – Букв: чёрный пол (твёрдый), чёрный потолок (т. е. всё голо, ничего нет в доме)<sup>127</sup>.*

*Ҳикматилла уйга келса, нимани кўрсатаман, қоқ ер, қора шифтними? (С.Анорбоев. Оқсой) [ЎТИЛ.V.346]*

Рангларни ўрганиш жараёнида хоҳлаймизми, йўқми бу ранг ҳақидаги диний тушунчаларга ҳам аҳамият беришимизга тўғри келади. Б.А.Базыма “Цвет и психика” (“Ранг ва руҳият”) асарида ислом ва христианликда ранг тушунчаларининг рамзий тарафига алоҳида урғу беради. Ислом давлатларида ранглар белгиси жуда юқори ривожланган бўлиб, кўп маъноли ҳисобланади ҳамда Қадимий Шарқ ва Ғарб давлатларининг таъсири билиниб туради. Шунинг билан бирга, Ислом динининг ранг белгиларида ўзига хослик кўпдир. Ислом динида тирик жонлар (одамлар, ҳайвонлар в.б.нинг) тасвирини тушириш ман қилиниши сабабли, ранглар тасаввур қилиш ифодасининг асосий бўғини бўлиб қолади. Рангли палак ва гиламлардаги тасвирлар ўзида рамзлар тизимини акс этганки, улар мусулмонларнинг ер ва осмон ҳақидаги тасаввурини ёритиб берган.

“Христианликнинг ранглардаги белгилари (символлари)” рукнида эса Б.А.Базыма “...христиан динининг асосларига кўра: Худо дунё ва борликни ҳамда ёруғлик ва рангларни яратди, шунинг учун ёруғлик ва рангларни илоҳийлаштириб, уларни унинг кўриниши деб кўрсатади, лекин ранглар алдовчи бўлиши ҳам мумкинлигини (уларнинг иблисга тааллуқлигини) эътироф этади. Рангларни Оллоҳ билан тенглаштириш адашиш ва гуноҳ деб уқтиради. Бизнинг фикримизча, илоҳий кучлар билан ранглар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик мавжуд эмас. Илоҳийликка ички,

<sup>127</sup>Абдурахимов М. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б. 165.

трансцендент кузатиш билан етишмоқ мумкин, бунга ташқи кўринишнинг аҳамияти йўқ.

“Қора” мусулмон рамзлари ичида унчалик ҳам салбий маънода қўлланилмаган. Соя, тун, қоронғуликни ёруғлик тўлдириб турган. Каъбанинг муқаддас тоши қора рангда. Қора яна тупроқ, ер рангидир. Шу билан бирга, унда ёмонлик белгилари ҳам сақланиб қолган. Ифлослик, гуноҳ ва қора ишлар рамзидир у<sup>128</sup>. Қора компонентли фразеологизмлар нутқ жараёнида жуда кўп учрайди, лекин кўп ҳолатларда ижобийдан кўра салбий маънода ишлатилади. Лекин Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати”да *қора* компонентли фразеологизмлар белги, тур маъноларида қўлланишига гувоҳ бўламиз. Уларга қуйидагича изоҳ берилган: “*Қора(си)ни кўрсатмаслик*” – “кимнингдир кўзига ҳеч кўринмаслик” маъносида қўлланилади: *Фафур эртасига ҳам ишга чиқмади. Учинчи кун иш қорасини кўрсатмади.* (Ш.Рашидов. Бўрондан кучли [ЎТИЛ.V.349])

“*Қораси ўчди*” – “узоклашиб, кўринмай кетмоқ” маъносида ишлатилади: *Ҳожи холанинг қораси ўчгандан кейин Дилишод томга қичқирди.* (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча)

“*Қора терга ботмоқ*”, “*қора терга тушмоқ*” иборалари “ҳаддан ташқари зўр бериш натижасида мўл-кўл терламоқ” маъноларини беради: *Биз бу ерда кечани кеча, кундузни кундуз демай қора терга ботиб ишлаймиз!* (А.Мухтор. Опа-сингиллар [ЎТИЛ.V.349]) Фразеологизмлардаги қора компонентининг салбий маънода қўлланилиш ҳолатларини кейинги фаслимизда кўриб чиқамиз.

Оқ ранг – деярли барча халқлар лафзида поклик, софлик, эзгулик, ёруғлик, ростгўйлик каби рамзий маъноларни билдиради. Ўзбек маданиятида оқ ранг покизалик, мусаффолик, эзгулик рамзи саналади. Масалан, *оқлик, оқ ўрар, она сунидек оқ, оқ от, келинларнинг оқ либос кийишлари.* Оқ тусга мойил, тиниқ юз, бадан тусини билдириш учун ҳам оқ

---

<sup>128</sup>Базыма Б.А. Психология цвета. Теория и практика. –Москва: Из-во Речь, 2007. –С. 208.

ранги қўлланади: *оқбадан, оқтанли, оқюзли*. Қўлини совуқ сувга урмайдиган, фақат ўзига оро берадиган аёлларга нисбатан “*оқбилак*” ибораси қўлланади<sup>129</sup>. Бу иборадаги *оқ* сўзи ранг-тус маъносидан чекланади.

Умуман олганда, ўзбеклар *оқ* ранг билан боғлиқ иборалардан фаол фойдаланади: *оққўнгил; оқи оқ – қизили қизил*<sup>130</sup>; *оқ қилмоқ; оқ ювиб, оқ тарамоқ; оқпадар; оқ-қорани таниган; кўзининг оқу қораси; манглайи оқ бўлсин; оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ; косаси оқармаган; оқ-қорани танимоқ, оқ туя кўрдингми – йуқ, кўк туя кўрдингми – йўқ* ва ҳ.к.<sup>131</sup> *Бизнинг мақсадимиз – кишиларга онг, тушунча бермоқ, токи ҳар бир киши яхшилик ва ёмонликни, оқу қорани ўзи ажрата оладиган бўлсин! – деди Элмурод.* (П.Турсун [ЎТИЛ.Ш.240])

Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғидаги ранглардан бири ҳам *оқ* ранг – тинчлик ва поклик тимсолидир. Ёш, мустақил давлат ўз йўлида баланд довлонлардан ошиб ўтиши керак. Байроқдаги *оқ* ранг халқимиз танлаган йўлнинг мусаффо ва чароғон бўлиши учун яхши ният рамзидир.

Кўпчилик ранг номлари тўғридан-тўғри ёруғлик билан боғлиқдир. Рус тилидаги “Багряница” (“багряный” – қизил) сўзи “*оқ*” сўзи орқали изоҳланади. “Белка” (олмахон) – шимолий ўлкаларда унинг ранги *оқ* рангга яқин бўлгани учун эмас, *оқ* ва сариқ бир хил рангда тасаввур қилингани учун шундай дейилади. Халқ маданияти тасаввурида *кун* сўзининг иккита маъноси бор – қизил ва *оқ*. Бу ранглар маълум бўлишича, бошида бир хил рангда эканлиги Ярилага – қуёш ва олов Худосига бориб тақалади.

Биз нутқимизда фразеологизмлардан фаол фойдаланамиз, аммо уларнинг келиб чиқиши ҳақида ҳар доим ҳам тасаввурга эга бўлавермаймиз. Этимология бу борада нафақат мўжизавий, балки зарурий фан ҳам саналади. Сўзларнинг келиб чиқиши, уларнинг тўғри ёзилиши ва

<sup>129</sup>Усманова Ш. Лингвокультурология. –Тошкент, 2019. –Б.162

<sup>130</sup>Абдурахимов М. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б. 99

<sup>131</sup>.Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978. –Б. 197-198.

тўғри ишлатилишига боғлиқ бўлган жараён этимологияда ўрганилади. Айтиш лозимки, ҳамма вақт ҳам фразеологик бирикманинг яратилиши ҳақида билавермаймиз, бунинг учун махсус луғатлар мавжуд. Қуйида айрим рус ибораларининг келиб чиқиш тарихи билан қизиқиб кўрамиз: ”*довести до белого каления*” – таржимаси: “*оқаргунча қиздирмоқ*”, мазмуни “ўзини идора қилолмаслик даражасига келтириш”; темирчи металлдан бирор нарса яшаш учун аввало уни оловда яхшилаб қиздириши зарур. Металл биринчи қизил тусга киради, кейин сарғиш, охири у оқаради ва эгилувчан бўлиб қолади. Бирикма кўчма маъно ҳосил қилиб, инсон ўзини идора қилолмайдиган даражага келиб қолишлик ҳолатига нисбатан ишлатилган. Хатолик: айтилиши нотўғрилигидан, “каление” – қиздириш, вақт ўтиб, “колени?” – *тизза* сўзига айланиб қолган.

Оқ ва қизил ранглар гўзаллик рамзи бўлиб, оқ ранг яна муҳаббат рамзи ҳамдир. ”Оқ ювмоқ” ибораси “севмоқ, меҳр бермоқ” маъносини англатади. *Роҳила хола Шоҳрухни ўз фарзандидай оқ ювиб, оқ тараб ўстирди.* (Ёшлик) *Қизил* бу нафақат чиройли, балки яна ёрқин олов билан боғлиқдир<sup>132</sup>.

Оқ ранг ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам меҳрибонлик, поклик рамзи бўлиб келган: *оқ йўл* – в добрый путь, *оқкўнгил* – добрая душа, *оқи-оқ, қизил-қизил* – белое-бело, красное-красно. Диний урф-одатларимизда ҳам бу ранг ҳалоллик рамзи ҳисобланади. Исломда *оқ* ранг тозалик ва маърифатни билдирган. ”Минг бир кеча”даги қизлар баҳсида у ҳақида “рангларнинг энг яхшиси” деб айтилади.

Оқ ранг ҳозирда ҳам илоҳийлик, тозалик ва руҳан бойликнинг рамзи (символи) деб ҳисобланиб келинмоқда: осмондаги оқ кийимдаги фаришталар, авлиёлар каби. Оқ ранг тозалик ва бокиралик, гуноҳлардан тозаланиш белгиси эканлиги Иоаннинг “Откравение” (Иқроп бўлиш) асарида ҳам таъкидланган. Оқ ранг христианликда ҳеч қачон салбий

---

<sup>132</sup>Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – Москва: Изд. Центр “Академия”, 2001. –С. 105.



маънода ишлатилмаган, хатто оқ саван (кафан) ҳам ибтидоий халқларда ўзга, ”чин” дунёга ўтиш, гуноҳлардан озод бўлиш маъносида ишлатилган. Бу ҳолатда ушбу ранг “мотам” маъносини берган<sup>133</sup>.

Шу билан бирга, оқ ранг тимсолида фақат ўзбек тилига хос бўлган аломатларни кўришимиз мумкинки, рус тилида улар ёрқин ифодаланмаган дейди Еремян А.М. Оқ ранг ўзбек тилида “*бўш, нимадандир маҳрум бўлган*”, “*яхши хислатлардан йироқ*” тушунчаларини ҳам бера олган<sup>134</sup>, масалан, *Оқ қилмоқ, оқ қилинган* – лишённий от всего; *Оқ туя кўрдингми* – *йўқ, кўк туя кўрдингми* – *йўқ* – отрицать увиденное; *Оқ-қорани ажратмоқ* – различать хорошее от плохого.

И.В.Федосов ва А.Н.Липицкийларнинг “Фразеологический словарь русского языка” лугатида “оқ” компонентли иборалар ўзбек тилидагисидан семантик жиҳатдан анча фарқ қилишига гувоҳ бўламиз: “*белая ворона*” – бошқалардан фарқли шахс; “*белая кость*” – оқ суяк; “*белое пятно*” – оқ доғ, тушунарсиз нарса; “*невидеть света белого*” – ёруғ дунёни кўрмаслик; “*дела, как сажка бела*” – ишлар пачава; “*белые мухи*” – эриниб ёғаётган қор парчалари намунаси; “*белыми нитками шито*” – бекитиб бўлмайдиган нуқсон<sup>135</sup>.

А.Базарбаеванинг тахминича, табиатан оқ ва қора – кун ва туннинг белгиси сифатида намоён бўлади. “Қора” зулматни билдирса, “оқ” нурафшонлик символикасидир<sup>136</sup>.

“Оқ” лексемаси предметнинг ранг-тусини, белгисини билдириши билан фразема таркибида иштирок этиб, бошқа окказионал маъноларни ҳам ифода этади. *Оқ* лексемаси, асосан, от туркумига тегишли сўзлар билан бирикиб, турли маъноли фраземаларни шакллантиради. “*Оқ кўнгил*” фраземаси таркибида *оқ* лексемаси *покиза, безубор* семаси қатнашиб,

<sup>133</sup>Базыма Б.А. Психология цвета. Теория и практика. –Москва: Из-во Речь, 2007. –С. 208.

<sup>134</sup>Еремян А.М. Фразеологические единицы и проблема их перевода. –Москва: Из-во “Научно-инновационный центр”, 2010 Ч.4-№2(08). –С. 11.

<sup>135</sup>Федосов. И.В., Липицкий.А.Н. Фразеологический словарь русского языка. –М.: Юнвест, 2003. –С. 299.

<sup>136</sup>Базарбаева А. Прототипы цветообозначений в разных языках. Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар. –Тошкент, 2003. –Б.13.

шахсининг яхши ниятли, бошқаларга ёмонликни раво кўрмайдиган, тўғрилиқ, ёмонликни билмаслик маъноларини шакллантиришда таянч компонент бўлади.

Ўзбек халқи оқ рангга яхшилик тимсоли сифатида қарайди. Шу асосда мазкур лексема ёрдамида, асосан, ижобий маъноли фраземалар шаклланган: “оқ кўнгил”, “оқ сувоқ”, “оқ йўл”, “оқ ният”, “оқ пешона”, “оқ фотиҳа” ва бошқалар. Мисоллардан сифат лексемаларнинг кўпинча от лексемалар билан боғлашувга киришганлиги аён бўлмоқда.

“Оқ” компоненти қатнашган фразеологизмлар таркибида от ва феъллар ҳам иштирок этиб, феъл фраземалар ҳосил қилинганлигини қуйидаги мисоллар тасдиқлайди: “оқ билан қорани ажратмоқ” – яхшини ёмондан, фойдани зарардан фарқламоқ; “оқ билан қорани билмоқ”; “оқ йўл” – сафарга чиқаётган шахсга нисбатан яхши ният билдириш; “оқни оққа, қорани қорага ажратмоқ” – яхшини яхши деб, ёмонни ёмон деб кўрсатмоқ; “оқни оқ, қорани қора демоқ” – ҳақиқатни айтмоқ маъноли фраземалар таркибида эса оқ лексемаси “пок”, “тўғрилиқ”, “адолат” семаларида иштирок этиб, фраземалар маъносини шакллантиришда таянч компонент вазифасида қатнашади<sup>137</sup>.

Рус фразеологиясини ўрганиш жараёнида Н.Ахмедова “Семантика и философия цвета в тюркской мифологии” мақоласида “оқ” рангни (*идеал*) мукамал, “орзу ранги” ҳисобланишини таъкидлайди. Бу покизалиқ, беғуборлик, тоза эътиқод, кўнгилчанлик, соғлиқ рамзи ва ҳақиқат белгисидир<sup>138</sup>, дейди у. “Белая кость” – келиб чиқиши оқсуяк бўлган (кўпинча дворян) инсон: *Тонкое сукно сюртуков, белизна воротничков и манишек, выхоленные лица – все свидетельствовало, что это люди белой кости.*(Серофимович.Опять посетители)<sup>139</sup> *Уст кийими нозик матоданлиги, кўйлагининг ёқаси ва кўкрак қисми тоза-озодалиги, юз*

<sup>137</sup> Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. –Тошкент: Наврўз, 2019. –Б.154.

<sup>138</sup> Ахмедова Н. Семантика и философия цвета в тюркской мифологии. Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвوماданиятшунослиқ ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар. –Тошкент, 2003. –Б.15.

<sup>139</sup> Жуков В.П. Школьный фразеологический словарь русского языка. –Москва: Просвещение, 1980. –С.7.

*тузилиши – барчаси оқсуяклигидан далолат берарди.* (таржималар бизники)

Шахс характеридаги одоб-ахлоқ, ижобий сифатларни, хурсандлик, мамнунлик ҳолатини, халқнинг покиза, беғубор ниятини кўрсатиш мақсадида ҳамда ҳалоллик каби ижобий хислатларни ифодалаш учун ҳам оқ лексемасидан фойдаланилади<sup>140</sup>.

*Оқиш* ранг гўзаллик тимсолида ишлатилиб, ”оқ” сўзи “баҳо бериш” “яхши, чиройли” маъноларида таърифланади. Бу сўз (“ярый”, ”яркий”) ”ёруғ”, ”равшан” сўзлари билан бир қаторда туриб, ўз навбатида славян мифологиясидаги ёруғлик ва олов худоси билан боғлиқ.<sup>141</sup>

Рангларни қабул қилиш ва алоҳида рамзий хусусиятларини компонент сифатида ўрганилиши ҳамма вақт миллий характерга эга бўлган. А.Ахматов аёл гўзаллигини тавсифлар экан, оқ рангга алоқадор рамзий тарафини кўриб чиқади: ”Ёш, суюкли ёр тасвирланганда, жуда кўп ҳолларда “*белая лебедь*”, (оққуш), ”*белый сокол*” (оқ лочин, бу ерда хусусияти олинган), ”*белый зайчик*” (оқ қуёнча) иборалари ишлатилади. Ёр жамоли ва назокати тасвири қуйидаги иборалар орқали тасвирланган: ”*светлый месяц*” (ёрқин ой), ”*свет утренней зари*” (нурли тонг ёғдуси), ”*белый снег*”<sup>142</sup> (оппоқ қор)

Рус халқида бу ранглар қадимдан қуйидагича таърифланган: оқ– олийжаноблик ва оққўнгиллик, кўк ранг – ишонч, ҳалоллик, нуқсонсизлик ва софлик; қизил – жасурлик, мардлик олийҳимматлилик ва муҳаббат рамзидир. Бу рус халқининг байроғида ҳам намоён бўлади. Ҳатто Православ черковида подшоҳ ҳукмдорлиги даврида бу учликнинг изоҳи қуйидагича эди: оқ ранг – Православ эътиқоди рамзи, кўк ранг – подшоҳ ҳукмдорлиги рамзи, қизил – рус халқи рамзи. Жамият онгида бу уч тушунча рамзий маънода бир бутунликни акс эттирган: Ишонч, Подшо ва Она юрт! Сиёсий тарафдан: “Мустабид ҳокимият, Православ,

<sup>140</sup> Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент тахлили.10.02.02 – ўзбек тили. Филол. Фан. ном...дисс. –Тошкент, 2008. –Б.61.

<sup>141</sup> Базыма Б.А. Психология цвета. Теория и практика. –Москва: Из-во Речь, 2007. –С. 208.

<sup>142</sup> Ахметов З.А. О языке казахской поэзии. –Алма-ата: Из-во “Мектеп”, 1970. –С. 43.

Халқчиллик”. Бундан ташқари, кўп ҳолатда байроқнинг уч рангига қаратила, шундай фикр ўйғонган: “Вера, Надежда, Любовь” – ”Ишонч, Умид ва Муҳаббат!”

“*Тилла (Сариқ)*” ранг шон-шуҳрат, муваффақият, бойлик ва байрам рамзидир. Умар Хайём бу рангни даволовчи деб, таърифлаган<sup>143</sup>. *Сариқ* ранг ўзига жалб қилувчи, хотирада сақланувчи, асабни рағбатлантирувчи асосий омиллардан биридир. Бу ранг ишонч ва умид рамзи ҳисобланади<sup>144</sup>.

Кўриниб турибдики, рус тилидаги сариқ компонентли фразеологизмлар, ўзбек фразеологизмларидан семантик жиҳатдан анча фарқ қилади, сариқ ранги символикаси ҳам олимлар наздида турлича фикрлар ўйғотган.

Инсоният ҳаётида муҳим ўринни эгаллаб келган ранглардан бири – “*қизил*” рангдир. Бу ҳар бир тирик жоннинг қон томирида уриб турган ҳаёт куч, ҳаёт рамзи, тириклик тимсоли ҳамдир.

“*Қизил*“ мусулмон халқларида бошқа рангларга қараганда кўп маъноли эмас. Бу ранг илоҳий ранг ҳисобланиб, ҳаёт кучларга эга ҳисобланган. Шунинг учун қизил рангдаги тошлар, масалан, ёқут, жуда юқори баҳоланган. Қизил рангдаги қимматбаҳо тошлар ўз эгаларига куч, шижоат ва жасурликни тақдим этади деб тушунилган. *Қизил* рангнинг илоҳийлигига шунчалик ишонилганки, бу рангни ёш болалар ва ҳайвонларга кўрсатиш ман этилган, уларни бу қўрқитиб юбориши мумкин деб ҳисобланган. Мусулмон адабиётида қизил рамзий тушунчалар кўп бора учраган. Масалан, “*қизил атиргул*” эҳтиросли севги рамзини билдирган.

Рус тилида *красный* (қизил) ва *красивый* (чиройли) сўзлари бир ўзақдан ҳосил бўлгани учун ҳам қизил ранг ижобий маъно касб этади.

<sup>143</sup>Базыма Б.А. Психология цвета. Теория и практика. –Москва: Из-во Речь, 2007. –С. 208.

<sup>144</sup>Бегизова М. Подходы к изучению слов цветообозначения. Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвистиканинг тилшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар. –Тошкент, 2013. – Б.203.

Масалан, *Красная площадь* – Қизил майдон ва *красная девица* – гўзал қиз; *ёки красные дни* – муваффақиятли пайтлар, яхши давр<sup>145</sup>.

Қадимдан рус хонадонида “қизил бурчак” ташкил этилиб, унга ҳурмат ва эъзоз билан қаралган. Фахрий бурчакда сиғиниш учун иконалар (бутлар) жойлаштирилган. ”*Красный угол*” ибораси айнан ментал иборалардан биридир<sup>146</sup>. Диний тарафдан қаралса, христианлар қизил ранг одамларни қутқариш ва уларга бўлган муҳаббат йўлида тўкилган қон белгиси деб тушунилган.

Ўзбек тилида қизил рангининг қуйидаги маънолари мавжуд:

1) ”хурсандчилик” маъноси: *Бошингга санчилган қизил гул бўлсин, Мендай ойим жиловингга қул бўлсин;*

2) ”гўзаллик” маъноси: *Куймасин ҳеч кимнинг кулба хонаси, Ўртанмасин қизил гулдай танаси;*

3) ”ёр, ошуқа” маъноси: *Богбон бўлмай, қизил гулни терасан, Лолазор, баҳрли ерда юрасан;*

4) “мавжудлик”, “тириклик” маъноси: *Қизил юзим гарибликда саргайиб, Ўлигим менинг бесоҳиб; Очилганда қизил гунча сўлмасин, Дунёда мард киши ҳеч бир ўлмасин;*

5) “мутлақо”, “ўтакетган”, “ғирт” “маъноси”: *Равшанбек шу ерда қип-қизил тентакка чиқиб қолди*<sup>147</sup>.

Қайд этилган маънолар билан бирга қизил ранг ёшлиқ, навқиронлик маъноларини ҳам ифодалайди: *Бекнинг оти пўлат сўлиқ чайнади, Қизил кийиб гулдай бўлиб жайнади*<sup>148</sup>.

“Қизил” ранг ўзбек тилидаги ибораларда қуйидагича: “Қора қозонидан олиб, қизил қозонига қуймоқ”, “Қизилни кўрса, Хизр ҳам йўлдан оғади”, “Оқи оқ, қизили қизил”: *–Ҳа, яна бир гап, кеча Раҳима отиннинг маъракасига борувдим, шу ерда эшитдимки, Лутфилла*

<sup>145</sup>Усманова Ш. Лингвокультурология. –Тошкент, 2019. –Б. 162.

<sup>146</sup>В. Федосов, А.Н. Липицкий. Фразеологический словарь русского языка. –Москва: Юнвест, 2003. –С. 237

<sup>147</sup>Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни. Тадқиқотлар. 2-китоб. –Тошкент: Фан, 1971. –Б. 124; 233.

<sup>148</sup>Усманова Ш. Лингвокультурология. –Тошкент, 2019. –Б. 163.

*эшоннинг кичик қизи ўн учдан ўн тўртга қадам қўйиб, нақ оқи-оққа, қизили-қизилга ажралиб, бир чиройли қиз бўлган эмиш..(Ҳ.Ҳақимзода. Бой ила хизматчи).<sup>149</sup>.*

“Кўк” ранг – тинчлик, мусаффо осмонни тасвирлайди. Тиниқ осмон рангидаги мовий, зангори, умуман олганда, кўк тусига мос бир қанча ўхшаш ранглар ҳам кўк дейилади. Ўзбек лингвомаданиятида кўк рангнинг рамзий маънодаги қўлланиш доираси анча кенг эканлигини кузатиш мумкин. Жумладан, “Яшил, сабза, кўк ўт” маъносида: *Қаршимда тебранар кўк ранглар ҳар он; “майса, кўкат” маъносида: Ёмғирлар ёғиб, ерда ўт-ўлан кўрина бошлади, ҳайвонларнинг оғзи кўкка тегди; “резавор ўсимлик” маъносида: Кўк солиб қатиқланган маставанинг лаззатли ҳиди келди. Жонли сўзлашувда баъзан кулранг ўрнига кўк ранг қўлланилганини кўриш мумкин: кўк бўри, кўк каптар. Сўзлашув нутқида кўк сўзи жаргон сифатида “АҚШ доллари” маъносида ҳам ишлатилади: *Бир пачка кўки билан қўлга тушибди, иши чатоқ.**

Яна бу ранг жасоратга ундовчи рамзий маънони – “кўк кирсин, қизил чиқсин” – қадимда жангга отланган йигитларга ота-боболаримиз уларнинг қўлларига қилич, найза тутқазиб: ”...Сен буни душман кўксига санч, токи кўк кирсину, қизил чиқсин! (яъни,қонга беланиб чиқсин)” деб<sup>150</sup>, ундашган экан.

“Яшил” ранг – қатор маданиятларда янгиланиш, баҳор, барҳаётликни ифодалайди. *Яшил* ранг – сернеъмат ва оромбахш табиат тимсоли. Ҳозирги вақтда бутун дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракатлари кенг ёйилмоқда; унинг рамзи ҳам яшил рангдир.

“Яшил” ранг – ёшлик, умидни англатиш билан бирга, ёш, тажрибасиз кишиларга нисбатан ҳам қўлланилади. Қатор ислом давлатларининг байроғида яшил ранг мусулмонликни тамсил этади. Айрим маданиятларда *яшил* бахтсизликни ҳам ифодалайди. Масалан,

<sup>149</sup>Ш. Шомаксудов, Ш. Шораҳмедов. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б. 411

<sup>150</sup>Шомаксудов Ш.,Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б.192)

айрим иримларга кўра, келиннинг сепига бирон яшил рангли нарса кириб қолса, унинг албатта, бахтсизлик келтиришига ишонил мумкин<sup>151</sup>.

Руслар бу ранг инсон психологиясини тинчлантириши билан бирга, кўзни равшанлантиради деб, мушоҳада қилишади, бу оддий ҳолат деб ўйлашади. Бу рангга муҳаббат инсонларда қатъийликни ва меҳнатсеварликни ўйғотишига ишонадилар<sup>152</sup>.

”Зелёный” сифати ва “яшил” аналоги бирламчи “хомлик”, “етилмаганлик” маъноларида қўлланилади. Бу феномен кўп ҳолатда тажрибасизликни билдиради: ”зелёный юнец”. Ўзбек тилида айнан рангни англатади: ”яшил ҳудуд”. Рус ибораларида *яшил* символикаси тез-тез кўзга ташланади: ”давать зелёную улицу” – тўсиқларни бартараф этиш, очиқ, равон йўл кўрсатиш; ”в глазах зеленеет” – чарчоқ ва ҳолсизлик ҳолати; ”зелёная скука” (или тоска) – жуда зеркиб кетиш; ”зелёная улица” – имкониятларга йўл очиш; ”зелёный змий” – алкоголь; ”ёлки зелёные” – бирор бир жуда ғазаблантирувчи ёки ажаблантирувчи ҳолат<sup>153</sup> – фразеологик бирликлари таажжубланиш маъноларида ишлатилади. ”Зелёный театр” фразеологизми эса “ёзги театр” маъносида келадики, бу фақат рус миллатига оид бирикмадир<sup>154</sup>.

Б.А.Базыма “Цвет и психика” (ранг ва руҳият) номли илмий асарида ҳар бир рангни христианлик ва исломий тарафдан таърифлаган. У *яшил* рангни қадимдан улуғ ва илоҳий ранг деб, ҳисобланганлигини ва Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) нинг рамзи – яшил, чунки байроғи шу рангда бўлганини эслатиб ўтади. *Яшил* ранг гуллаган водийларни, яшил табиатни, ҳаёт ва роҳатни англатган. *Яшил* рангдаги тошлар ҳаёт барқарорлигини, бахт ва ишдаги муваффақиятлар рамзи бўлган. *Яшил*

<sup>151</sup>Ш.Усманова. Лингвокультурология. –Тошкент, 2019.–Б-164

<sup>152</sup>М. Бегизова. Подходы к изучению слов цветообозначения. Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар. –Тошкент, 2013. – Б.203.

<sup>153</sup>И.В.Федосов, А.Н.Липицкий. Фразеологический словарь русского языка. –Москва: Юнвест, 2003. –С. 188)

<sup>154</sup>Содиқова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. –Тошкент: Фан, 1972. –С.84.

рангли қимматбаҳо тошлар мусулмонларга бошқаларидан кўпроқ ёккан. Жуда кўп ҳолатда ранг ифодалари рамз бўлиб келиши мумкин.

*Яшил* ранг ёруғликка яқин (қариндош), лекин у ёшликни билдиради (ёш ва ғўр). Ушбу ранг яна гўзаллик, шодиёналик рамзи, (баҳор ёруғ, ялтироқ ва қувноқ фаслдир), чунки “қувноқ” ва “баҳор” сўзлари яқин жаранглайди, чунки улар бир-бирига қондошдир. А.А.Потебнянинг таъкидлашича, “*яшил*” – қувноқлик белгисидир<sup>155</sup>. Шундай қилиб, рангни билдирувчи сифат тасвирловчи эпитетдан баҳоловчига ўтади. Кўп тадқиқотларда олимлар ранглар масаласи устида илмий изланишлар олиб боришган. Ранг ҳақидаги тушунча ва сўз ўртасидаги боғлиқлик ҳар бир миллат вакилида ўзига хосдир. Инсондаги ранглар тили табиатан унинг яшаш тарзига боғлиқ. Ҳар бир ранг ортидан инсонлар маъно кидиришади.

Фразеологизмларни ўрганиш жараёнида алоҳида олинган миллатнинг нафақат тарихий ривожланиши, балки қадриятлари, турмуш тарзи, урф-одати ва фикран ёндошувини тадқиқ қилишимиз мумкин. Рус ва ўзбек тили фразеологизмларини таққослаш орқали рангларнинг рамзий маъноларини қабул қилиш даражасини ўрганиш билан бирга, улардаги айни ментал тушунчани англаб олиш мумкин бўлади.

## **2.2. Ранг компонентли салбий маъноли фразеологик бирликларнинг лингвопрагматикаси**

Фразеологик бирликлар турли тил вакиллариини моддий ва маънавий ҳаётининг баъзи жиҳатларини фарқлаш учун хизмат қилади. Улар турли маданиятга тегишли инсонлар Оламни қандай қабул қилишини англаб етишига ёрдам беради. Рангларни символлаштириш, у ёки бу нарса-ҳодисаларни рамзлаштириш турли миллат вакилида ҳар хил бўлгани учун, ранг компонентли фразеологизмларнинг ўзига хос қизиқиш билан ўрганилиши долзарб масаладир. Битта рангнинг ўзи маълум бир миллатга меҳр ва бахт тушунчасини берса, бошқасида умуман қарама-қарши

---

<sup>155</sup>Потебня А.А. Символ и миф в народной культуре. –Москва: Лабиринт, 2000. –С. 480.



туйғуни ифодалаши мумкин. Тарихий давр ва сиёсий вазиятга қараб бу тушунчалар ҳам ўзгариб туради. Бу энди фақат ўша тил системаси доирасида ўрганилади. Маданий фарқлар хилма-хиллиги тилда ўз аксини топади ва бу бошқа халқ тилшуносларини ҳам ўзига жалб қилади.

Ранглар инсонларнинг нафақат ижобий фикрларини, балки ҳаётдаги барча ходисаларнинг салбий жиҳатларини ҳам очиб берувчи омилдир. Нутқимизда шундай фразеологизмлар борки, улар инсон ички кечинмаларини рангларга кўчириб, барча характер хусусиятларини очиб беришга хизмат қилади. Энг кўп учрайдиган ранглардан *оқ* ва *қора* – ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам ўхшаш маъноларни англатади. ”*Қора*” кўп ҳолатда зулмат, ўлим ва иблис тушунчасини берган: ”*қора пўстакдан бургани қидириш қийин*” – в тёмной овчине трудно отыскать блоху, ”*қора кунга қолдирмоқ*” – оставить на чёрный день, ”*ораларидан қора мушук ўтиб қолди*” – чёрная кошка между ними пробежала, ”*қора кигиз ювган билан оқармас*” – чёрного не отмоешь добела, ”*қора юрак*” – (тёмное) черное сердце, ”*қорасини кўрсатмоқ*” – иногда показываться.

*Қора* ранг турли лингвомаданиятларда ёвузлик, ўлим, тун, ғам-ғусса, қайғуни ифодалайди. *Қора осмон, қора ер, зор, чуқур, қабр, қоронгулик салтанати* мархумлар диёри бўлиб, у ерда қандайдир хавф-хатар, таҳдид яширингандек талқин қилинади. Рус халқи тилида “чёрный” (*қора*) сўзи *эски, қари, ифлос, тугалланмаган, ёруғликдан маҳрум қандайдир нарсани* англатади: “*чёрная старуха*”, “*чёрный ход*”, “*чёрный пол*”, “*черновик*”. Яна *қора* ранг махфийлик – “*қора саҳна*” (орқадан иш қилиш), қонун бузиш, қонунга зид иш қилиш – “*қора бозор*”(ноқонуний йўл билан савдо қилмоқ ва ҳ.к.) сингари рамзий маъноларда қўлланилади<sup>156</sup>.

*Қора* ранг оловдан олиниб, аҳмоқлик ва кўролмаслик, ғам-алам, ўлимни билдириб, ёруғликка қарама-қарши рамз ҳисобланади. Тун ҳам қайғу рамзидир<sup>157</sup>.

<sup>156</sup>Усманова Ш. Лингвокультурология. –Тошкент, 2019. –Б.161.

<sup>157</sup>Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – Москва: Изд.Центр “Академия”, 2001. –С.105.

Тилшуносларимиз *қора* рангини ўз изланишларида қуйидагича таърифлашган: ”*Қора*” лексемаси иштирокида, асосан, салбий маъноли фраземалар шаклланган. Чунки бу ранг-тус ёмонлик тимсоли ҳисобланади. Шунинг учун бу лексема ёрдамида шахснинг салбий характерини ифодаловчи фраземалар шаклланган: *ичи қора, ичи қоралик, кўнгли қора, кўнгли қоралик, юраги қора, қора юрак, қораси ўчди, қора кун, қора юз, қора қиш, қора куч, қора чизик тортмоқ, қора рўзгор* кабилар.

*Қора* лексемаси фраземалар таркибида предметнинг рангини кўрсатмайди, балки кўчма маънода қўлланиб, шахс характеридаги мунофиқлик, ғаламислик, ғийбатчилик, бераҳмлиқ каби салбий хислатларни эмоционал-экспрессив ва образли ифодалашда қўлланади. Масалан, *ичи қора* лексемаси *ич* сўзи билан бирикиб, салбий семада қўлланади. Қуйидаги мисоллар фикримизнинг далидир: “*қора кун*” – азоб, уқубатли, фожиали давр маъноли фразема таркибида *қора* лексемаси *қайғу, қоронғулик* семасида қатнашмоқда; “*қора саҳифа*” – қайғу, фожиали воқеаларни ифодаловчи саҳифалар маъносидаги *қора* фразема таркибида қайғу, фожиа семаси иштирок этади; “*қора либос*” – қайғули кунларда кийиладиган либос маъноли бирикмада *қора* лексемаси *мотам* семасида қўлланилган<sup>158</sup>.

И.В.Федосов ва А.Н.Липицкийларнинг “Фразеологический словарь русского языка” луғатида *қора* компонентли иборалар қуйидаги маънода келтирилган: “*чёрная неблагодарность*” – яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтармоқ; “*на чёрный день*” – ночор кунга захира қилмоқ; “*чёрным по белому написано*” – “жуда аниқ ва тушунарли тарзда кўрсатмоқ”. Ушбу ибораларнинг айнан шу таркибда кўринишини ўзбек тили фразеологик луғатларида учратмаймиз<sup>159</sup>.

Бундан ташқари, қуйидаги русча ибораларда *қора* рангининг айнан ранг сифатида келиши: “*чёрный трубочист*” – “қора мўри тозаловчи”,

<sup>158</sup>Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили.10. 02. 02 – ўзбек тили. Филол. фанлари номзоди...дисс.-Тошкент, 2008. –Б.62.

<sup>159</sup>Федосов И.В. Липицкий А.Н. Фразеологический словарь русского языка. –М.: Юнвест, 2003. –С. 578

кузатилса, ”чёрная работа” – “қора меҳнат, паст назар билан қараш” мазмунида, ”чёрные дела” – “қора ишлар, қонунан ман этилган” маъноларида ҳам келишини кузатиш мумкин.

Б.А.Базыма христианликнинг ранг тимсолларини ўрганиш жараёнида қора рангга алоҳида эътибор беради: ”Қора ранг, асосан, негатив ҳолда ишлатилган, у золимлик ва гуноҳ, (қизил ранг ҳам баъзи ҳолатларда гуноҳни билдирган: асосиз тўкилган қон ранги) иблис ва дўзах ҳамда ўлимнинг белгиси ҳисобланган. Қора ранг маъносида ибтидоий халқларда ўлим маросимлари ўтказилиб, борлиқнинг ўлими саналган. Шунинг учун бу ранг монахлар белгиси бўлиб қолган<sup>160</sup>.

Тил идеоматикасида, яъни ўзига хос миллий қатламда қадр-қиммат системаси, халқ хулосаси, оламга, инсонларга, бошқа миллатларга муносабати тушунчаси ётади. Фразеологизмлар, мақол ва маталлар бир маданиятни умумлаштирувчи ҳаёт тарзи, географик жойлашуви, тарихи,<sup>161</sup> урф-одатлари тасвирининг яққол кўринишидир.

О.А.Карнилов “Оламнинг лисоний манзараси – миллий менталитет ҳосиласи” номли китобида: “... ҳар бир этник тил – бу ягона жамоавий ишлаб чиқарилган санъатдир, халқ маданиятининг ажралмас қисмидир, миллий маданиятдаги ўзича фикрлаш, ўз-ўзини англаши ва мустақил ифодалаш органидир” деб ёзади.<sup>162</sup> У миллий – махсус лексикани 3 турга ажратади: 1.Махсус урф-одатларни англатувчи; 2.Махсус прототипларга эга универсал концептларни англатувчи; 3.Махсус абстракт концептларни англатувчи лексемалар. Миллий фразеологизмлар таркибидаги компонентлар орасида шу миллатга, ўзбек ёки русларга хос бўлган белгиларнинг миллий урф-одатлари, халқ оғзаки ижодида, тарихий афоризмларда, кийим, асбоб-ускуналар, жой номлари орқали кўпроқ

<sup>160</sup>Базыма Б.А.Цвет и психика. Цветовые символы христианства. –Москва: Речь, 2007. –С.208.

<sup>161</sup>Равшанов М. Сопоставительный анализ особенностей фразеологических лингвокультурем. Тил ва Адабиёт журнали, 2018. 9-сон. –Б. 64.

<sup>162</sup>Карнилов О.А. “Языковые картины мира как производные национальных менталитетов». –Москва: Че-Ро, 2003. –С.132-147.

намоён бўлади. Ҳар қайси фразеологик бирикманинг яратилиш тарихи, этимологияси орқали ҳам миллий-маданий хусусиятлар ифодаланади.

*Қора* ўзбек тили луғат фондининг қадимий ва асосий лексемаларидан ҳисобланади. *Қора* лексемасининг асл маъносида ранг-тус ётса-да, бу сўз ҳам кўпинча кўчма маънода қўлланади. *Қора* лексемасининг қўлланиши энг қадимги ёзма ёдгорликларда, жумладан, Ўрхун-Энасой битиктошларида, “Девону луғатит турк”да учрайди. Масалан, “*қора кун*”, “*кўнгли қора*”, “*қора ният*” шулар жумласидандир. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу сўзнинг йигирмага яқин маъноси келтирилиши унинг тилимизда фаол қўлланишидан далолат беради. *Қора* лексемаси нутқда фақат предметнинг рангини кўрсатиш мақсадида қўлланганда, эмоционал-экспрессивликдан холи бўлади, бу вақтда унинг вазифаси ранг тўғрисида хабар, маълумот бериш билан чекланади.

*Қора* рангига мойил тўқ ранглар ҳам жонли сўзлашувда *қора* деб айтилади: *қора нон, қора гилос, қора тупроқ, қора булут* ва б.: *Ним қоронғуда рухсоридаги нўхатдек қора холини аниқ кўрди.* (С.Кароматов) [ЎТИЛ.V.335] Ис, қурум босган, қорайган ёки оқланмаган, пардозланмаган уй ва хонага нисбатан “*қора уй*” бирикмаси қўлланади: *Долоннинг ўнг тарафидаги кичик қора ҳужрада Полвоннинг ота-онаси ва боболари умр кечирган.* (Ж.Шарипов)

Киши характеридаги одоб-ахлоқ нормаларга мос келмайдиган мунофиқлик, ғаламислик, ғийбатчилик, очкўзлик, бераҳмлик сингари сифатлар ҳам *қора* лексемаси билан қўлланиши учрайди: “*қора ният*”, “*қора кучлар*”: *Кечирасиз, мен ширингина базмингизни қора хабар билан музлатиб қўйдим.* (Ойбек)

“*Ичи қора*”, “*юраги қора*” фразеологик бирикмаларида *қора* сўзи ўз лексик маъносидан чекланиб, кўчма маънода ўзганинг муваффақиятини кўролмайдиган кишиларга нисбатан айтилади: *Дили қоранинг қилмиши – қийиқлик.* (мақол) “*Юзи (ёки бети) қора*” ибораси ҳам салбий маънони билдиради. *Қора* лексемаси маъно ифодаси жиҳатидан бошқа ранг

билдирувчи сифатлардан юқорироқ туради ва тилимизда яна куйидаги окказионал семаларни ифодалашга хизмат қилади:

– мотам семасини: *Юсуфбек ҳожи хатми қуръон қилиб, юртга ош берди. Ўзбек ойим қора кийиб, таъзия очди.* (А.Қодирий)

– қайғу семасини: *Рўзгорингни қора қилмай...* (Э.Воҳидов)

– кун семасини: *Ўтди даҳшатли кун, Қора саҳифа.* (Э.Воҳидов)

– кўринмай кетмоқ семасини: *поезднинг қораси ўчгунча мўлтираб қараб турдим, кейин йиғлаб-йиғлаб изимга қайтдим.* (С.Сиёев)

– кўриниш бермоқ семасини: *Полвон болам-ку, қорасини кўрсатмай, сувга тушгандек зойиб бўлди.* (С.Аҳмад)

– кўрмоқ, қорасини илғамоқ семасини: *Куннинг ўзи пешин вақти бўлганда, пойгачилар қорасини олади.* (Алпомиш)

– айб, айбдорлик, гуноҳкорлик семасини<sup>163</sup>: *Кучогини “ўзлиги”га очди деб, Оқ исмига қора занжир илдингиз?* (Чўлпон)

Узоқ Шарқ мамлакатлари маданиятида оқ ранг – мотамни билдиради. Агар мотамда қора кийим кийилса, марҳумнинг руҳи ҳеч нарса кўрмайди деб, ишонилган. Шунинг учун ҳам мотамдаги оқ ранг – бу дунёдан кейинги ҳаёт кўриш рамзи деб, ҳисобланган. Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятида ҳам мотамда оқ кийим кийиш удуми мавжуд<sup>164</sup>. Бу удум юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ҳозиргача ўз аксини кўрсатиб келмоқда. “Оқ киймоқ” фразеологизми мотам либосини киймоқ, баъзи жойларда эса, аксинча, таъзия муддати тугагач, қора кийимни оқ кийим билан алмаштирмақ, мотам либосини ташламоқ демакдир. *Рўзимуроднинг онаси аза очди. Қариндошлар оқ кийиб, овоз чиқардилар.* (Ш.Ашурова. Янга) [ЎТИЛ.V.335]

“Оқни қора демоқ” – ёлғон гапириш, ҳақиқатга тескари сўзлаш маъноли; “оқ юзига қора сурмоқ” – ноҳақ равишда бадном қилишга уринмоқ маъноли фраземалар таркибида эса қора лексемаси таянч

<sup>163</sup><https://hozir.org/buxoro-davlat-universiteti-v10.html?page=4>

<sup>164</sup>Усманова Ш. Лингвокультурология. –Тошкент, 2019. –Б.163.

компонент бўлиб, ёлғон, бўхтон семалари билан иштирок этмоқда. Қайд этиш лозимки, оқ лексемали фраземалар нутқда қўлланиш даражаси юқори эканлиги билан характерланади.

“Оқ сүтини оққа, кўк сүтини кўкка соғмоқ” ибораси берган сүтига, боққанига норози бўлиб, ундан юз ўгирмоқ маъносини билдиради: Ўзбек ойим: –*Энди менга мундоқ ўғил керак эмас... Оқ сүтимни оққа, кўк сүтимни кўкка соғдим. Энди Тошкентга келмасин.* (А.Қодирий [ЎТИЛ.Ш.240])

Яна шундай иборалардан бири “*косаси оқармаган*” ибораси бўлиб, бу иборани топганига барака кирмаган, бири икки бўлмаган кишиларга нисбатан қўлланади<sup>165</sup>: *Иқромжон бундоқ ўйлаб қараса, бу артист мижоз шериги билан ишлайдиган бўлса, сира косаси оқармайдиган.* (С.Аҳмад)

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида оқ сўзининг иккинчи маъносига изоҳ берилганда, бу сўз араб тилида “бўйсунмас, итоатсиз, сўзга кирмайдиган, ҳурмат қилишни билмайдиган (ўғил)” маъносини бериши ҳам келтирилган. Ўзбек тилидаги “*Оқ қилмоқ*” фразеологизми “ўз фарзандини лаънатламоқ, нафратланиб, ундан юз ўгирмоқ, воз кечмоқ” маъноларини беради ва бу салбий маъноли фразеологик бирикма халқ сўзлашув нутқида ишлатилиб келинишига дуч келамиз: *Фиёсиддин Бухоронинг Девонбеги мадрасасида таҳсил кўриб, ўқиб юрган пайтларида отаси уни оқ қилади.* (С.Аҳмад. Ҳукм [ЎТИЛ.Ш.25])

Оқ ранги рус тилида ҳам ҳамма вақт ижобий маънода келмаслигини қуйидаги мисолдан кўриб чиқамиз: “*белая ворона*” ибораси “бошқалардан кескин ажралиб турувчи инсон” деган маънони беради.(тушунилади)<sup>166</sup>. Келтирилган мисолда айнан менсимаслик тавсифи қайд этилган: “*В бригаде он ни с кем не общался, чурался всех общественных дел. За это и прозвали его в народе «белой вороной*». (Б.Н.Наумов. Рассказы о сельчанах) – *Бригадада у ҳеч ким билан гаплашмас, жамоат ишларидан*

<sup>165</sup><https://hozir.org/buxoro-davlat-universiteti-v10.html?page=4>

<sup>166</sup>Алимжанова. Сапоставительная фразеология. –Алма-Ата: Мир языка, 1999. –С. 347 .

ўзини олиб қочар. Шу туйфайли уни халқда “оқ қарға” деб аташарди.  
(таржима бизники)

Юқоридаги фаслда *тилла (сарик)* ранг шон-шуҳрат, муваффақият, бойлик ва байрам рамзи деб изоҳланди. Ушбу ранг салбий маънода ҳам ишлатилган ва рамзий белгини англаган, яъни, ошқозон, жигар касалликлари рамзини ҳам ифодалаган<sup>167</sup>.

Россияда *сарик* ранг “олтин куз”, *хонадон ўчоғи, илиқ оила давраси* рамзи ҳисобланган бир пайтда, Осиёда бу ранг – *вабо, касаллик, пасткашлик* тимсолини берган: “*сарик чақаликча қадри йўқ*”, “*саргайиб турмоқ*”. “*Сарик чақалик*”, “*сарик чақага арзимаслик*” фраземалари таркибида *сарик* лексемаси ўзининг *арзимас* семаси билан қатнашмоқда<sup>168</sup> ва ўзининг *бир пулга қиммат* аналогига ҳам эгадир: –*Сўзни тангадай жаранглашиб сўзлашга устасиз. Аммо ҳозирги сўзингиз пучак, сарик чақага арзимаиди –деди, Мирҳайдар.* (Ойбек. Олтин водийдан шабадалар [ЎТИЛ.IV.140]). Ўзбек халқи ҳадди сиққан-сиғмаган одамдан уялмай-нетмай “бир нима” сўрайверадиган, умидвор бўлаверадиган, таъма қиладиган, таъмагир, юлғич, порахўр одамларга нисбатан “*сарик ит совға тилар*” иборасини ишлатади<sup>169</sup>.

“*Жёлтая пресса*” (сарик пресса) рус фразеологизми ҳам айни пайтда салбий маъноли ибора бўлиб, ёлғончи, арзон, майда маълумотларга учувчи сотқин матбуот маъносида ишлатилади. “*Желторотый птенец*” фразеологизми эса ёш, содда, тажрибасиз инсонга нисбатан ишлатилувчи иборадир<sup>170</sup>. *Среди этой шумной, весёлой и дружной братии он выглядел желторотым птенцом: на фронте он не был, пороха не нюхал.* (Б.Галин. Киреевы, отец и сын) *Бу қувноқ, шўх-шодон ва иноқ биродарлар орасида у ўта тажрибасиз кўринарди: фронтда у бўлмаган, порох ҳидламаган.*

<sup>167</sup>Базыма Б.А. Психология цвета. Теория и практика. –Москва: Из-во Речь, 2007. –С. 208.

<sup>168</sup>Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент тахлили.10. 02. 02 – ўзбек тили. Филол. фанлари номзоди...дисс. –Тошкент, 2008. –Б.63)

<sup>169</sup>Шомаксудов Ш., Шорахмедов Ш. Маънолар махзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б. 192

<sup>170</sup>Яранцев Р.И. Словарь справочник по русской фразеологии. –Москва: Русский язык, 1981. –С.142.

*Қизил* ўта зиддиятли ранг ҳисобланади. Бир тарафдан у *муҳаббат ва эҳтирос* символикаси бўлса, иккинчи тарафдан *қон, рашик, шавқатсизлик* симболи ҳисобланади. Ўрта Осиёда байрамларда қизил рангли либослар кийишган. Ёш қизлар қизилга бурканган, чунки бу ранг беғуборлик ва маъсумликни билдирган: *уятдан қизармоқ; оқи оқ, қизили қизил; юзига қизил югурмоқ: Бу хабарни эшитиб, Элмуроднинг юзига қизил югурди.* (Саодат [ЎТИЛ.V.344])

Илгариги замонларда ғазаб нишонини билдирмоқ учун бошига қизил салла, қизил тўн кияр, отнинг ёли, думи, туёғигача қизил рангга бўяб чиқар эдилар, бу нишона душманларни даҳшатга солар эди. Хуллас, *қизил* ғазаб нишонасидир.

Рус тилидаги ибораларда қизил ранг ёнғинни билдириши – *”пустить красного петуха”*; ўткир зехнни – *”красное слово”*; ҳақиқий нарх-навони – *“красная цена”*; асосий ғояни белгилаш – *“красной нитью проходить”*; мулзам бўлиш, уялиш – *“красный как рак”*<sup>171</sup> маъноларини билдириши кузатилган.

Ўзбек тилида кўк сўзи маъносида *яшил, кўк* ва уларнинг турли маъно турлари уйғунлашган ҳолда ифодаланади: *Устима кийганим менинг яшил-кўк, // гарибликда бўлармикан кўнглим тўқ. Одамлар кўкини ташлаб, вақтини хушлаб, ўз ишида бўлсин, бозорини юргизсин, савдо-сотиқни бошласин.* Мисоллардаги *яшил, кўк* сўзлари ранг маъносини сақлаган ҳолда, уларга кўшимча *“мотам”, “ўлим”* маъноси юклатилган. Нафақат ўзбек лингвомаданиятида, балки аксарият халқларнинг маданиятида кўк рангига ўлим ва мотам рамзи сифатида қаралади<sup>172</sup>.

Ўзбек тилида кўк ранги ғам ва қайғу тимсолида гавдаланади *”кўк киймоқ”, “кўкка беланмоқ”* – Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларида мотамда аёллар кўк рангли либос кийишган.

<sup>171</sup>Федосов И.В., Липицкий А.Н. Фразеологический словарь русского языка. –Москва: Юнвест, 2003. –С. 299

<sup>172</sup>Ш.Усманова. Лингвокультурология. –Тошкент, 2019. –Б.164.



Рус фразеологиясида *кўк*, асосан, икки маънони: аслидан бўрттириш ва нореал истакни англатган. Рус тарихида *кўк* ранг мистик ранг деб ҳисобланган, осмонни англатиши билан бир қаторда, тинчлантирган ва сабр-қаноатга ундаган. Ўзини фидо қилиш ва итоаткорлик ғоясини беради деб, тушунилган. *Кўк* ранг рус ибораларида қуйидагича маъноларни ифодалаган: ”*синий чулок*” – аёллик назокатидан йироқ, ”*синяя птица*” – бахт умидини ўйғотиш, ”*гори синим огнём*” – бирон нарсадан чарчашда, жонга текканда ишлатилувчи таъсирчан<sup>173</sup> ибора. У инсонни хотиржам қилиши, шу билан бирга, қийноққа солувчи воситага айланиб қолиши ҳам мумкин<sup>174</sup>.

*Кўк* ранг христианлардагидек, мусулмонларда ҳам мистик ранг ҳисобланиб, илоҳий кучга даъват этувчи, фоний дунёнинг ёлғонлиги, сароблиги тушунчасини берган. Тоза, ёруғ ва жилвакор рангларга кўпроқ интилиш мусулмон (ислом) халқларига хос ҳисобланади. Агар ранглар ифлосланса, хиралашса, лойқалашса, улар мусулмон учун ўз кадрини йўқотган. Бундай хира рангларга *кулранг* ва *қўнғирранг* кирган. Улар камбағаллик ва бахтсизлик рамзлари ҳисобланган. *Кулранг* чанг ва хок ранги бўлиб, ёруғ ва ранго-ранг олам рангининг акси бўлиб, ҳаётнинг якуни борлигини бандаларга эслатувчи рамзий маънони англатган<sup>175</sup>.

Рус фразеологиясида *кулранг* компонентли иборалар қуйидаги маъноларда келади: ”*Вали всё на серого, серый всё свежёт*” – барча айбни бировга (бу ерда бўрига) тўнкаш; ”*не за то волка бьют, что сер, а за то, что овцу съел*” – ташқи кўринишига қараб эмас, очкўзлиги учун<sup>176</sup> (бўрини у кулранг бўлгани учун эмас, кўзичоқни ғажигани учун калтаклашади) жазолашади. *Кул ранг* қайта тирилиш тимсолидир. Бутун борлик, ёруғ дунё ва англаб бўлмайдиган дунё рамзидир. Бу ранг Оламнинг аслий ранги

<sup>173</sup>Федосов И.В., Липицкий.А.Н. Фразеологический словарь русского языка. –М.: Юнвест, 2003. –С. 420.

<sup>174</sup>Бегизова М. Подходы к изучению слов цветообозначения. Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвوماданиятшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар. –Тошкент, 2013. –Б. 20.

<sup>175</sup>Базыма Б.А. Психология цвета. Теория и практика. –Москва: Из-во “Речь”, 2007. –С. 208.

<sup>176</sup>И.В.Федосов, А.Н. Липицкий. Фразеологический словарь русского языка. –Москва: Юнвест, 2003. –С. 46

(гўдак ва ҳайвонот дунёси шу рангда Оламни танийди). *Кул ранг*<sup>177</sup> мотам ранги ҳам ҳисобланган.

Христианлар *яшил* рангни кўпроқ инсоний ранг деб, тушунишган. У *ҳаёт, баҳор, табиатнинг гуллаб-яшнаши ва ёшлик* белгиси бўлган. Шу билан бирга, *яшил* ранг салбий маънода ҳам қўлланилган. У ёвузликни, ёлғонни, иблис интиқомини ҳам билдирган (иблис кўзлари яшил бўлган, деган фаразлар асносида яшил рангга бировларга ҳасадгўйлик ва очкўзлик рамзи деб қаралган<sup>178</sup>).

Хуллас, ранглар у ёки бу халқнинг ижтимоий-маданий ҳаёти, урф-одати, маросими, қадимий қарашлари билан чамбарчас боғлиқ. Халқларнинг мифологик ва диний қарашлари ҳам рангларда турлича акс этади. Бундан ташқари, халқларнинг ижтимоий ҳаёти, географик муҳити ҳам рангларга нисбатан муносабатнинг хилма-хиллигига олиб келади. Дунёнинг қутби тўрт хил рангда тасаввур қилинган: шарқ – яшил, жануб – қизил, шимол – қора, ғарб – оқ рангда ва шу аснода, минтақаларнинг ҳар бирида яшовчилар учун ўша ранг муқаддас саналган.

### **Боб бўйича хулоса**

1. Халқимизнинг этномаданий ҳаётини ўзида намоён этувчи моддий ва маънавий-маданий этнофраземалар луғавий бойлигимизнинг аксарият қисмини ташкил этади.

2. Халқимиз тарихий шаклланиш тараққиёти жараёнида турли этнослар билан ижтимоий, сиёсий, маданий алоқалари натижасида тилимизга бошқа халқлар этномаданиятига оид урф-одат, анъана, маросимларини ифодаловчи этнофраземалар кириб келиб, ўзи ифодалаган воқелик билан халқимизнинг моддий ва маънавий мулкига айланган, янги этнофраземаларнинг шаклланишига асос бўлган.

---

<sup>177</sup>Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – Москва: Изд.Центр “Академия”, 2001. –С. 105

<sup>178</sup>Базыма Б.А. Психология цвета. Теория и практика. –Москва: Из-во “Речь”, 2007. –С. 208.

3. Ўзлашма этнофраземаларни диахрон ва синхрон аспектда таҳлил қилиш халқимиз ва этник гуруҳларнинг этногенезисини, уларнинг қардош бўлмаган халқлар билан ижтимоий муносабатларини чуқурроқ ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

4. Ранг компонентли ижобий ва салбий этнофраземалар махсус урф-одатларни англатувчи, махсус прототипларга эга универсал концептларни англатувчи, махсус абстракт концептларни англатувчи этнофраземаларга ажралади. Миллий фразеологизмлар таркибидаги компонентлар орасида у ёки бу миллатга хос бўлган белгиларнинг миллий урф-одатлари, халқ оғзаки ижодида, тарихий афоризмларда, кийим, асбоб-ускуналар, жой номлари орқали кўпроқ намоён бўлади. Этнофраземалар яратилиш тарихи, шаклланиш жараёни, этимологияси орқали ҳам миллий-маданий хусусиятлар ифодаланади.

5. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, халқимизнинг маиший турмуши, ижтимоий муносабатлар, қариндош-уруғчилик, қўни-қўшничилик, миллий кийим, тақинчоқлар, миллий таомлар, ўйинлар ва бошқа кўплаб соҳаларга алоқадор этнофраземаларни этнолингвистик аспектда ўрганиш зарурати мавжуд.

## III БОБ. СОН РАМЗЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ.

### 3.1. Рақам компонентли фразеологик бирликларнинг лингвокультурологияси

Замонавий тилшуносликда рақам нафақат грамматик категория сифатида, балки олам тасвирининг лисоний лингвокультурологик ва этнолингвистик компоненти сифатида кўриб чиқилмоқда. Рақам символикасининг ўрганилиши оламни қамраб олган образли ва интеллектуал тил хусусиятларини белгилашда ёрдам беради. Бу жараён сонларнинг рақамли код элементи сифатида коинот, инсон ва тасвир системасини таърифлаши билан боғлиқдир. Шу билан бирга, сонлар инсон тафаккурининг муҳим тушунча системасини ташкил этувчи омили ва маданиятнинг маънавий ўзгармас жабҳаси, деб ҳисобланади.<sup>179</sup>

Фразеологизмлар таркибидаги ҳар бир компонент миллат ҳақидаги фаразни ҳосил қилишимизга кўмак бериши мумкин. Иборалар қайси миллатда ишлатилишига қараб бу миллатнинг географик жойлашуви, иқлими, диний фарази, одат ва удумлари, ментал қарашлари, турмуш тарзи, ўзига хос дунёқараши ва умуман олганда, маданиятига боғлиқ тушунчадир.

“Маданият” лингвокультурологиянинг асосий тушунчаларидан биридир. Шунинг учун маданиятнинг онтологиясини, унинг семиотик ва бошқа хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотчи Вен Шу Лее “маданият” тушунчасининг олти таърифини келтиради:

1. Маданият (табиат ва биологиядан фарқли ўлароқ) – инсоннинг ноёб саъй-ҳаракати, уринишидир. У “табиатни йўқ қилишга қарши мисоли бир кўрғондир”.

---

<sup>179</sup>Фаттах Мохаммед Абу эль-Иля. Лингвокультурологический анализ фразеологизмов с числовым компонентом в русском и арабском языках // Политическая лингвистика. 2018.-№1(67). –С.168.

2.Маданият – назокат, хулқ-атвордир.

3.Маданият – (бир-бирларидан фарқли ўлароқ) тамаддундир.

4.Маданият – лисоний ҳамжамият, ишонч, қадриятдир (хар бир маданият вакили бир тилда гаплашади, айна анъаналарни бўлишади).

5.Маданият – ҳукмрон ёки йўлбошловчи маданиятдир. Масалан, “маданият ахлоқ ва бузуқликни белгиловчи синфни бошқаради”.

6.Маданият – умумий ва бўлинмайдиган нарсалар орасидаги тенгликларни ўзгартиради<sup>180</sup>.

Маданият – жамият, инсон ижодий кучи ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражаси. Кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади. “Маданият” тушунчаси муайян тарихий давр (антик маданият), конкрет жамият, элат ва миллат (ўзбек маданияти), шунингдек, инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари (масалан, меҳнат маданияти, бадий маданият, турмуш маданияти)ни изоҳлаш учун қўлланилади. Тор маънода “маданият” термини кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳасига нисбатан ишлатилади.

“Маданият” арабча «мадина» (шаҳар) сўзидан келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга: бирини *бадавий* ёки *сахроий турмуш*; иккинчисини *маданий турмуш* деб атаганлар. Бадавийлик – кўчманчи ҳолда дашт-у саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик – шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган халқларга нисбатан ишлатилган [ЎТИЛ.V.373].

XVIII асрдан эътиборан *культура* сўзи билан инсоннинг фаолияти, унинг аниқ бир мақсадга йўналган фикрлаши туфайли юзага келган барча нарсалар тушунила бошланган. Бироқ, мазкур сўз дастлаб “инсоннинг табиатга таъсири, инсон манфаатлари йўлида табиатни ўзгартириш, яъни ерни ишлаш” маъносида қўлланилган. *Культура* – ижтимоий-гуманитар

---

<sup>180</sup> Judith Martin Thomas Nakayama. Intercultural communication in contexts. – 5<sup>th</sup> ed. –New York: McGraw-Hill, 2010. –P.85.

билишнинг фундаментал тушунчаларидан бири саналади. Мазкур сўз XVIII асрнинг иккинчи ярми (“Маърифат асри”)дан бошлаб илмий термин сифатида истеъмолга кирган. Маданият фақат мавжуд меъёр ва урф-одатларга риоя қилиш қобилиятини ривожлантиришни эмас, балки уларга риоя қилиш истагини рағбатлантиришни ҳам ўз ичига олган.

Маданиятга меҳнат фаолиятининг усуллари, ахлоқ-одоб, урф-одатлар, расм-русумлар, мулоқот хусусиятлари, дунёни кўриш, тушуниш ва яратиш усуллари киради. Масалан, дарахтда осилиб турган барг табиатнинг бир қисми, гербарийдаги барг эса маданиятнинг бир қисми; йўл устида ётган тошнинг ўзи маданият эмас, бироқ у аجدодларимизнинг қабрларига қўйилганда, биноларда ишлатилганда маданиятга айланади. Шундай қилиб, маданият муайян халққа хос бўлган борлиқдаги ҳаёт ва фаолият, шунингдек инсонлар орасидаги ўзаро муносабат (урф-одатлар, расм-русумлар, мулоқот хусусиятлари) ва дунёни кўриш, тушуниш ва яратиш усуллари дир.

“Маданият” тушунчасини белгилашнинг қийинлиги унинг муҳим хусусиятлари бўлган мураккаблиги ва кўпқирралигидан ташқари, унинг қарама-қаршилик антиномия хусусияти билан ҳам тавсифлайди. Маданиятда антиномия деганда икки қарама-қаршиликнинг бирлиги, лекин бир хилда яхши асосланган ҳукм тушунилади. Масалан, маданиятда иштирок этиш шахснинг ижтимоийлашувига ёрдам беради, айти пайтда унинг индивидуаллашувига замин яратади, яъни шахснинг ноёб қобилиятларининг очилишига ва фан тан олишига ёрдам беради. Сўнгра маданият маълум даражада жамиятга боғлиқ бўлмайди, аммо у жамият ташқарисида мавжуд эмас, у фақат жамиятда яратилади. Умуман олганда, маданият кишининг фазилатларини оширади, жамиятга ижобий таъсир қилиши ҳам мумкин. Маданият анъаналарни сақлаш жараёни сифатида

мавжуд бўлиши билан бирга, у янги шаклларнинг вужудга келиши ва ўзгаришлар таъсирида бу анъаналарни бузиши ҳам мумкин<sup>181</sup>.

Ю.М.Лотман маданиятни шундай изоҳлайди: “...маданият мураккаб семиотик тизим, унинг вазифаси – хотира, унинг асосий хусусияти – билимларнинг тўпланиши”<sup>182</sup>. “Маданият бир пайтда яшовчи ва муайян ижтимоий ташкилотлар билан боғланган қандайдир жамоа, гуруҳлар учун умумий бўлган бир нарса. Маданият кишилар ўртасидаги мулоқот шаклидир”<sup>183</sup>.

Демак, фразеологизмларнинг компонентларини лексемалар деб ҳисоблаш, аммо уларнинг қўлланиш даражаси муайян фразеологизмнинг шаклланишидаги ролини алоҳида ўрганиш лозим. Масалан, “*бир ёқда турсин*” фразеологизми таркибидаги “*бир*”, “*ёқда*” компонентлари ушбу фразеологизмнинг семантик жиҳатдан шаклланишида таянч ҳисобланади, “*турсин*” компоненти эса унинг грамматик табиатини белгилайди. Семантик таянч аъзо феъл лексема билан бирикиб, грамматик жиҳатдан уни феъл фразеологизми категориясига ўтказди ва бу хусусият ибора таркибидаги компонентлар орасидаги синтактик боғланишни таъминлаб беради. Фразеологик шаклланиш жараёнида лексемаларнинг ўзаро яқинлашуви асосий аҳамиятга эга.

Ўзбекча “рақам”, русча “цифра” – арабча “ас-сифр” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “ҳеч нарса”, “бўш” маъносини англатади. Кейинчалик “ас-сифр” сўзи лотинча “сиффра” кўринишда қолдирилди. Ноль сонини ҳинд олимлари кашф этган ва “суния” деб номлашган.

Қадимдан *ноль* рақами тўлиқ ишонч рамзи бўлиб келган. Бу рақам ҳар қандай айёрлик ва фитналардан холи. Барча ишларни очиқ кўнгил билан, ёлғон тафсилотлардан қўрқмасдан амалга ошириш мумкин. Кўп

<sup>181</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – Москва, 2001. –С. 12-16.

<sup>182</sup> Лотман Ю. М. О двух моделях коммуникации в системе культуры// Semeiotike. -№ 6. –Тарту, М.: ОГИ, 1971. – С. 228.

<sup>183</sup> Лотман Ю. М. Беседы о русской культуре: Быт и традиции русского дворянства. –СПб.: “Искусство-СПБ”, 1994. –С. 670.

ноллар сизни ёлғондан асрайди. Туғилган санангиздаги 0 сизнинг фикрларингиз ва хатти-ҳаракатларингиз поклиги учун жавобгарликни “бўйнингизга юклайди”<sup>184</sup>.

О.В.Вовк “Энциклопедия знаков и символов” (Белги ва рамзлар қомуси) номли китобида *ноль* рақамининг келиб чиқишига қуйидаги сабабларни кўрсатган:

1) бирон нарсанинг умуман йўқлигини: “*начинать с нуля*” – нолдан бошламоқ, “*быть равным нулю*” – нолга тенг бўлмоқ, “*стричь под ноль*” – сочи қиртишлаб олиб ташламоқ.

2) нотавон, ҳеч нарсага арзимас, ўз ишининг мутахассиси бўлмаган, ҳурматга нолайиқ одам.

Бу сон ҳар бир миллат онгида “*бўшлик, йўқлик, тартибсизликнинг бош кўриниши*” маъноларида учрайди.<sup>185</sup> Ўзбек тилидаги фразеологизмларда “ноль” компонент сифатида умуман учрамайди. Масалан, “бир” сони фаоллик борасида юқори кўрсаткични бериб, диссертацияда унинг қуйидаги маъновий хусусиятлари таҳлил қилинган. Биз уларнинг ичидан *ягоналик, мос келишлик, бутунлик, яхлитлик, кам миқдорлик, яқин масофа, бир хиллик, алоҳидалик, қиймати йўқ* мазмунидагиларини алоҳида ажратиб чиқдик:

1. *Якка, бошқалардан ажралган, алоҳида*. Бу маъно рус ибораларида негатив коннотациясини синонимик жуфтликнинг ички шаклида мужассамлашади: “*одной рукой узел не завяжешь*” (бир қўл билан тугун боғлаб бўлмас); “*один в поле не воин*” (бир киши майдонда жангчи бўлолмас); “*в одиночку всё трудно сделать*”, (ёлғиз одам ҳеч нарсани эпллолмас).

Биз ўзбек ибораларидан қуйидагиларини бунга мисол қилиб олдик: “*Бир қўлтиққа икки тарвуз сиғмас*”, “*бир бошини иккита қилмоқ*”. Иккинчи мисолдаги “бир” лексемаси бошқа рақамдаги маданий код билан

<sup>184</sup>Сиддикова Х. [http://www.zamonaviy.uz/yaangiliklar/raqamlarda\\_sizning\\_va\\_atrofdagilarning\\_psixologiyasi](http://www.zamonaviy.uz/yaangiliklar/raqamlarda_sizning_va_atrofdagilarning_psixologiyasi). Рақамларда сизнинг ва атрофдагиларнинг психологияси.

<sup>185</sup>Вовк. О.В. Энциклопедия знаков и символов. –Москва: Вече, 2006. –С. 39.



алмаштирилган, “икки” маънони кучайтириб, “ёлғиз бўлиш мумкин эмас”, “ёлғиз ҳеч нарсани эплай олмаслик” маъноларини беради.

2. *Бир хил, ўхшаш.* Рус тилида бунга аввало салбий киноя маъносидаги фразеологик бирикмалар мисол бўлади: “*одного поля ягода*” (бир полизнинг меваси), “*одним миром мазаны*” (бир дунёнинг рангини олган, бир хил), “*все на одну колодку*” (бир хил қолипда), “*одной масти*” (бир хил турдаги), “*на один покрой*” (бичими бир хил). Ушбу фразеологик бирикмаларнинг барчаси салбий маънодаги хусусиятга эга инсонларга нисбатан ишлатилади. “*Одним миром мазаны*” фразеологик бирикмаси диний дунёқарашдан келиб чиқиб, ҳамма ҳам гуноҳ қилиши мумкин ва бу борада барча тенг мазмунида, “*люди из одного теста*” (зуваласи бир жойдан олинган, бир-бирига ўхшаш) фразеологизми эса рус тилида нейтрал маънога эга ва кўпроқ салбий мазмунни ифодалайди. Ўзбек тилида ҳам ҳамма жиҳатдан бир-бирига ўхшаш одамлар ҳақида гап кетганда “*зуваласи бир жойдан олинган*” ибораси қўлланилади: *Сизга гаптириб, овоздан ажраш ҳеч нарса эмас. Ботиров билан сизнинг зувалангиз бир жойдан олинганга ўхшайди.* (Б.Раҳмонов. Олтин одамлар [ЎТИЛ.II.87])

“*Бир тан бир жон бўлмоқ*”, “*бир тан бўлмоқ*” иборалари ижобий маънода қўлланилса, “*бари бир гўр*”, “*ҳаммаси бир гўр*” иборалари фақат салбий семантикага эга иборалардир. “*Тупроғи бир жойдан олинган*” ибораси диний фароздан келиб чиқиб, “Оллоҳ ҳаммани лойдан яратган” фикрининг далили сифатида ишлатилади.

3. *Оммавий, умумий яқдиллик.* Бу тоифага экспрессив характерга эга фраземалар мисол бўла олади: “*все как один*” (ҳаммаси бир хил), “*как один человек*” (ҳаммаси бир одамдай). “*Стрич всех по одну гребёнку*” рус ибораси «барчани бирон бир ҳолатда, ҳеч қандай паст-баландга қарамай, тенглаштирмак, текисламак». Салбий маънога хос бўлган “*текисламак, тенглаштирмак*» феъли бош денотатив маънода келади. Ўзбек тилидаги “*барчани бирдай кўрмоқ*” ибораси эса ижобий коннотацияга асосланади,

чунки мусулмончиликда *барчани тенг кўриш* тушунчаси ҳадисларда ҳам илгари сурилган.

4. *Бир карра, интенсив.* Бу маънода келувчи фразеологик бирикмалар ўзбек ва рус лингвокультурологиясида ўхшаш мазмун ва тимсолларда мужассамлашган. “одним духом” – “бир нафасда”, “одним словом” – “бир сўз билан”, “сесть за один стол” – “бир дастурхон атрофида ўтириш”

Фақат ўзбек лингвокультурологиясига хос “*бир жагга бир ботмон*” фразеологик бирикмаси бошқа миллатларга хос бўлмаган тушунчани беради: “Ўтмишда ҳар бир оила бутун қишлоқ рўзгоротини кузда ғамлаб оларди. Шунда ҳар бир жагга яъни, оиладаги ҳар бир жонга (янги туғилган чақалоқ ҳам шу ҳисобга киритиларди) бир ботмондан (ботмон 898,5г га тенг оғирлик ўлчови) [ЎТИЛ.I.329] буғдой, унинг ярмисича гуруч, гуручнинг ярмисича миқдорда мош, мошнинг ярмисича ёғ ва ҳ.к. ғамлаб кўйиларди. Шу ҳисобдан ғамланган озуқалар бутун қишга етарди.

5. *Бутунлай бирон нарсанинг мавжуд эмаслиги, йўқлиги.* Рус тилида “ни” юкласига “один” лексемаси қўшилиб, бўлишсизлик маъносини юзага чиқаради. Мисол учун: “*ни одной живой души*” (умуман тирик инсон зоти йўқ маъносида). Бу ерда “душа” – “қалб” сўзи “инсон” – “человек” метонимик маънога кўчяпти. Ўзбек тилидаги “*бирон-бир зот кўринмайди*” иборасида “зот” – “особа, порода” маъносида келади.

Умуман ҳеч нарса маъносидаги “*ни одной копейки*” ибораси “бир мириси, чақаси йўқ (чақа – асосан, мис, жез сингари металллардан ясалган, қиймати паст, майда танга пул [ЎТИЛ.IV.465]) *бир тийини йўқ* (тийин бир сўмнинг юздан бирига тенг пул, ҳамда шундай қийматга эга бўлган майда чақа) фразеологик бирикмаларида этнокультурологик реалиялар – “копейка” – “чақа”, “тийин” миллий валюталари учрайди: *Миришоди ака ҳаққига бир тийин ҳам ололмагач, шумшайиб қишлоғига қайтди...* [ЎТИЛ.IV.85]

*Реалиялар* қайси маданият ва тилда пайдо бўлган бўлса, ўша халқнинг кадр-қиммати ҳисобланади. *Реалия* – ўрганилаётган тилдаги предмет ва ҳодисалар тарихи, маданияти, иқтисодиёти ва турмуш тарзини англатувчи сўзлардир, улар қиёсланаётган тилдаги сўзлардан бутунлай ёки қисман фарқ қиладиган тушунча.<sup>186</sup>

“Бир қулоғидан кириб бошқасидан чиқмоқ” – “*в одно ухо вошло, а в другое вышло*” фразеологизми “биридан бошқасига” муносабатидаги бирлик бўлиб, икки тилда ҳам бир хил мазмун ҳосил қилади.

“*Биринчи*” – “*первый*» компоненти фразеологик бирликлар таркибида қўйидаги вариантларда келиши мумкин:

1) *бошлангич, энг олдинги*. Бу гуруҳга кирувчи бирликлар орасида эквивалент ҳисобланган тиллараро фразеологик бирликлар изоҳланишига ҳожат йўқ: “*сделать первый шаг*” (биринчи қадамни қўймоқ) бирор ишни биринчи бўлиб бошлаш; *с первого взгляда* (бир қарашдан) – биринчи таассурот; *из первых рук* (биринчи қўлдан) – воситачисиз; *играть первую роль* – бирор ишда етакчи бўлмоқ; *первый среди равных* – тенгдошлари орасида етакчи бўлмоқ; *первая помощь* – биринчи ёрдам.

“*Первый блин комом*” салбий маъноли фразеологик бирикма бўлиб, бирор ишнинг боши ўхшамаган тақдирда ишлатилади (биринчи пиширилган қўймоқ ўхшовсиз чиқади) – “*ўргамчик иш нуқсонсиз бўлмас*” бирикмасига тенг бўлиб, ўзбек тилида айнан бу тушунча мавжуд эмас, чунки *блин* рус миллий таоми ҳисобланади. “Блин” – сковородка (това)да суяқ хакирдан тайёрланадиган юпка таом, тез ва кўп ҳажмда пиширилади.<sup>187</sup>

2) *ҳар бир жабҳада ҳаммадан олдинда*. “*Звезда первой величины*” фразеологизми бирор фаолиятда (фанда, санъат соҳаларида) таниқли бўлган шахсга нисбатан қўлланилади: Антик даврлардаёқ юлдузлар ёрқинлик даражасига кўра олти ўлчамга бўлиниб, энг ёрқини “биринчи

<sup>186</sup> Алимжанова Г. Сапоставительная фразеология. –Алма-Ата: Мир языка, 1999.–С.175.

<sup>187</sup> Ожегов С.И. Словарь русского языка. –Москва: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1960. –С.49

юлдуз” номи билан юритилган.<sup>188</sup> Ўзбек тилида бундай мазмундаги фразеологизмнинг аналоглари умуман учрамайди.

*Бир ўзи, ёлғиз – “один”*: *Все, как один* (человек) – ҳаммаси бир хил; *в одиночку* – бировнинг кўмагисиз; *одним пером птица не родится* – ҳамма бир хил эмас; *на одном конце червяк, на другом дурак* – устаси бўлмаган; *на одном месте камень мхом обрастает* – дарахт бир жойда кўкаради; *один в один* – бир томчидай, *один на один* – яккама якка; *один единственный* – ёлғиз; *один за другим* – кетма кет, *одно к одному* – қуйиб қўйгандай, ўхшаш; *один карась сорвётся, другой сорвётся, третий бог даст и попадётся* – мақсадга бирданига эришиб бўлмас маъносига; *один с сошкой, а семеро с ложкой* – меҳнатни бири қилар, роҳатни бошқалар; *одна голова не бедна, а бедна так одна* – ёлғиз одамнинг ташвиши ҳам йўқ; *одна муха не проест и брюха* – ёлғиз инсон кўпга қодир эмас, *одна речь не поговорка* – бир фикр ҳали тафсилот эмас.

Умуман олганда, ўзбек тилида *бир* компоненти жуда фаол бўлиб, уларнинг изоҳи Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати”да, М.Абдурахимовнинг “Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат”ида, Маҳмуд Сагторнинг “Ўзбекнинг гапи қизиқ”, Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедовларнинг “Маънолар маҳзани” китобларида келтирилган ва мисоллар орқали тушунтирилган. Масалан: *бир бошга – бир ўлим, бир булдуриқ уч қорага татийди, бир жағга бир ботмон, бир тулки етти бўрини етаклайди, бир анор минг беморга даво, бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур, бир ёмоннинг бир яхшилиги ҳам бор, бир одам омов билан, еттовлон чўмич билан, бир онадан алвон хил бола тугилади, бир очликнинг бир тўқлиги бор, бир саватга – бир тепки, бир таёқ юз бошни ёради, бир эзма топади – бир кезма, бир қўй кетидан минг қўй тўяди;*<sup>189</sup> *бир баҳя қолди, бирини ўпоқ, бирини сўпоқ дейди, бир майизни тенг бўлиб ейди, бир олманинг икки палласидай, бир пулга*

<sup>188</sup>Фаттах Мохаммед Абу эль-Иля. Лингвокультурологический анализ фразеологизмов с числовым компонентом в русском и арабском языках // Политическая лингвистика. 2018.-№1(67). –С.167.

<sup>189</sup>Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.–Б.36-42.

қиммат, бир тупканнинг тагида, бир хум сингунча қанча хумча синади, бир чўқишда қочирмоқ, бир қаричликдан, бир қошиқ қонимдан кечинг, шалдур-шулдур бир қоп ёнзоқ<sup>190</sup>, туя бир танга – қани бир танга, туя минг – танга қани минг танга<sup>191</sup> бир бошини иккита қилмоқ; бир ёстиққа бош қўймоқ; бир ёқадан бош чиқармоқ, бир ёқда турсин, бир ёқли бўлмоқ (қилмоқ), бир жон-бир тан бўлмоқ, бир жон бўлиб-бир тан бўлиб, бир-икки оғиз, бир-икки шингил, бир кесак билан икки қарғани урмоқ, бир кесак билан икки қуённи урмоқ, бир кесак билан икки қушни урмоқ, бир кун бўлмаса, бир кун, минг кун эмас, бир овоздан, бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда, бир оғиз, бир пақир бўлмоқ, бир пул, бир пуллик, бир чақалик, бир сўзи иккита бўлмади, бир тийин, бир чимдим, бир чўқишда қочирмоқ, бир шингил, бир қулоғидан кириб, иккинчисидан чиқмоқ, бошларини бир ерга (жойга) бирлаштирмоқ (қовуштирмоқ), гапни бир жойга қўймоқ, дарёдан бир томчи, бир қошиқ сув билан ютиб юборгудай: Улар бир қошиқ сув билан ютворгудай бўлиб ясанишди. (Саид Аҳмад. Мастонбиби).<sup>192</sup> Кўриниб турибдики, ўзбек тилида бир лексемаси нутқда жуда фаол бўлиб, фразеологик бирликларда компонент сифатида турли семантик хусусиятларга эгадир.

“Икки” сони, асосан, турли маънодаги зиддият рамзи ҳисобланади: оқ ва қора, аёл ва эркак, кун ва тун, материя ва рух.<sup>193</sup> Ўрганилган фразеологик бирликлар ичида қуйидаги маданий-символик тушунчалар яққол кўзга ташланади:

1) **иккиланиш, бир пайтда юз бериш**; Бу гуруҳга ички тарафдан шаффоф тузилган фразеологик бирикмаларни мисол қилиш мумкин: рус тилидаги “Убить двух зайцев” (икки қуённи ўлдирмоқ), “гоняться за двумя зайцами” (икки қуён ортидан қувламоқ), ўзбек тилида эса “бир кесак билан икки қушни урмоқ”, “бир кесак билан икки қарғани урмоқ”

<sup>190</sup> Абдурахимов М. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980.–Б.21-26.

<sup>191</sup> Маҳмуд Саттор. Ўзбекнинг гапи кизик. –Тошкент: Тафаккур қаноти. 2011. –Б.48.

<sup>192</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978. –Б.38-44.

<sup>193</sup> Маковский М.М. Сравнительный словарь мифологической символики в индоевропейских языках. – Москва: Gumanit. Изд.центр“Владос”, 1996. –С.390.

фразеологизмлари бир маънода, яъни айти бир пайтда “икки нарсани кўзлаб иш тутмоқ”<sup>194</sup> маъносида ишлатилади. Фраземаларининг таркибидаги турли хил зоонимлар фразеологик бирикмалар таркибида “нишон” ролини ўйнайди. “Заяц” – куён, “куш” ёки “қарға” зоонимлари турлича бўлса-да, айти бир “мақсад”да ишлатилган. “За двумя зайцами погонишься, ни одного не поймаешь” фразеологизми эса рус ва ўзбек тилларида бир хил ишлатилади: “икки куёни қувлаган, бирини ҳам тутолмас”. Юқоридаги мисолларга қарама-қарши мазмундаги бу фразеологизм – катта манфаат кўриш ниятида бир йўла “икки ишнинг кетига тушган, иккаласини ҳам удралай олмайди” маъносида қўлланади.

2) **меъёрнинг ошиши ва пасайиши** “Видеть на два аршина под землёй” (икки аршин ҳажмида ер тагини кўриш) фразеологик бирикмаси “жуда зийрак” маъносида келиб, “аршин” ўлчов бирлиги компонент сифатида қатнашган. (Аршин – қадимий ўлчов бирлиги, 0.71 м.га тенг)<sup>195</sup> У ишониб бўлмайдиган ҳолатни акс эттиради; икки аршин ер остини ҳеч ким кўролмайди. Бу ибора семантик жиҳатдан ўзбек тилидаги “Ер остида илон қимирласа билади” фразеологизмига тенг бўлсада, *аршин* лексемаси ўзбек фразеологизмида ҳам учрайди ва “ўз нуқтаи назари, ўз ўлчови билан баҳоламоқ” мазмунида қўлланилади: “ўз аршини билан ўлчамоқ”: *Ҳар ҳолда, кимки ким ҳақида ёзмасин, ўша одамнинг ўзига ўхшашини хоҳлайди, бошқача айтганда, ўз аршини билан ўлчайди.* (М.М.Дўст. Лолазор [ЎТИЛ.I.46]).

Рус тилидаги “*вершок*” сўзи ҳам реалия ҳисобланиб, (4,4см.га тенг қадимги рус ўлчов бирлиги) “*От горшка два вершка*” фраземаси таркибида келиб, паст бўйли одамга нисбатан ишлатилади. Ўзбек тилидаги “*бир қаричликдан*” фраземаси юқоридаги фраземанинг аналоги ҳисобланади. “Қарич” – ёзилган панжанинг бош бармоғи учидан жимжилоқнинг учигача бўлган масофа [ЎТИЛ.V.248]; шу масофага тенг

<sup>194</sup> Раҳматуллаев. Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. “Ўқитувчи” нашриёти. –Тошкент.: 1978.–Б.40.

<sup>195</sup> Фаттах Мохаммед Абу эль-Иля. Лингвокультурологический анализ фразеологизмов с числовым компонентом в русском и арабском языках // Политическая лингвистика. 2018.-№1(67). –С.171.

эски ўзбек узунлик ўлчови: *Гулнор, бир қаричликдан меҳнатга уринган бу жафокаш қиз, энди ўзи ишқнинг олов кўйлагида яшар эди.* (Ойбек. Қутлуғ қон).<sup>196</sup>

3) **ўхшаш, бир хил.** Гуруҳга мансуб мисолларни кўриб чиқамиз: киноя мазмунидаги “*два сапога пара*” рус фразеологизмида бирор салбий хислат билан ўхшаш бўлган инсонлар таърифланади. Иборада “сапог” – “этик” маъноси инсон сўзига метафоризациялашган ва бир-бирига ўхшатишган. Ўзбек фразеологиясида худди шу семантикани “*кўр кўрни қоронғида танийди*” ибораси беради.

4) **қарама-қарши, номутаносиблик.** Бу гуруҳга касбий доирада, характер жиҳатдан, ижтимоий жойлашувда тенг ҳисобланган инсонларнинг қарама-қарши хислатлари англашилган синонимик фразеологизмлар киритилган. Масалан, *два кота в одном мешке не улежатся* – бир қопда икки мушук жойлашмас, *два медведя в одной берлоге не живут* – икки айиқ бир инда яшамас, *две собаки в одной конуре не живут* – икки ит бир инда туrolмас. Биз ўзбек тилидаги худди шу мазмунни берувчи фразеологизмларни кўриб чиқдик: “*икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас*”, “*икки от тепишса, ўртада эшак ўлар*”. Бу ерда *кот* – *мушук*, *медведь* – *айиқ*, *собака* – *ит* лингвокультуремалари маданий кодни белгиласа, ўзбек ибораларидаги *қўчқор*, *от, эшак* миллий кодни белгиловчи компонент сифатида қатнашган.

*Лингвокультурема* – тил бирлигига нисбатан мураккаб ҳодисадир. У ўзида тилнинг ифодасини, тасавури билан бирга тилдан ташқаридаги муҳитни (вазият, реаллик), мавжудликни ифода этади<sup>197</sup>.

5) **алоҳида кўчма маъноли** а) *яқин масофа*: рус тилида *в двух шагах* – икки қадам нарида, ўзбек тилида “*икки қадам*”; б) *тезлик*: рус тилида *в два счёта* – икки деб санагунча, ўзбек тилида – “*бир чўқишда*”; в) *аниқлик*: рус тилида *как дважды два четыре* – икки карра икки тўртдай, ўзбек тилида

<sup>196</sup> Абдурахимов М. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б.25.

<sup>197</sup> Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологияси. –Тошкент: Наврўз, 2019. –Б. 225.

бу мазмундаги фразеологизм сонга боғланмаган: “*кундай равшан*”; г) *имкони йўқлик*: рус тилида *двум смертям не бывает, а одной не миновать* – имкони йўқ нарсага қарор қилиш, ўзбек тилида “*икки дунёда ҳам*”; д) *қисқалик, лўндалик*: *в двух словах* – икки сўз билан, ўзбек тилида “*икки оғиз*”.

“*Икки*” рақами компонент сифатида қуйидаги ўзбек ибораларида учрайди: *икки дунё бир қадам, икки жаҳон овораси, икки оёғини бир этикка тиқмоқ(суқмоқ), икки ўртада, икки олов орасида, иккала қўлини бурнига тиқиб қолмоқ*<sup>198</sup>; *икки ёрти бир бутун, икки аҳмоқ тегирмонда уришар, икки мулла – бир киши, бир мулла – хотин киши, икки хўроз уришса товўқлар дам олади, икки от тепишса, ўртада эшак ўлади, икки жинни қўшилди – бўлди бир қурбон ҳайит*<sup>199</sup>; *икки букилганча, икки гапнинг бирида, икки гапнинг ўртасида, икки дунёда ҳам, икки кўзи тўрт бўлиб, икки оёғини тираб олмоқ, икки оғиз, икки сўзнинг бирида (орасида), икки-уч оғиз, икки шингил, икки энлик, икки қўлини оғзига тиқмоқ, гапини икки қилмаслик, икки қўллаб*<sup>200</sup>;

Кўпинча мифологик тизимларда “*уч*” сони мукамал образ сифатида келади. Уни ҳатто “*идеал структурали*”, яъни боши, ўртаси ва ниҳояси мавжуд сон деб, қарашган.<sup>201</sup> Бу рақам муқаддас рақамлардан бири ҳисобланиб, илоҳий ичимликларнинг қўшилишини акс эттиради. Ўтмишда бу рақам маъбуданинг 3 хилдаги образини билдирган. Бу маъбуда бир пайтнинг ўзида қиз, аёл ва кекса кампир образида ўзини намоён этган. Христиан динида 3 рақами авлиё Троица рамзи бўлган. У бутун ҳаёт циклини, жумладан, туғилиш, ҳаёт ва ўлимни акс эттиради. Шунингдек, у

<sup>198</sup> Абдурахимов М. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б.54-55.

<sup>199</sup> Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.–Б.128-130

<sup>200</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978. –Б.110-113.

<sup>201</sup> Топоров В.Н. О числовых моделях в архаических текстах//Структура текста, –М.: Наука, 1980. –С. 32.



эркак ибтидосининг ҳам рамзи саналади. Айнан бу муқаддас сонга ишонч сабаб кўп дуо ва афсунлар уч марта такрорланган<sup>202</sup>.

Рус лингвомаданиятида бу сон қуйидагиларни англатади: 1) **кичик маконни**: “*заблудиться в трёх соснах*” (уч карағай орасида адашиб колмоқ) – оддий нарсанинг фарқига бормаслик; 2) **давомийликни**: “*обещанного три года ждут*” (ваъда берилган нарсани уч йил кутмоқ) – узоқ кутмоқ; 3) **кўп миқдорда**: “*на третьем взводе*” (учинчи мартада), “*с три короба навратъ*” – “учига чикқан ёлғончи, жуда кўп” маъносида.

Ўзбек тилида “уч” компонентли фразеологизмлар сўзлашув нутқида кўпроқ учрайди: “*мен бировни уч пулга олмайман, биров мени бир пулга олмайди*”, “*уч ойлик – кўкча бойлик*”, “*уч пулим – куч пулим, бир фақир – жоним фақир*”<sup>203</sup>; “*уч пул*”, “*уч пул бўлмоқ*”, “*уч пул қилмоқ*”, “*уч-тўрт оғиз*”;<sup>204</sup>

“Тўрт” сони рус тилида ҳам ўзбек тилида ҳам бир семантика доирасида ишлатилиши мумкинлигини кузатишимиз мумкин: “*тўрт девор ичида ўтирмоқ*” фразеологизми “*в четырёх стенах жить* (сидеть) – ҳеч ким билан алоқасиз, ёлғиз; “*на все четыре стороны*” – ҳар тўрт тарафга кетиши мумкин, мазмунида бўлиб, ўзбекча аналоги “тўрт томон(и) қибла” – қаёққа хоҳласа, кетаверсин; Фақат бу фразеологизмдаги “қибла” (қибла – мусулмонлар намоз ўқиётган пайтда юзни қаратиб, ўгириб турадиган, Макка шаҳри жойлашган томон [ЎТИЛ.II.346]) лингвокультурамаи айнан миллийлик ифодасини кўрсатиб беради. “*За четверых*” фразеологизми “кўп киши учун меҳнат қилмоқ, бажармоқ”, “жуда кўп” маъносини бериб, маънонинг ортиқлигини ифодаласа, ўзбек тилидаги “*тўрт оғиз*”, “*тўрт энлик*” фразеологизмлари “жуда оз” миқдорни англатади. *Паҳлавон тракторчи ишини навбатчига топширгач, қадрдон дўсти Бекбўта билан*

<sup>202</sup> Сиддиқова Х. [http://www.zamonaviy.uz/yaangiliklar/raqamlarda\\_sizning\\_va\\_atrofdagilarning\\_psixologiyasi](http://www.zamonaviy.uz/yaangiliklar/raqamlarda_sizning_va_atrofdagilarning_psixologiyasi). Рақамларда сизнинг ва атрофдагиларнинг психологияси.

<sup>203</sup> Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.–Б.35 2.

<sup>204</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978.–Б.242.

*тўрт оғиз аския қилиб, ҳол-аҳвол сўрашмоқ учун келарди.* (Ш.Рашидов. Бўрондан кучли) [ЎТИЛ.V.273].

Аждодларимиз тўрт унсур: сув, ҳаво, ер, қуёшни ҳаётнинг бошланиши деб таффакур қилишган. Бу тўрт унсур мавжуд эмас экан, ҳаёт ҳам мавжуд эмас. Таффакур тараққиётининг тўрт миқдори билан бевосита алоқадор қатор бирикувлари юзага келдики, бевосита инсон тириклигини ифодаловчи зарурий ифодага айланди: *Тўрт мучалинг омон бўлсин.*

*Тўрт* сони иштирок этган бирикувлар комил инсоннинг ички дунёсини ифодаловчи воситалардан саналади. Яратганнинг даргоҳидан умидвор бўлиш, нажот сўраш, ушалмаган орзулардан умид қилиш аждодларимиз ниятларидир. *Тўрт кунлик дунё* ифодалаган мазмунга эътибор берсак, бир қарашда дунё тўрт кун бўлмайди. Дунё тушунчаси қанчалар қамровли ва кенгдир. Лекин ҳаёт лаззати, яшаш иштиёқи шу даражада зўр, шу даражада тотлики, у сиқик – ўта қисқа муддатни тақозо қилгандай тушунилади. Натижада, мана шу “қисқа” даврда (тўрт кунда) қандай эзгу ниятларни амалга ошириш, нималарга улгуриш-у, нималарга улгурмаслик фалсафаси ҳукм суради.

Тилда аналогия ҳодисаси ҳукмрон ва ана шу қисқалик тушунчаси бошқа ҳолатларга ҳам кўчирилган ҳолатда иборалар ҳосил қилади. *Овқат (ош)га тўртта туз ташлаб қўйгин (ташлагин).* Ваҳоланки, овқатга туз доналаб солинмайди. Ёки: *товуққа тўртта дон ташлаб юбор.* Бу тушунчаларни *тўртмасиз* ҳам ифодаласа бўлади. Аммо унда эмоционаллик, шахснинг ҳиссий туйғулари, маълум даражада эркалаш-кичрайтириш йўқолади. Аксарият ҳолатларда нарса-ходисаларга шахснинг муносабати асосий ўринни эгаллайди. *Молларга (қўйларга) тўртта хашик (емиш) ташлаб қўй* бирикувига ҳам юқоридаги изоҳни қўллаш мумкин.

*Тўртта суҳбатингизни олайлик, тўртта суҳбатлашайлик* каби ибораларда ҳам *тўрт* сони миқдорни ифодалаётгани йўқ, балки вақтга –

пайтга муносабатни англамоқда. Лекин *тўртта суҳбат* ҳар қандай учраган одамга қилинадиган мурожаат эмас, балки суҳбатдошларнинг бири-бирига жуда яқинлигини билдирувчи, ҳурматини жойига қўювчи символик белгидир: мамнунлик, қониқиш, айти пайтда кутилмаган хурсандчилик кабилар.

*Тўрт кўз тугал* ибораси кўп маъноли бўлиб, аксарият ҳолларда олқиш таркибида келиб, берилган неъматга шукрона келтиришнинг ўзига хос шакли ҳисобланиб, жиддий ҳаётий тажрибалар якуни саналади. Бошдан кўп уқубатларни ўтказган халқ ҳар бир янгилик, пишиқчиликка эсон-омон етказган оллоҳга шукроналар келтирган ва шундай давом этишини орзу қилган.

*Тўрт тараф (томон)инг қибла*. Одатда қибла – жанубий-ғарб томон мусулмонлар ҳаётида муқаддас тараф ҳисобланади. Кўпгина ижобий тимсоллар қиблага – каъбага нисбатан берилади: *қиблагоҳим онам* (қўшиқдан), *қиблам – суянчигим* кабилар. Демак қиблага фақат ижобий сифатлар қиёсланмоқда. Аммо ҳаёт ҳақиқати ҳамма вақт ҳам объектив борлиқ билан мос келвермайди. Ҳаётий зиддиятлар, одамларнинг комилликдан йироқлиги, маърифат ва жаҳолатнинг яхшилик билан келиши, баъзан жаҳолат, ёмонлик, пасткашликнинг эзгулик устидан устун келиш ҳоллари учраб қолади.<sup>205</sup> Демак тўрт тараф (томон)га шундай кетавериш эмас, балки норизолик устун бўлганда охириги чора қўллангандаги ҳолатдир. Умумун, *тўрт* рақамининг семантик компонентлари асосида яратилган иборалар ҳаётнинг ҳамма жабҳаларига тааллуқли ва улар ҳаётимиз каби қадимийлигини кўрсатади.

*“Пятое колесо (в телеге)”* – (бешинчи ғилдирак) фразеологизми “бирор ишда ортиқча инсон”га нисбатан ишлатилади. Рус тилидаги “*без пяти минут*” иборасининг аналоги ўзбек тилида йўқ, “*яқинда қандайдир*

---

<sup>205</sup> Алмаматов Т., Ядгаров Қ. Тўрт сонининг семантик хусусиятлари. Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. –Тошкент, 2009. –Б117-118.

лавозим эгаси бўлади” мазмунидаги бу фразеологизм рус халқи сўзлашув нутқида кўп учрайди.

Бу рақам (2+3) аёл ва эркак ибтидоси бирлигининг рамзидир. У эркак ва аёлнинг иттифоқини, никоҳини билдиради. Қадимги олимларнинг фикрича, бу рақам асосий 4 та элемент ва квинтэссенциянинг бирикмасидан иборат бўлган.

Ўзбек тилида “беш” сони билан боғлиқ қуйидаги фразеологизмлар ишлатилади: “беш бармоғини оғзига тиқмоқ”, “беш панжасини оғзига тиқмоқ”, “беш қўлини оғзига тиқмоқ”, “тилини беш қарич қилмоқ”<sup>206</sup>, “беш бармоқнинг бирини тишласанг, бари оғрир”, “беш қўл оғизга сизмас”<sup>207</sup>;

“Етти” рақами муқаддас рақамлардан ҳисобланиб, у инсон қалбини донолик ва сирли билимларга тўлдиради. Илоҳий яралишнинг 7 кун, гармониянинг 7 нотаси, спектрнинг 7 ранги ва ҳоказоларнинг мавжудлиги бежиз эмас. Қадимги славянлар 7 ўғилли булса, мисли кўрилмаган сеҳрли кучга эга бўлишига ишонишган<sup>208</sup>.

Жаҳон маданияти анъанасига кўра, “етти” сеҳрли, мўжизали белги ҳисобланади ва мукамаллик, коинот тартиби ва цикл (давр) якунини символлаштиради. Бу рақам яна диний характерга эга бўлиб, христианликда ҳам салбий, ҳам ижобий символикани, исломда эса Муқаддас Қуръондаги илк зикр этилган рақамдир. У етти осмон, ер ва сувдан иборат Коинотнинг яратилиш белгиси ҳисобланади.<sup>209</sup>

Таҳлиллар шуни маълум қилдики<sup>210</sup>, рус фразеологизмида “етти” рақами тез-тез учрайди ва қуйидаги маъноларни ифодалайди: узок масофани: “за семью морями” – етти денгиз ортида; давомийликни:

<sup>206</sup>Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978.–Б.38.

<sup>207</sup>Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.–Б.35.

<sup>208</sup>Сиддикова Х. [http://www.zamonaviy.uz/yaangiliklar/raqamlarda\\_sizning\\_va\\_atrofdagilarning\\_psixologiyasi](http://www.zamonaviy.uz/yaangiliklar/raqamlarda_sizning_va_atrofdagilarning_psixologiyasi). Рақамларда сизнинг ва атрофдагиларнинг психологияси.

<sup>209</sup>Kalsum Madkan. Dalaljat Al-Adad fi al- Kuran al-Karim (Semantika chisla v Svyashchennom Korane) //Al – Asar: zhurn.-Alzhir. 2012. №14, iyun. –S.113.

<sup>210</sup>Фаттах Мохаммед Абу эль-Иля. Лингвокультурологический анализ фразеологизмов с числовым компонентом в русском и арабском языках // Политическая лингвистика. 2018.-№1(67). –С.173.

“*седьмой сон видеть*” – еттинчи тушини кўриш, ўзбек тилида бу фразеологизмнинг “*етти ухлаб тушида кўрмаслик*”, “*етти ухлаб тушига кирмаслик*” вариантлари мавжуд; узок қариндошлик: “*седьмая вода на киселе*” – жуда узок қариндош маъносида ишлатилади; таваккалчилик: “*семь бед – один ответ*” – нима бўлса, бўлар маъносида; чарчаш: “*до седьмого пота*” – “жуда узок вақт толиқиб меҳнат қилиш” етти маротаба терлаш маъносида; қувонч: “*быть на седьмом небе*” ва ўзбек тилидаги “*еттинчи осмонда*” фразеологизмлари икки тилда ҳам бир маънони англатади; катта ҳажмда: “*семеро одного не ждут*” – бир киши кечикса, қолганлар уни кутмайди маъносида ишлатилади. Бундан ташқари, “*быть семи пядей во лбу*” фразеологизми жуда ақлли, лекин салбий маънода “*семи мильными шагами*” (миля – йўл ўлчов бирлиги: 1 миля -1609 метр<sup>211</sup>) жуда катта қадам ташлаб келиш лозимлигини англатувчи фразеологизмдир.

Ўзбек фразеологизмлари ичида “*етти*” рақами куйидаги мазмунларда келади: “*етти букилиб*” – ортиқ даражада букилиб, “*етти ёшдан етмиш ёшгача*” – ҳамма, “*етти номусини ерга букмоқ*” – шарманда қилмоқ, “*етти ўлчаб, бир кесмоқ*<sup>212</sup>” фразеологизми “ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш қилмоқ” маъносида ишлатилиб, рус лингвокультурологиясига ҳам хосдир: “*семь раз отмерь, один раз отрежь*”, “*етти гўлаҳга ўт ёқмоқ*” – қийинчилик кўрган, “*етти қовун пишиги*<sup>213</sup>” – ҳали вақт бор, жуда вақт кўп;

Бундан ташқари, “*саккиз*”, “*тўққиз*”, “*ўн*”, “*ўттиз*”, “*қирқ*”, “*эллик*”, “*олтмиш*”, “*етмиш*”, “*саксон*”, “*тўқсон*”, “*юз*”, “*минг*” рақамлари ҳам фразеологизмларда ўзига яраша рамзий маъноларни акс эттирган: *санамай саккиз демоқ; тўққиз пулдек қилиб тушунтириб бермоқ; ўн огиз; ўнта бўлса ўрни бошқа; олтмишгача ошир, етмишдан сўнг яшир; саксон кун саноқда, тўқсон кун товоқда; элакка кирган*

<sup>211</sup>Ожегов С.И. Словарь русского языка. –Москва: Гос.из-во иностранных и национальных словарей, 1960. –С.343.

<sup>212</sup>Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978. –Б.85-86.

<sup>213</sup>Абдурахимов М. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б.43.

хотиннинг эллик оғиз гапи бор; ўтга келган хотиннинг ўттиз оғиз гапи бор; эшак эликка кирганда қилиқ чиқарар; юзта “сиз-биз”дан, битта “жиз-биз” яхиши; қирққа чидаган, қирқ бирига ҳам чидайди; ҳунар бир, пардоз қирқ; қирқ пичоқ бўлиб юриши; санамай “ўттиз” демоқ, сичқоннинг уни минг танга бўлмоқ; эллик оғиз; юз оғиз; қирқ марта ўлчаб, бир марта кесмоқ; қирқ ўлчаб бир кесмоқ.

Шундай қилиб, келтирилган таҳлилларга кўра, рақам компонентли рус ва ўзбек фразеологизмларини ўрганиш бизга қуйидаги хулосаларни беради:

– рус фразеологиясида энг фаол рақамлар “бир”, “икки”, “уч”, “етти” бўлса, ўзбек фразеологиясида “бир”, “икки”, “уч”, “тўрт” ва “етти” рақамлари энг кўп учрайдиган рамзий лингвокультуремалардир;

– рақам компонентли фразеологизмлар эквивалентининг асосий қисмини символик мазмунга эга бўлган “бир” лексемаси ташкил этади;

– рус фразеологик бирликларнинг миллий-маданий ўзига хос характерли жиҳати шундаки, уларда бошқа дунёқараш миллий кодани юзага келтирувчи реалиялар, ўз оламининг тарихий ва диний манзарасини бериш тажрибаси ётади.

### **3.2. Рақам компонентли фразеологик бирликларнинг лингвопрагматикаси**

Фразеологизм семантикасидаги прагматик ахборот нутқ жараёнида ёки матнда муайян коммуникатив вазиятда реаллашиб, лингвистик ва экстралингвистик, тарихий-маданий, ижтимоий-маданий, этимологик ахборотларни ифодалаб, мулоқот иштирокчиларининг прагматик ва муносабатларини ифодаловчи лисоний воситалардир. Бу жараёнда адресат (муаллиф, сўзловчи) прагматик маънонинг, яъни муносабат билдирувчининг субъектив баҳоловчиси вазифасини бажаради. Субъектнинг объектни баҳолаши табиат, одамлар, нарса ва ҳодисаларга нисбатан ижобий, салбий, нейтрал муносабатларда, оламни лисоний идрок қилишдаги миллий, маданий, этнографик, ижтимоий мавқе, этнографик

хусусиятларни ифодаловчи лисоний бирликларда ўз аксини топади. Улар фразеологик бирлик семантикасидаги миллий-маданий, коннотатив компонентлар дея юритилиб, тил концептосферасига кирувчи тушунчалар сифатида ўрганилади.<sup>214</sup>

Фразеологик бирликлар семантикасида ифодаланадиган прагматик ахборотда прагматик мақсад ва муносабат, коннотатив образлилик, миллий-маданий ўзига хосликлар бошқа лисоний бирликларга қараганда кучлироқ ифодаланади. Фразеологизмлар таркибидаги прагматик ахборот мулоқот жараёнига, матнга эмоционаллик, ифодавийлик, интенсивлик берадиган, фикрни эстетик таъсирли ифодалашда турлича ассоциациялардан фойдаланиб, образли ифодалашда муҳим роль ўйнайди.

Фразеологиянинг асосчиларидан бири, тилшунос В.В.Виноградов фразеологик бирликлар семантикасидаги ахборотни англашда уларни қуйидаги учта катта гуруҳга бўлиб ўрганишни тавсия берган:

1. Лексик фразеологизмлар. Масалан “*стрелянный воробей*” (сўзма-сўз: ўқ еган читтак – туллак, қув, пихини ёрган, кўпни кўрган одам; “*козёл отпущения*” (сўзма-сўз: қўйиб юборилган така) – ҳамма балого тўғаноқ, балогардон; “*сматывать удочки*” (сўзма-сўз: қармоқни йиғиштирмак) – қочиқ қолмоқ, жуфтакни ростламак;

2. Предикатив фразеологизмлар. Масалан: “*Оказывать медвежью услугу*” – қош қўяман деб, кўз чиқариш, бефойда ёрдам; “*Поставить на своё место*” – кимлигини эслатиб қўймоқ, ўрнини билдириб қўймоқ;

3. Тилда мустақкам турғунлашган компаратив фразеологизмлар. Масалан: “*Хитрая как лиса*” – тулкидек айёр; “*твёрдый как камень*” – тошдек қаттиқ;

Прагматик ахборотни англашда фразеологизмларнинг нутқ жараёнидаги функцияларини таҳлил қила билиш ҳам муҳимдир. Улар матнда қуйидаги прагматик функцияларни бажаради:

---

<sup>214</sup>Кўчибоев А. Матн прагматикаси. Ўқув-услубий қўлланма. –Самарқанд, 2015. –Б.62.

1) фразеологик бирлик субъектнинг объектга нисбатан баҳоловчи, эмотив муносабати, нутқий ҳаракатини ифодалайди;

2) фразеологик бирлик субъектнинг волюнтатив, яъни адресатнинг бирор иш-ҳаракатга ундашини, коммуникатив прагматик мақсадини ифодалайди;

3) фразеологик бирлик орқали ифодаланадиган прагматик маъно апеллятив функцияни бажариб, адресатнинг нутқий ҳаракатини бажаришга даъватини ифодалайди;

4) фразеологик маънонинг муносабат ўрганувчи функцияси, яъни муайян нутқ вазиятларида адресатнинг (тингловчи-китобхонни) диққат эътиборини тортиш, прагматик таъсир қилиш, бу орқали суҳбатдошни жавоб реакциясига рағбат уйғотиш вазифасини бажаради;

5) фразеологик ахборот мулоқот жараёнида экспрессив-эстетик таъсир қилиш функциясини ҳам бажаради<sup>215</sup>.

Ш.Усмонова ўзининг “Лингвокультурология” дарслигида маданият инсон фаолиятдан ва жамиятдан ташқарида мавжуд бўлмаслиги, айнан инсоннинг фаолияти борлиқнинг янги тўртинчи шакли бўлган маданиятни вужудга келтирганини ёзади. Шу билан бирга, Миллий маданият бошқа маданиятлар билан мулоқатга киришиши ва она маданиятнинг эътиборидан четда қолган жиҳатлари ўртага чиқиши ҳақида фикр билдиради<sup>216</sup>. Аксарият кишилар ўзларининг дунёни тушунишлари, ҳаёт тарзлари ва яшаш йўлларини тўғри деб ҳисоблашади. Ўз миллий қадриятларини барча учун тушунарли деб ўйлашади. Қачонки ўзга маданият вакиллари билан тўқнаш келишганида дунёда бошқача қадриятлар борлигини тушуна бошлашади. Ўзбек халқи миллийлиги билан, гўзал фразеологизмлари билан машҳур. Ана шундай фразеологизмлардаги лексемаларнинг этимологиясини билмай, мазмунини

---

<sup>215</sup>Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. –Москва: Наука, 1985. –С. 228.

<sup>216</sup> Усмонова Ш. Лингвокультурология. Дарслик. –Тошкент, 2019.–Б.54.



тушуниб-тушунмай, муомилада ишлатилиб келинаётган иборалар талайгина.

Т.Б.Пасечник фразеологизмларни лингвокультурологик таҳлил этар экан, фразеологик номинациянинг ўзига хослиги, фразеологик бирликлар коидага биноан, ҳолат рўй берган даврда номланган воқеликни бошқаришини (бошланғич номинация) таъкидлайди, шу билан бирга билвосита ёки иккиламчи номинация белгиси сифатида кела олишини асослайди. Бошланғич этимологик ва актуал метофоризация пайтида маъно орасида фразеологизмнинг ички шакли юзага келишини, у ҳолат, ҳаракат, нарса-буюм ҳақидаги бирламчи образли тушунчани беришини айтади. Олим фразеологик бирликларнинг ички шакли “*тирик*” ёки “*ўлик*” бўлиши мумкинлигини, яъни ҳозирги даврда бир сабаб билан ҳосил бўлган фразеологизм “*тирик*”, қачонлардир тирик ҳисобланиб, этимологияси ноаниқ фразеологизмга хос диахрон бирликлар эса “*ўлик*” ҳисобланишини таъкидлайди.

Компоненти сон бўлган ички шакли “*тирик*” фразеологик бирикмаларга Т.Б.Пасечник қуйидаги фразеологизмларни мисол қилади: “*Убивать двух зайцев*” – бир пайтнинг ўзида икки мақсадга етишмоқ, “*заблудиться в трёх соснах*” – оддий масалани еча олмаслик, “*сидеть между двух стульев*” – иккиланмоқ;

Ички шакли “*ўлик*” фразеологик бирикмаларга эса қуйидагиларни мисол қилиб кўрсатган: “*голова два уха*” – бефаҳм инсон, “*с первого абцуга*” – аввалидан, бошидан, “*аллюр три креста*”(аллюром три креста) – жуда тез;<sup>217</sup>

Биз ўзбек тилидаги фразеологик бирикмалар ичида ҳам бундай “*ўлик*” бирликлар мавжудлигини қуйидаги мисоллар орқали кўриб чиқдик: “*Азроилнинг бир турқи – бўрида*”, “*Аямажуз олти кун, қаҳр айласа, қаттиқ кун*”, “*Бир булдириқ уч қорага татийди*”, “*Бўйдоққа эллик қари*

---

<sup>217</sup>Пасечник Т.Б. Лингвокультурологический анализ фразеологических единиц с числовым компонентом в русском языке в сопоставлении с английским: Автореф.дис...филол.н. –Москва, 2009. –С.7.

бўз ҳам етмайди”, “Олтмиш кун атон бўлгунча, олти кун бугра бўл”; Аямажуз, булдириқ, қари, атон тушунчалари диахрон бўлиб, фақат ўзбек миллатига тегишли ва этимологияси ўрганилганда, ўзида ментал кўринишни акс эттиради. Масалан, “иштонсизнинг тушига уч қари бўз кирибди” фразеологизмининг прагматик таҳлилида шуни кўришимиз мумкинки, фразеологизм таркибидаги лексемалар фақат ўзбек миллатига хос. Сўзловчи илгари меҳнаткаш халқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи бениҳоя оғир бўлганини эслаши керак. Халқ ўзининг шу оғир аҳволини, камбағаллик, йўқсиллик, қашшоқлик ва бунинг оқибатида рўй берадиган оч-яланғочликни турли мисоллар воситасида ёрқин ифода этган: “Бўздан тикилган кўйлак арзон ва кўримсиз бўлади”. Бу ибора билан: “Шўрлик камбағал амаллаб бирор янги бўз кўйлак кийишга етишгудек бўлса, бир неча кунгача ўзида йўқ хурсанд бўлиб юради”, демоқчи бўлганлар<sup>218</sup> ва бу фразеологизм айни тарихимизни яхши билган инсонлар мулоқотидагина учраши мумкин.

Ёки “Олтмиш кун атон бўлгунча, олти кун бугра бўл” фразеологизмидаги *атон* ва *бугра* лексемалари миллий-маданий семантикаси этимологик жиҳатдан ўрганилганда, ментал кўринишни акс эттиради: *атон* – ахта туя, *бугра* – туянинг айғири, беш ёшдан ошган, кучли, бакуват, икки ўрқачли эркак туя. Мазкур ибора билан халқимиз: “қўлидан бир иш келмай, ожиз, заиф одам бўлиб узоқ яшаганингдан кўра, кучли, серғайрат, серҳаракат, шиддатли, жўшқин, жасур одам бўлиб қисқароқ умр кўрганинг афзалроқ”, демоқчи.<sup>219</sup>

Тилнинг ички эквивалентини белгилашда фразеологик бирикмаларнинг келиб чиқиш намуналарини (ўхшаш ёки фарқли томонларини) ўрганиш шартдир. Образлилик асоси ноўхшаш бўлган фразеологик бирикмаларнинг маънолари қийосланганда, фразеологик бирикма модели қай ҳолатда қурилганини ўрганиш зарур.

<sup>218</sup>Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.–Б.156.

<sup>219</sup>Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.–Б.255.

Ю.П.Солодуб таъкидлаганидек, фразеологик модель ўзининг умумийлашган логик-семантик тузилма мазмунига эга бўлган схемасини тилдаги белгиланган фразеологизмларида ифода этади. Унинг фарази бўйича, фразеологик модель икки таркиблидир: 1-компоненти – бир турдаги умумийлашган мазмунга эга формулалар фразеологизмлар бўлса, 2-компоненти эса ўша турдаги мазмунга эга бўлган бутун тушунчанинг семантик натижасидир, яъни ўхшаш фразеологизмларни таққослаш учун умумийлаштирилган кўчма маънодир.<sup>220</sup>

Фразеологизмларни шакллантиришда унинг компонентлари қандай тил бирликлари эканлигини аниқлаш зарур. А.Э.Маматовнинг фикрича, тилшуносликда фразеологизмлар таркибидаги лексемалар ўзининг “хусусий маъноларини”, “маъно мустақиллигини”, “лексемалик даражасини йўқотади”, “хусусий маъноси кучсизланади” каби талқинлар мавжуд. Компонентларнинг ўзаро муносабати шундай қуриладики, бунда улардан бири асосий таянч ва мантиқий асос ҳисобланади. Таянч компонент фразеологизмнинг лексик-грамматик гуруҳини аниқлашда ҳам муҳим роль ўйнайди<sup>221</sup>. В.В.Виноградов “...фразеологизмларнинг ноаниқлик даражаси ўта ёпиқ, берклиги, фразанинг туташлиги, шунингдек, сўз-компонентларининг номустақиллиги турли фразеологизмларда ҳар хил бўлади<sup>222</sup>” деб, таъкидлайди. Тилшунос А.И.Смирницкий эса “фразеологизмларнинг компонентларини лексема деб аташ лозим, аммо улар ўзларининг сўзлик хусусияти билан фарқланади<sup>223</sup>” деган фикрни илгари суради. Ш.Раҳматуллаев фразеологизмларни ташкил этган компонентлар ўзларининг хусусий маъноларини сақлаб қолишини таъкидлаб, улар таянч ва нотаянч компонентлар сифатида келиши<sup>224</sup> мумкинлигини айтади. А.И.Молотков бундай фикрларни рад этиб, “фразеологизмларнинг компонентларини лексемалар билан аралаштириб

<sup>220</sup> Солодуб Ю.П., Альбрехт Ф.Б. Современный русский язык. Лексика и фразеология (сопоставительный аспект). –Москва: Флинта.Наука, 2002. –С.246.

<sup>221</sup> Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологияси. –Тошкент: Наврўз, 2019. –Б.137.

<sup>222</sup> Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова//ВЯ.1953.№5. –С.21.

<sup>223</sup> Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. –Москва, 1956. –С.207.

<sup>224</sup> Раҳматуллаев Ш.Ўзбек тилида феъл фразеологизмларнинг боғлашуви. –Тошкент, 1992. –Б.6.

бўлмайди, компонентларнинг сифат жиҳатидан фарқ қиладиган лексемаларни компонентлар деб атаб бўлмайди<sup>225</sup>” деган фикрни илгари суради.

Фикрларга асосланиб айтишимиз мумкинки, тилшуносликда бу масалада икки хил қараш мавжуд. Айрим тилшунослар фразеологизмлар таркибидаги компонентлар аралашиб кетиб, лексик маъносини йўқотган, сўздан ташқаридаги тил ҳодисаси сифатида қарашса, бошқалари эса бу фикрнинг акси, яъни компонентлар ўзларининг лексик хусусиятларини сақлаб қолишини, лекин бу ҳодиса турлича юз беришини эътироф этадилар.

Ҳар бир тил контекстуал ўрганилаётганда, тилнинг нафақат миллий-маданий семантикасини, балки нутқ жараёнидаги прагматик ҳолатини ҳам билиши зарур. Мисол учун, “*Аямажуз – олти кун, қахр айласа, қаттиқ кун*” фразеологизмига контекстуал ёндашилса, қуйидаги далилларга дуч келади: Аямажуз – айёми ажуз (арабча ажуз – кампир) кунлари. Ўрта Осиё халқлари қишни 90 кун ҳисоблаб, “тўқсон” деб атаганлар. Яна бунга эҳтиёт юзасидан 10 кун қўшиб, юз кунга тўлғазиб, “сад пок” деб, юритганлар. Тўқсон ҳозирги ҳисоб бўйича 13 декабрдан 13 мартгача бўлган даврга тўғри келади. Шу тўқсон куннинг охириги олти кунда қаттиқ совуқ бўлиб, (кўп йиллик кузатишларга кўра) ер яхлайдиган одати бор (баъзи йилларда совуқ бўлмай ҳам ўтади). Ана шу 6 кунни “Шаша” деб ҳам, “Аямажуз” деб ҳам атаганлар. Аямажуз сўзи ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Аямажиз” шаклида келтирилган, “айём” – арабчада кунлар, “ажуз” – қари, кампир, чол бўлиб, “Айёми ажуз” – қишнинг охириги ҳафтаси маъносини беради: *Бирдан аямажизнинг “ҳўкиз ўлдирар” изгирини бошланди.* (С.Нуров. Нарвон) [ЎТИЛ.1.125]. Бошқа тил вакили бу гапни эшитгач, албатта мазмунига изоҳ талаб этади.

Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида бу ой (февраль) ҳақида шундай ёзади: “Шу ой ичида “кампир

---

<sup>225</sup>Молотков А.И. Основы фразеологии русского языка. –Москва, -С.62.

кунлари” бўлиб, унинг боши йигирма олтинчи шуботдир. У кетма-кет етти кун бўлади. Йил кабисали бўлса, тўрт куни шуботдан, уч куни озор ойдан бўлади: (йил) кабисали бўлмаса, уч куни шуботдан, тўрт куни озордан (бўлади)... Қадимгилар ҳикоясича, бу кунларнинг “*кампир кунлари*” деб аталишининг сабаби шуки, буларни Худо ўз китобида “етти кеча ва саккиз наҳс кун“ (Қуръон. Ал-ҳоку сураси, 7- оят) деб баён этган. Од қавми шу кунларнинг қаттиқ совуқ шамоли, гирдоблари ва даҳшатлари билан ҳалок бўлган. Улар жумласидан бир кампир тирик қолиб, ҳалок бўлганларга марсия айтиб, йиғлаган. Шунинг учун бу кунлар “*кампир кунлари*” деб аталган. У (кеча-кундузларнинг) қиссалари машҳурдир... Баъзиларнинг гумонича, (шу кунларнинг “*кампир кунлари*”) деб аталишига сабаб шуки, бир кампир (ҳавонинг) исиганини кўриб, пахталик кийимини ечиб ташлаган ва шу кунларнинг совуғида вафот этган.

Кейинги мисолимизда *қари* қадимги узунлик ўлчов бирлиги компонент сифатида келган: “*Бўйдоққа эллик қари бўз ҳам етмайди*” Ўтмишда ҳозиргидек тайёр кийимлар бўлмас эди. Бозордан эндай (бичилмаган мато) – газлама, бўз, алак олиб, бўйларига ўлчатиб, кийим тиктирардилар. Ўғил уйлантиришда келин томонга саруполар қилмоқ, куёв бўлаётган йигитга янги кийимлар тиктирмоқ учун жуда кўп мато керак бўларди. Мазкур ибора билан: “Ўғил уйлантирмоқчи бўлсанг, олдиндан кўпроқ мато жамғариб бор. Акс ҳолда тўй кезлари етишмовчилик бўлса, ўзинга қийин бўлади, “чоп-чоп қилиб қоласан” деб, насиҳат қилганлар. Ш.Шомақсудовнинг “Маънолар махзани” китобида В. Хинцнинг “Мусульманские меры веса с переводом в метрическую систему” асарига таяниб, *қари* сўзига берган маълумоти куйидагича: *қари* – узунлик ўлчови бирлиги, ўтмишда турли ерларда турлича бўлиб, XIX асрда Хоразмда бир қари 148 сантиметрга, Бухорода 320 сантиметрга, Тошкентда бозор “қари”си 177 сантиметрга, хон “қари”си 213 сантиметрга, Фарғонада “қулоч қари” ёхуд “узун қари” 164 сантиметрга, “калта қари” 57 сантиметрга, Ўрта Осиёнинг энг узун “қари”си 365 сантиметрга тенг

бўлган<sup>226</sup> бўлса, ушбу сўзнинг ЎТИЛ (ўзбек тилининг изоҳли луғати)даги маъносига кўра эса, унда бу узунлик ўлчов бирлиги асосан, ип, ипакдан тайёрланган газламаларни, баъзан эса масофа ўлчов бирлиги ҳисобланиб, ҳудудларга нисбатан ҳисоби бирмунча бошқачароқ тарзда келтирилган, яъни, Хоразмда 149, Тошкентда 189 см га тенг деб: *Тўқсон қари бўздан бўлган киссаси, Шундоқ қалмоқ айланади майдонда.* (“Алпомиш”) [ЎТИЛ.V.248].

Умуман олганда, турли хил адабиётларда қадимги ўлчов birlikлари турлича фаразларга кўра нисбатлаб берилган. Бу эса тадқиқотчиларни қари ўлчов бирлиги ҳақидаги фикрини бирмунча чалғитади ва иккиланишларга сабаб бўлади деб ўйлаймиз.

Венгриялик олим А.Вамбери ўтган асрнинг иккинчи ярмида ўлкамизга қилган сафаридан қайтгач, 1885 йилда Лейпцигда чоп этилган “Туркий халқларнинг этнологик ва этнографик хусусиятлари” номли асарида ўзбеклар илмига амал қилмайдиган, бировлар ҳисобига яшаб ўрганган муллаларни қадрламасликлари, ёмон кўришлари, кўпинча уларнинг устидан истеҳзо билан кулишлари ҳақида ёзатуриб, *икки мулла – бир киши, бир мулла – хотин киши*” иборасини келтирган. Вариант: “*Икки мулла – бир киши, бир мулла – хез киши*”; “*Икки мулла – бир киши, бир мулла – ёрти киши*”; “*Ҳамма мулла – бир мулла, мингта мулла – бир тилла*”. Бу билан: “Айрим муллалар дуои-фотиҳа ўқиш билангина мўмайгина даромад қиладилар. Ўзлари эса меҳнатга бўйин эгмай, меҳнатда чиниқмай, хотин кишидан баттар ожиз, куч-қувватсиз, “пуф” деса учиб кетадиган одам бўлиб қолишган” дейилмоқчи .

Диний маросимлар, фаразлар, одатлар ҳам фразеологизмлар яралишига сабаб бўлиши мумкин: “*Олтмишгача ошир, етмишдан кейин яшир*”. Бу мусулмонча одатдан келиб чиқиб айтилган гап. Мусулмонлар орасида киши Муҳаммад пайғамбар ёшига етмаган (яъни олтмиш учга

---

<sup>226</sup>Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б.63.

тўлмаган) бўлса, пайғамбардай умр кўриш орзусида ёшини бир ёш катта қилиб айтиш, агар пайғамбар ёшидан катта бўлса, бир ёш кичик қилиб айтиш ёки умуман айтмаслик одати бор.

Фразеологизмлар диахрон асосларга кўра ўрганилганда миллатга хос асотир, ривоят, ҳикоятларга ҳам дуч келиш мумкин бўлади: “*Оқ дарёнинг ул юзида бир игнага – бир сигир*”. Бу иборага изоҳ сўралганда, куйидаги ҳикоятни келтирганлар: “Қадим замонда бир алдамчи ўғри бўларкан. Шу ўғри бир қанча вақт ўз юртидан йўқ бўлиб кетибди-да, бир кун битта сигир етаклаб келибди. Одамлар: “Бу сигирни қаёқдан олдийкин?” деб, ҳайрон бўлишибди. Ўғридан сўрашган экан, у шундай деб жавоб қилибди: “Бисотимда йиртиқ-ямоқ тикиб юрадиган биттагина игнам бўларди. Иттифоқо, Оқ дарёнинг у юзига бориб қолдим. У ерда игна деган нарса бўлмас экан. Ҳамма жуволдизда тикаркан. Бир куни мендан ҳалиги игнамни сўраб қолишди. “Майли сотаман-у лекин баҳоси қиммат-да”, дедим мен. “Қанчага сотасиз?” дейишди улар. “Бир сигирга алмашаман” дедим мен. Улар рози бўлишди. Шундай қилиб, бир игнага мана шу сигирни алмашиб келдим”. Ўша вақтнинг содда одамлари бу гапга ишониб, улар ҳам аллақанча игна харид қилишибди-да, Оқ дарёнинг у юзига равона бўлишибди. Боришса иш бутунлай тескари: игна у ерда ҳам кўп, сигирнинг баҳоси бўлса, худди ўзларининг юртларидаги баҳо билан барабар экан. Улар алданганликларини билиб, қарғай-қарғай кетишибди. Шундан кейин ўша юртда “*Оқ дарёнинг ул юзида бир игнага – бир сигир*” деган кинояли гап тарқалиб кетибди”<sup>227</sup>.

Фразеологизмларнинг ишлатилиши фикрнинг ифодавийлигини кучайтиради, чунки уларнинг кўпчилигида метаморфик фикр, экспрессивлик ва баҳолаш мазмуни ётади. Фразеологизмларни кўп миқдорда билиш ва ўз ўрнида қўллай олиш сўзловчининг нутқида ўзига хос образлилик, ёрқинлик ва тийранликни ҳада ётади. Бу жараёни

---

<sup>227</sup>Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б.285.

ўрганган Е.Г.Гаврилова рақам компонентли бирликларнинг классификациясини олтига семантик-грамматик синфларга ажратиб чиқади:

1) энг кўп учрайдиган гуруҳ таркибига сифат–ҳол мазмунидаги фразеологизмлар киритилган, яъни бу гуруҳ фразеологизмлари ҳаракатнинг сифат белгисини ифодалайди: *по первое число* – биринчи санагача; *за десятерых* – ўн киши ўрнига; *в два счёта* – жуда қисқа вақтда; *как дважды два* – икки карра иккидек аниқ. Ўзбек тилида бу таркибга “*беш қўлдай*” (*билмоқ*) иборасини келтиришимиз мумкин. Ибора “яхши билмоқ” маъносини бериб, бирор ишни, жойни, ҳаракат ва ҳолатни бошқалардан яхшироқ, ортиқроқ биладиган кишига нисбатан ишлатилади: *Бу жойларни у ёшлигидан беш қўлдай билар, кечаси қоронғуда ҳам осон топиб олар эди.* (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча [ЎТИЛ.I.143])

Улар пайт ҳоли мазмунида ҳам келиши мумкин: *одну минуту* (*минутку*) – бир дақиқа, *в третьем году* – учинчи йилда. Ўзбек тилида биз бу таркибга “анча вақт” мазмунида келувчи “*минг йил*” иборасини мисол қилишимиз мумкин: –*Жўра, учрашмаганимизга ҳам минг йил бўлибди-я, кел бағримга бир босай...*(Н.Мақсудий. Илон боласининг захри [ЎТИЛ.I.140]) Ўрин ҳоли шаклида келиши мумкин: *в трёх шагах* – уч қадам нарида, жуда яқин; *за тридцать земель* – олисда; “*тўрт девор ичида*” ибораси ўзбек тилида тиғиз жой мазмунида фаол қўлланилади. *Тўрт тараф(и) қибла; тўрт томон(и)қибла* – “қаёққа хоҳласа, кетаверсин” мазмунида келади: *Эшикка чиқинг, тўрт тарафингиз қибла. Балки ўша бойвучча хотинга йўлиқиб қоларсиз.* (Ғ.Ғулом. Тирилган мурда [ЎТИЛ.IV.187]) Мисолдаги қибла сўзи айнан миллий-маданий семантикани ёритувчи компонентлардан бири ҳисобланади.

2) иккинчи ўринни предметли фразеологизмлар гуруҳи эгаллаган. Улар кўпинча абстракт (мавҳум) тушунчаларни англатади: *игра в одни ворота* – фақат бир йўналишда; *одна радость глазу* – севиниб, хурсанд бўлмоқ; *первый блин комом* – бирор-бир иш режадагидай чиқмаслик, ўхшамаслик, *ноль внимания* – мутлақо беэътиборлик, *семь футов под*



*килем* – бирор ишни бажаришда тўсиқларга учрамаслик. Ўзбек тилида биз бу гуруҳга *бир чақалик, бир пақир, бир тийин, бир пуллик* ибораларини мисол қилишимиз мумкин, чунки бу ибораларнинг барчаси “кадр-қийматсиз” маъносини (тушунчасини) беради: *Шу ёшга келиб, қилган меҳнатим ҳам, орттирган обрўйим ҳам бир пул бўлди.*(Р.Файзий. Чўлга баҳор келди [ЎТИЛ.I.146])

Ўзбек тилида шахсни ёки гуруҳни англатиши мумкин бўлган рақам компонентли фразеологизмлар таркибида “ҳеч нарсани билмаслик” мазмунидаги иборалар учрамайди. Рус тилида бу мазмунни берувчи *абсолютный нуль* фразеологизми таркибида сон қатнашган. Шахсни ёки гуруҳни англатиши мумкин бўлган фразеологизмлар қаторига рус тилида *один как перст* – ёлғиз, якка; *одна шайка* – бир тўдадан, *два Аякса* – ажралмас дўстлар иборалари ишлатилади. Ўзбек тилида *икки шунқор урушса, бир қаргага ем бўлар, бир тулки етти бўрини етаклайди* фразеологизмлари бу гуруҳга мисол бўла олади: –*Эҳтиёт бўлинг, раисимиз сиз айтганчалик анойиларданмас, тулкимисан, тулки, керак бўлса, етти бўрини етаклайдиган туридан...*[ЎТИЛ.IV.117])

3) процессуал фразеологик бирликлар таркибига кирувчи фразеологизмлар семантик жиҳатдан турличадир, лекин уларнинг мазмуни асосида жараён тушунчаси мавжуд. Процессуал фразеологик бирликларнинг кўпчилиги субъект фаолиятини, жисмоний ҳаракат ва руҳий ҳолатни билдиради: *остричь под нуль* – сочини жуда қисқа қилиб олдирмоқ; *лить слёзы в три ручья* – жуда кучли йиғламоқ; *в одну точку бить* – бир нуқтага урмоқ, *в трёх соснах заблудиться* – ҳеч адашмаслик мумкин бўлган жойда адашмоқ. *Бир ўқ билан икки қуённи урмоқ; бир кесак билан икки қаргани урмоқ; бир таёқ юз бошни ёрмоқ; санамай “саккиз” демоқ* фразеологизмлари мазмуни асосида жараён тушунчаси мавжуд ва уларда жисмоний ҳаракатни ифодалаш семантикаси бирламчидир: *Санамай “саккиз” дейишдан қўрқаман. Бироқ, хотиринг жам бўлсин, мақсадга етиш учун қўлимдан келганини аямайман.* (Ойбек. Олтин

водийдан шаббодалар) Мисолдан кўриниб турибдики, фразеологизмлар бир пайтнинг ўзида ҳам ҳолат, ҳам ҳаракатни ифодалай олиши мумкин ва бу хусусиятига кўра процессуал фразеологик бирликлар қаторидан жой олади.

4) белги асосида вужудга келувчи фразеологизмлар шахс ёки предметни турли белгилар асосида тавсифлайди. Бир гуруҳ фразеологизмлар ичидан “бир хил”, ”ўхшаш” мазмунидагиларини ажратиб олиш мумкин: *на одно лицо; все, как один; под одну масть; как две капли воды; оба луки, оба туги; два лаптя пара* – мисолларнинг барчаси бир хил, ўхшаш маъносида келган. Ўзбек тилида *бир туки ўзгармас, бир олманинг икки палласидай* фразеологизмлари ҳам бир хил, ўхшаш мазмунида ишлатилади: *Ота дам қизига, дам йигитга суюниб боқармиш. Иккови бир олманинг икки палласидаймиш.* [ЎТИЛ.I.98]

5) миқдорни билдирувчи фразеологизмлар ҳеч қачон аниқ бир миқдорни билдирмайди. Улар ноаниқ, катта ҳажмдаги миқдорни англатиши мумкин: *один на другом сидит* – оғир юк бўлиб, *в три ручья* – кўп, *в два горла* – баланд овозда, *сорок сороков* – жуда кўп, *с три короба* – катта ва кўп, ёки ноаниқ кичик ҳажмдаги миқдорни англатади: *раз-два и обчёлся* – жуда оз. *Бармоқ билан саноқли, зигирдай бўлиб* фразеологизмларини бу гуруҳга мисол қилиб олишимиз мумкин. Тўғри, уларда сон компоненти қатнашмаган, лекин мазмуни миқдорни англатади: *–Вой, қуртни нега ўрайсиз...Зигирдай нарса диққа нафас бўлиб ўлмайдимми?* (Н.Сафаров. Олияхон [ЎТИЛ.II.320])

б) модал–ундов мазмунидаги фразеологизмлар доирасига кирувчиларнинг асосини нутқий коммуникативлик ташкил этади. Бу бирликлар сўзловчининг суҳбатдошига нисбатан алоқасини ёки фикр предметига муносабатини билдиради. Бу синф фразеологизмлари унчалик ҳам кўп эмас: *опять двадцать пять* – яна такроран, *ля-ля-ля, три рубля* –

осонликча, *дай пять* – кўл ташла;<sup>228</sup> Ўзбек фразеологизмлари ичида *кўл ташла* ибораси мавжуд, лекин унда сон бутунлик мазмунида шаклланган. *Беш карра беш – йигирма беш* ибораси айнан нутқий коммуникация асосида юзага келган бўлиб, ундан кўпроқ сўзлашув услубида фойдаланилади.

Фразеологик ахборот бошқа тил вакиллари учун номаълум бўлган жамиятнинг муайян бир ижтимоий гуруҳларга мансуб инсонлар тилини, характерини, хулқ-атворини ҳам ифодалаш мумкин. Фразеологик бирликдаги прагматик ахборотни хато тушунишга мажбур қилувчи омиллардан бири – ифодаланган маъноларнинг бир хиллиги, аммо бу маъно бошқа тилларда ўзгача лексик бирликлар орқали ифодаланишидир. Бизнинг вазифамиз: ўзбек тилидаги фразеологик бирликларда учрайдиган, бошқа миллат вакилига ёт тушунчани илғаб олишга ёрдам беришдан, миллий ибораларимиз яралиши тарихи, диахрон келиб чиқиши, ўзга миллат эътиқодига мансуб инсонлар фаразида фразеологик бирликларимиз жозибаторлигини илғаб олишга кўмаклашишдан иборат.

### **Боб бўйича хулоса**

1. Фразеологизмлар этноснинг қадимий ҳаёт тарзи, маданияти билан боғлиқлиги, фаолият доираси торайиб бораётган касблар ва уларга алоқадор атов бирликлари бўлиб, уларни лингвокультурологик йўналишда тадқиқ этиш эҳтиёжини пайдо қилади.

2. Этнографик лексика таҳлили мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида функционал-семантик жиҳатдан тилимизнинг тарихий босқичларига мансуб лексемалар тил эгалари нутқида сақланиб келаётганини кўрсатади. Ушбу лексик қатламга оид луғавий бирликлар маҳаллий аҳолининг лексиконида асосий ўрин эгаллайди. Мана шу

---

<sup>228</sup> Гаврилова Е.Г. Фразеологические единицы с компонентом-именем числительным в русском языке: семантический аспект // Международный журнал экспериментального образования. 2014. №.6-2. – С. 141-142.

этнодиалектал маданий тушунчаларни тўплаш, тизимлаштириш ва илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

3. Этнографик бирликларнинг ҳудудий ва умумий луғатларини тузиш этнолексемаларнинг лексик-семантик, этимологик, систем-структур нуқтаи назардан тадқиқ этиш имконини беради.

4.Этнографизмларнинг структураси тилимизнинг асл лексик, грамматик хусусиятларини ўзида намоён қилади. Бир ёки кўп таркибли этнографик лексемалар тузилиши тилшунослигимизнинг бошқа соҳалари, хусусан, имло, лексикология, сўз ясалиши, морфемикада ечимини топиши зарур бўлган жиҳатлар борлигини кўрсатди. Этнографик мавзуй изохли луғат мана шу муаммоларни қайта кўриб чиқиш имконини беради.

5.Ўзбек тилшунослигида ҳудудий ва айрим мавзуй-тематик йўналишда қисман этнолингвистик тадқиқотлар олиб борилган. Бирок этнографизмларнинг лексикографик тамойиллари, назарий асослари ишлаб чиқилмаган эди. Ушбу тадқиқотда ўзбек ва рус миллат аҳолиси нутқида учрайдиган этнографик лексика мисолида ўзбек тили этнографизмларининг лексикографик хусусиятлари, уларнинг амалий ва назарий асослари изохланди.

6. Этнографик тушунча ифодаловчи бирликларни этнографик мавзуй изохли луғатда акс эттиришда сўзликка тузиладиган луғат мақоласининг жойлашув тартиби асосланди. Яъни бош сўз, бош сўз этимологияси, сарлавҳага чиқарилган сўзликка берилган изох, ҳавола қилувчи қайдлар ва бош сўз синонимларининг вазифалари изохланди.

7.Этнографизмларнинг мавзуй-тематикаси идеографик аспектда таснифланди. Уларни маълум семантик майдон асосида луғатлаштиришнинг афзаллик томонлари асосланди.

8. Этнографик мавзуй изохли луғат учун этнографик бирлик танлашда юзага келадиган айрим муаммолар таҳлил қилинди. Хусусан, бош сўз сифатида танланган содда ва мураккаб этнографик бирликларнинг

грамматик шаклланиши, структураси ҳамда имлосида учрайдиган ҳар хилликка эътибор қаратилди.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Тилда этномаданий тушунча ифодаловчи лексик бирликлар, хусусан фразеологизмлар этноснинг дунёқараши, менталитети, руҳияти, анъанавий турмуш тарзи, умуман, миллий қадриятларини ўзида намоён қилади. Шу маънода фразеологик бирликларнинг тил тараққиёти ва миллий тил шаклланишидаги аҳамиятини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

2. Миллий фразеологизмлар маълум бир миллатнинг маданияти, урф-одатлари, ўзига хос удумлари каби хислатларни ёритувчи ва халқлар ҳаётини, дунёқараш ва турмуш тарзини, этик ва эстетик нормаларини ифодалайди. Миллий фразеологизмлар халқнинг ижтимоий-сиёсий ва маиший ҳаётини, характер хислатларини, халқнинг топонимика, флора, фаунасини, миллатга хос урф-одат ҳамда маросимларини ифода этади.

3.Этнолингвистика этноснинг анъанавий турмуш тарзи, миллий анъаналари, урф-одатларини батафсил ўрганишида этнофраземалар кийим компонентли, озиқ-овқат компонентли, зооним компонентли этнофраземалар асносида этноснинг миллий анъаналари, урф-одатларини ифода этишга хизмат қилади .

4.Ўзбек тили этнофраземаларини лексик-семантик, функционал, систем-структур, тематик планда замонавий дунё тилшунослиги тажрибаларига асосланган ҳолда изоҳлаш тилшунослик олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Халқимизнинг этномаданий ҳаётини ўзида намоён этувчи моддий ва маънавий-маданий этнофраземалар луғавий бойлигимизнинг аксарият қисмини ташкил этади.

5. Халқимиз тарихий шаклланиш тараққиёти жараёнида турли этнослар билан ижтимоий, сиёсий, маданий алоқалари натижасида тилимизга бошқа халқлар этномаданиятига оид урф-одат, анъана, маросимларини ифодаловчи этнофраземалар кириб келиб, ўзи ифодалаган

воқелик билан халқимизнинг моддий ва маънавий мулкига айланган, янги этнофраземаларнинг шаклланишига асос бўлган.

6. Ўзлашма этнофраземаларни диахрон ва синхрон аспектда таҳлил қилиш халқимиз ва этник гуруҳларнинг этногенезисини, уларнинг қардош бўлмаган халқлар билан ижтимоий муносабатларини чуқурроқ ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

7. Ранг компонентли ижобий ва салбий этнофраземалар махсус урф-одатларни англатувчи, махсус прототипларга эга универсал концептларни англатувчи, махсус абстракт концептларни англатувчи этнофраземаларга ажралади. Миллий фразеологизмлар таркибидаги компонентлар орасида у ёки бу миллатга хос бўлган белгиларнинг миллий урф-одатлари, халқ оғзаки ижодида, тарихий афоризмларда, кийим, асбоб-ускуналар, жой номлари орқали кўпроқ намоён бўлади. Этнофраземалар яратилиш тарихи, шаклланиш жараёни, этимологияси орқали ҳам миллий-маданий хусусиятлар ифодаланади.

8. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, халқимизнинг маиший турмуши, ижтимоий муносабатлар – қариндош-уруғчилик, кўни-кўшничилик; миллий кийим, миллий таомлар, ўйинлар ва бошқа кўплаб соҳаларга алоқадор этнофраземаларни этнолингвистик аспектда ўрганиш зарурати мавжуд.

9. Этнографик лексика таҳлили мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида функционал-семантик жиҳатдан тилимизнинг тарихий босқичларига мансуб лексемалар тил эгалари нутқида сақланиб келаётганини кўрсатади. Ушбу лексик қатламга оид луғавий бирликлар маҳаллий аҳолининг лексиконида асосий ўрин эгаллайди. Мана шу этнодиалектал маданий тушунчаларни тўплаш, тизимлаштириш ва илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

10. Этнографизмларнинг структураси тилимизнинг асл лексик, грамматик хусусиятларини ўзида намоён қилади. Бир ёки кўп таркибли этнографик лексемалар тузилиши тилшунослигимизнинг бошқа соҳалари,

хусусан, имло, лексикология, сўз ясалиши, морфемикада ечимини топиши зарур бўлган жиҳатлар борлигини кўрсатади. Этнографик мавзуй изоҳли луғат мана шу муаммоларни қайта кўриб чиқиш имконини беради.

11.Тадқиқотда аниқланган баъзи кўчма маънолар, жумладан, ўзбек тилининг миллий-маданий тил бойлиги ҳисобланган фразеологик бирликлар ўзбек тили изоҳли луғатининг кейинги нашрлари таркибига киритилиши лозим. Бундай зарурат луғатчиликка маъсулият билан ёндошувни тоқозо этади.

12.Этнофраземаларнинг асосини муайян маданиятнинг кодлари ташкил этади. Бу кодларни тушуниш уларнинг маъно-мазмунини асл ҳолда авлодларга етказиш учун рамзий тушунчаларнинг шаклланиши, таракқий топиши, рамзлар даражасининг эъзозланиши, улар орқали инсоннинг куч-қудрати, олийжаноб ва сахийлик каби фазилатларини тилда тасвирлаш имконини беради.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар

1.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – Тошкент, 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони. – Тошкент, 2017 йил 16 февраль, ПФ-4958-сон.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. –Тошкент, 2019 йил 21 октябрь, ПФ-5850-сон.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019 йил, 22 октябрь.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. –Тошкент, 2020 йил 20 октябрь, ПФ-6084-сон.

### II. Илмий адабиётлар

2.1. Шомақсудов А., ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. –Тошкент, 1974.–Б.370.

2.2.Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. –Москва: Флинта.Наука, 2010. – С.216.

2.3.Алимжанова. Г.М.Сопоставительная фразеология. –Алма-Ата: Мир языка, 1999. –С. 348 .



2.4.Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент тахлили.10.02.02–ўзбек тили. Филол. фанлари номзоди...дисс. –Тошкент, 2008. –Б. 162.

2.5.Арутюнов С.А. Основные пищевые модели и их локальные варианты у народов России //Традиционная пища как выражение этнического самосознания . –Москва: Наука, 2001. –С. 342.

2.6. Арутюнов.С.А. Народы и культуры: развитие взаимодействие. – Москва: Наука, 1989. –С. 336.

2.7.Ахметов.З.А. О языке казахской поэзии. –Алма-ата: Мектеп, 1970. –С.248.

2.8.Б.А.Базыма.Психология цвета. Теория и практика. –Москва: Речь, 2007. –С.208.

2.9.Бабушкин А.П. Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка. –Воронеж: ВГУ, 1996. –С.408.

2.10.Байбурин А.К. Семиотические аспекты функционирования вещей// Этнографическое изучение знаков средств культуры. –Ленинград: Наука, 1989. –С.572.

2.11.Бахронова Д.К. Антропозооморфизмларнинг семантик ва лингвокультурологик хусусиятлари. Автореф...дисс. (PhD). –Тошкент, 2017. –Б. 52.

2.12. Болтаева Б. Ўзбек тили фразеологик бирликларнинг трансформацияси (семантик-прагматик таҳлил): Филол.фан.фалсафа док(PhD)дисс. ...автореф. –Самарқанд, 2019. –Б. 48.

2.13.Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик тахлили.Филол.фан.ном...дисс. –Тошкент, 2009. –Б. 168.

2.14. Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. –Москва: Наука, 1985. –С. 228.

2.15. Воробьёв В.В. Лингвокультурология: теория и методы. Монография. –Москва: Изд. РУДН, 1997. –С. 332.

2.16. Ермакова Е.Н., Файзуллина Г.Ч. Фразеологизмы с компонентом наименование корова как маркеры ментальности народа. –Казань: Изд-во Казан, 2016. –С. 454.

2.17. Зейналов Ф.Р., Новрузов М.Д. Об этимологии слова *altun*// советская тюркология. –Москва, 1984. - №5. –С. 448.

2.18. Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Автореф...дисс.канд.филол.наук. –Ташкент, 1976. –С. 62.

2.19. Йўлдошев Б. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. –Самарқанд: Сам.ДУ нашри, 2002. –Б. 530.

2.20. Йўлдошев. Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол.фан.д-ри.дисс. ...автореф. –Тошкент, 1993. –Б. 48.

2.21. Йўлдошев.М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлил асослари. –Тошкент: Фан, 2006. –Б. 452.

2.22. Корнилов.О.А. “Языковые картины мира как производные национальных менталитетов». –Москва, 2003. –С.532.

2.23. Калонтаров.Я.И. Таджикские пословицы и поговорки в сравнении с узбекскими. –Душанбе: Дониш, 1969. –С.432.

2.24. Кўчибоева.А.Матн прагматикаси. Ўқув-услубий қўлланма. –Самарқанд, 2015. –Б. 328.

2.25. Қошғарий М. Девону луғатит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов.І. –Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. –Б. 483.

2.26. Лотман Ю. М. Беседы о русской культуре: Быт и традиции русского дворянства. –СПб.: “Искусство-СПБ”, 1994. –С. 670 .

2.27. Лотман Ю.М. Семиосфера. –СПб.:”Искусство –СПБ”, 2000. –С. 242.

2.28. Мадаев О. Собитова Т.Халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент: Шарқ, 2010. –Б. 20.

2.29. Маковский М.М. Сравнительный словарь мифологической символики в индоевропейских языках. –Москва: Наука, 1996. –С. 432.

- 2.30. Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол.фан.д-ри.дис. ...авторреф. –Тошкент, 2000. –Б. 56.
- 2.31. Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув кўлланма. – Тошкент: Наврўз, 2019. –Б. 260.
- 2.32. Маматов А. Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари. – Тошкент: Наврўз, 1996. –Б. 354.
- 2.33. Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. –Москва: Академия, 2004. –С. 205.
- 2.34. Маҳмуд Саттор. Ўзбекнинг гапи кизик. –Тошкент: Тафаккур каноти, 2011. –Б. 148.
- 2.35. Маҳмудов Н., Худойбергана Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013. –Б.350.
- 2.36. Молотков А.И. Основы фразеологии русского языка. –Москва. – С. 62.
- 2.37. Мусаев А. Грамматическая разработка глагольных фразеологизмов в толковых словарях русского языка. Диссер.док.филос.филол.наук (PhD). –Ташкент, 2019. –С. 156.
- 2.38. Мухтасар. Араб тилидан Рашид Зоҳид ва Акрам Дехқон таржимаси. –Тошкент: Чўлпон, 1993. –Б.560.
- 2.39. Нишонова Н.Р.Ўзбек тилидаги “ҳайвон” архисемали лексемаларнинг мазмуний таҳлили. Фил. фан.номзоди...дисс.авторреф. – Тошкент, 2000. –Б. 16.
- 2.40. Норбоева Ш. Хоразм шеваларидаги соҳавий лексика. –Тошкент, 2014.–Б.48.
- 2.41.Норбоева Ш.Х. Хоразм шеваларида кийим-кечак номларининг структур-семантик тадқиқи. Филол.фан.бўйича фалс.докт.(PhD) дисс.авторреферати. –Тошкент, 2017. –Б. 52.
- 2.42. Нурмонов А., Собиров.А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Шарқ, 2002. –Б. 402.

2.43. Омонтурдиев А. Чорвадор нуткида уй-рўзгор буюмлари номи ва мақоллар эвфемикаси. –Термиз, 2007. –Б. 32.

2.44. Панфилов В.З. «Взаимоотношения языка и мышления». – Москва, 1971. –С. 231.

2.45. Панченко Н. Сравнение как средство дескрипции лжи и обмана // Основное высшее и дополнительное образование: проблемы дидактики и лингвистики. –Волгоград: ВГТУ, 2000. –С. 238.

2.46. Пасечник Т.Б. Лингвокультурологический анализ фразеологических единиц с числовым компонентом в русском языке в сопоставлении с английским. Автореферат. –Москва, 2009. –Б.38.

2.47. Потебня А.А. Символ и миф в народной культуре. –Москва: Лабиринт, 2000. –С. 480.

2.48. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Том III. –СПб., 1905. –С. 1360.

2.49. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. –Тошкент: Фан, 1970. –Б. 60.

2.50. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол.фан. докт.дис. ...автореф. –Тошкент, 1966. –Б. 46.

2.51. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фразеологизмларнинг боғлашуви. –Тошкент, 1992. –Б.462.

2.52. Раҳмон.Н. Турк ҳоқонлиги. –Тошкент: Халқ мероси, 1993. –Б.262

2.53. Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили (кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида): Филол.фан.фалсафа док (PhD)дис. ...автореф. –Самарқанд, 2018. –Б. 58.

2.54. Рўзикулова М. Ўзбек тилида идиомалар: Филол.фан.ном.дис. ...автореф. –Тошкент, 1966. –Б. 60.

2.55. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика синтенций в английском и узбекском языках: Афтореферат.дисс...канд.филол.наук. –Ташкент, 2010. –С. 46.

- 2.56. Слышкин Г.Г. От текста к символу: лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании и дискурсе. –Москва: Академия, 2002. –С. 428.
- 2.57. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка.–Москва,1956.–С. 308.
- 2.58. Снесарёв Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. –Москва: Наука, 1969. –С.420.
- 2.59. Солодуп Ю.П., Альбрехт Ф.Б. Современный русский язык. Лексика и фразеология (сопоставительный аспект). –Москва: Флинта. Наука, 2002. –С. 246.
- 2.60. Телия В.Н. Русская фразеология: семантические, прагматические и лингвокультурологические аспекты. –Москва: Школа “Языки русской культуры”, 1996. –С. 286.
- 2.61. Телия В.Н. Первоочередные задачи и методологические проблемы исследования фразеологического состава языка в контексте культуры // Фразеология в контексте культуры. –Москва: Школа “Языки Русской культуры”, 1999. –С. 322
- 2.62. Тернер В.Символ и ритуал. –Москва: Наука, 1983 –С. 312
- 2.63. Топоров В.Н. О числовых моделях в архаических текстах//Структура текста. –Москва: Наука, 1980. –С. 326.
- 2.64. Усманова. Ш. Лингвокультурология. Дарслик. –Тошкент, 2019. –Б 246.
- 2.65. Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол.фан ном.дисс. ...автореф. –Тошкент, 1998. –Б. 44.
- 2.66. Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине мира (на материале русского и узбекского языков) Автореферат. –Ташкент, 1999. –Б.46
- 2.67. Холмонова З. Лингвокультурологияга оид тушунчалар тадқиқи. –Тошкент: Наврўз, 2018. –Б. 446.

2.68. Худойбергана Д. Матнинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 3013. –Б.286.

2.69. Ҳақимов Қ. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги: Филол.фан.ном.дисс. ...автореф. –Тошкент, 1994. –Б. 56.

2.70.Ҳақимова Г.Э. Зооним компонентли фразеологик бирликларнинг структуравий ва семантик хусусиятлари: Филол.фан.ном.дисс...автореф. –Тошкент, 2008. –Б. 62.

2.71. Шаклеин В.М. Лингвокультурология. Традиции и инновации. Монография. –Москва: Флинта, 2012. –С. 308.

2.72. Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни. Тадқиқотлар. 2-китоб. –Тошкент: Фан, 1971. –Б. 330.

2.73. Юсупов.У. Теоритические основы сопоставительной лингвистики. –Ташкент: Фан, 2007. –С. 328.

2.74. Berlin B., Kay P. Basic colour terms: their universality and evolution. –Berkeley: University of California Press, 1969. –P.450.

2.75. Judith Martin Thomas Nakayama. Intercultural communication in contexts. –5<sup>th</sup> ed. –New York: McGrew-Hill, 2010. –P.685.

2.76. Uorf B. Отношение норм мышления к языку//Новое в лингвистике. Вып.1. –Москва: Наука, 1960. –С. 390.

### **III. Мақола ва тезислар**

3.1. Базарбаева А. Прототипы цветообозначений в разных языках. Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар. –Тошкент, 2003. –Б. 13.

3.2. Бегизова М. Подходы к изучению слов цветообозначения. Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар. –Тошкент, 2013. –Б. 203.

- 3.3. Маматов А. Лексик интеграция асосида фразеологизмларнинг шаклланиши//Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент,1999. №6. –Б. 29-33.
- 3.4. Умаров Э. Фразеологическая контаминация языка Алишера Навои//Сов.Тюркология. –Ташкент, 1974. №5. –С. 23-27.
- 3.5. Раҳматуллаев Ш. Феъл фразеологик бирликларда мавжудлик категорияси//Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1963. №4. –Б.32-36.
- 3.6 Бахронова Д. Испан тилидаги “Perro” ва “Mono” зооморфизмларининг семантик хусусиятлари ва таржималарига доир// Тил ва адабиёт таълими журнали. –Тошкент, 2015. 2-сон. –Б. 47
- 3.7 Фаттах Мохаммед Абу эль-Иля. Лингвокультурологический анализ фразеологизмов с числовым компонентом в русском и арабском языках // Политическая лингвистика. 2018. №1(67). –С. 171.
- 3.8. Еремян А.М. Фразеологические единицы и проблема их перевода. Из-во “Научно-инновационный центр”, 2010 Ч. 4-№2(08). –С.11.
- 3.9 Зарифов Ҳ. Фольклор ва археология материалларини қиёсий ўрганишга доир // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1958. 1-сон. –Б.25-30.
- 3.10 Kalsum Madkan. Dalaljat Al-Adad fi al- Kuran al-Karim (Semantika chisla v Svyashchennom Korane) //Al – Asar: zhurn. –Alzhir, 2012. №14, iyun. –S. 113.
- 3.11. Алмаматов Т., Ядгаров Қ. Тўрт сонининг семантик хусусиятлари. Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. –Тошкент, 2009. –Б. 117-118.
- 3.12. Абдуллаева Р. Тулки зоонимининг инсон характер хусусиятларига ишора қилиши.Тил ва адабиёт таълими журнали. – Тошкент, 2018. 11-сон. –Б.40.
- 3.13. Ахмедова Н. Семантика и философия цвета в тюрской мифологии. Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар. –Тошкент, 2003.–Б.15.

3.14 Бегизова М. Подходы к изучению слов цветообозначения. Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар. –Тошкент, 2013. –Б. 203.

3.15 Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова//ВЯ, 1953. №5. –С. 21.

3.16 Жумаева З. Зооним компонентли фраземаларнинг ишлатилиши. Умумфилологик тадқиқотлар: муаммо ва ечимлар. –Жиззах, 2015. –Б.106-107

3.17. Зиманас Г. Интернациональное и национальное в жизни народов. –Москва, 1965. №6. –С.52-60.

3.18. Марушкина Н.С. ”Гострономические“ фразеологические единицы как средство формирования концепта еда. Преподаватель XXI века. 2012/2.–С.361.

3.19. Насиров А.А. Француз, ўзбек ва рус проverbs фразеологизмларида миллий-маданият хусусиятлар. Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар. –Тошкент, 2013. –Б. 68.

3.20. Ниязметова. Д. Ўзбек ва инглиз тилларидаги фразеологизмлар маданият хусусиятларининг учта даражаси.”Илм сарчашмалари” УрДУ илмий-методик журнали. –Урганч, 2016. №6. –Б.23.

3.21 Равшанов.М. Сопоставительный анализ особенностей фразеологических лингвокультрем. Тил ва Адабиёт журнали. –Тошкент, 2018. 9-сон. –Б. 64.

3.22 Сокур Е.А., Шежева Б.А. Роль компонента зоонима в формировании индивидуального значения фразеологизма. Вестник АГУ. Выпуск 4(227), 2018. –С. 90

3.23 Фаттахова Р.Ф. Функционально-семантические особенности числительных в составе ФЕ татарского языка //Филологическое науки:



Вопросы теории и практики. –Тамбов: Грамота, 2015 №3, – Ч. 2. –С. 199-201.

3.24 Ҳақимова Г. Фразеологизмлар этимологиясида миллий-маданий ғояларнинг ақс этиши. Тил ва адабиёт таълими журнали. –Тошкент, 2015. 2-сон. –Б. 42.

3.25 Юсупова Ш. “Туя” лексемасининг лингвокультурологик хусусиятлари. Замонавий услубшуносликнинг долзарб муаммолари. – Фарғона, 2017. –Б.118.

3.26 Ярашева Н. Ибораларнинг лингвомаданий тадқиқи. Тил ва адабиёт таълими журнали. –Тошкент, 2018. 11-сон. – Б.28.

3.27 Тошева Д.А. Зоонимы в культурологическом подходе к освоению иностранного языка.//Тил ва адабиёт таълими журнали. – Тошкент, 2016. 7-сон. –Б.61.

3.28 Гаврилова Е.Г. Фразеологические единицы с компонентом-именем числительным в русском языке: семантический аспект // Международный журнал экспериментального образования. 2014. № 6-2. – С. 141-142.

#### **IV. Луғатлар**

4.1 Абдурахимов М. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б. 384.

4.2 Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. –Б.470.

4.3. Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Том II. – СПб.,1871. –С. 754.

4.5. Вовк О.В. Энциклопедия знаков и символов.–Москва: Вече, 2006.–С. 390.

4.6. Жуков В.П. Школьный фразеологический словарь языка. – Москва: Просвещение, 1980. –С. 426.

- 4.7. Федосов И.Н, Липицкий.А.Н. Фразеологический словарь русского языка. –Москва: Юнвест, 2003. –С. 300
- 4.8. Ногайско-русский словарь. –Москва, 1963. –С. 358.
- 4.9. Носиров О., Юсупов М., ва бошқалар. Ан-наъим. Арабча-ўзбекча луғат –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2005. –Б. 784.
- 4.10. Ожегов С.И. Словарь русского языка. –Москва: Гос.из-во иностранных и национальных словарей, 1960. –С. 900.
- 4.11 Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. –Б. 406.
- 4.12 Содиқова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. –Тошкент: Фан, 1972. –Б.192.
- 4.13 Татарско-русский словарь. –Москва, 1966. –С. 556.
- 4.14 Тувинско-русский словарь. –Москва, 1968. –С. 416.
- 4.15 Хакассо-русский словарь. –Москва, 1983. –С. 328.
- 4.16 Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 2002. –Б. 424.
- 4.17 Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б. 448.
- 4.18 Яранцев Р.И. Словарь справочник по русской фразеологии. – Москва: Русский язык, 1981. –С. 304.
- 4.19 Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). 5 жилдли. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд, 2006. –Б. 680; 2-жилд, 2006. –Б. 4.20 3-жилд, 2007. –Б. 688; 4-жилд, 2008. –Б. 608; 5-жилд, 2008. –Б. 592.

## **V.Интернет сайтлар.**

- 5.1 [http://www/tsu.tmn.ru/Шмелёва Т.М.](http://www/tsu.tmn.ru/Шмелёва_Т.М.) Существительные полиэталонны в английских устойчивых сравнениях. Актуальные проблемы психолингвистики. –Тверь, 1996.
- 5.2. <https://hozir.org/buxoro-davlat-universiteti-v10.html?page=4>

5.3. <https://www.advantour.com>> culture

5.4. [WWW.urbandictionary.com/define.php?term=kilts+on+stilts](http://WWW.urbandictionary.com/define.php?term=kilts+on+stilts)

5.5. Сиддиқова Х. [http://www.zamonaviy.uz/yaangiliklar/raqamlarda\\_sizning\\_va\\_atrofdagilarning\\_psixologiyasi](http://www.zamonaviy.uz/yaangiliklar/raqamlarda_sizning_va_atrofdagilarning_psixologiyasi). Рақамларда сизнинг ва атрофдагиларнинг психологияси.